




№ 36 R 496

8P
ГУЛИСТОН
10
1981

3



Жиззах устки трикотаж фабрикасининг тўқувчиси Т. Ҳасанова.

Илғорларнинг ватанпарварлик ташаббуси барча партия ташкилотларида ва меҳнаткашлар коллективларида муҳокама қилинсин, меҳнаткашларнинг ижодий изланишларини ривожлантиришда уларга ҳар томонлама ёрдам берилсин, бу ижодий изланиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма мавжуд резервларидан фойдаланишга, беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажаришга қаратилсин.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қароридан)



Хива босмахонасининг печатниги М. Исмоилов.



Наманган шойи газламалар комбинатининг қалава ўровчиси М. Абдуллаева.



Самарқанддаги «Труд женщин» фабрикасининг попопчиси С. Луқмонова.



Андижон область Ленинск шаҳридаги мотор-ремонт заводининг тоқари Т. Жўраев.




177-Шўрчи автомобиль корхонасининг шофёри Д. Маматқулов.



Наманган аврли газламалар шойи комбинатининг тўқувчиси А. Тошбоев.

ҚАНОТ ЁЙГАН ТАШАББУС



ЛЕНИН ВАТАНИ

ИШЧИ — жамиятимизнинг илғор ки-
шиси, ўз соҳасининг билимдони.
У ишлаб чиқариш жараёнларини
якши билибгина қолмай, ўз участка-
сидаги танг жойларни аниқ тасав-
вур қилади, уни бартаф этиш
тўғрисида тайинли таклиф ва муло-
ҳаза айта олади. Иш жойидаги им-
кониятлардан омилкорлик билан фойдаланади,
ҳатто у янги резервларни аниқлаб, уни ҳаракатга
келтиришга ҳам қодир.

Ҳозирги замон совет ишчиси бугунги кунда
инженер-техниклар билан масала талаша олади-
ган билиму малакага эга. Зеро «ишчи жаноби
олийлари» дейилган таърифнинг пайдо бўлиши
ҳам бежиз эмас. Бу, обдон ўйлаб ва толиб ай-
тилган таърифдирки, у ишчи замондошимизнинг
камолотини яққол кўрсатиб турибди.

Ишчи жаноби олийлари ҳақида гап борар
экан, мутахассислар ташаббускор ва новатор
сўзларини ҳам қўллашади. Ҳақиқатан, ишчининг
новаторлиги ва ташаббускорлиги тобора чуқур
аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз коммунист-
ларининг улуг анжумани — партия XXVI съезди
делегатлари ўн биринчи беш йиллик истиқбол
режаларини ишчанлик вазиятида кенг муҳокама
қилиб, тасдиқлаб, ўз корхоналарига олам-олам
таассуротлар билан қайтиб келгач, буюк бунёд-
корлик ишларини амалга оширишга киришдилар.
Съезд ўз ишини тугатганидан бир ой ўтар-ўтмас
республикаимизнинг ўн беш донгдор ишчиси янги
ташаббуснинг ташкилотчиси бўлиб майдонга
чиқди.

Бу донгдорлар ким-у улар бошлаган ташаб-
буснинг моҳияти нимадан иборат? Гарчи, улар
ўн беш нафар бўлса-да, минглаб ишчиларнинг
фикрини, иродасини ўзида, ишида мужжасам-
лаштирган азаматлардир. Республикаимиз саноа-
ти ва транспорт тармоқларининг донгдорлари,
номдорлари, зарбдорлари! Улар наманганлик
тўқувчилар Мелихон Абдуллаева билан Аҳад
Тошбоев, мўйноқлик балиқчи Бибижамол Асано-
ва, гулистонлик тикувчи Гулчеҳра Бекбўлатова
ҳамда бухоролик тўқувчи Валентина Климова,
тошкентлик машинасозлар Виктор Бочков билан
Тимофей Игумнов, андижонлик токаръ Тошпў-
лат Жўраев ҳамда қашқадарёлик тикувчи Раиса
Иванушкина, хивалик матбаачи Мадрим Исмои-
лов ва самарқандлик попопчи Салима Луқмоно-
ва, сурхондарёлик шофер Дамин Маматқулов,
чирчиқлик токаръ Герман Мурзинлардир. Ташаб-
бусчилар сафида фарғоналик химиявий тола
заводининг калава ўровчиси Оксана Похил билан
жиззахлик тўқувчи Тамара Ҳасанова ҳам бор.

Улар ишда ва коммунистлар сафида ўз ўртоқ-
ларининг ишончини қозонган кишилар, баъзилар
КПСС XXVI съездининг делегатлари, СССР
ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатла-
ри, бошқалари эса ишчилар сафига яқингинада
қўшилган ёшлар. Ўз ишига ижодий, омилкорлик
билан чинакам коммунистик муносабатда бўлиш
руҳи — бу ватанпарварларнинг ҳар бирига хос
умумий фазилат.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI
съезди қутлуғ минбаридан туриб қилган докла-
дада алоҳида таъкидлаб ўтилганидек: «Социа-
лист мусобақа — омманинг ижодидир. Узининг
моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак
онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган.
Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш
резервларини топишга ва уларни ҳаракатга кел-
тиришга... ёрдам беради». Ўн беш донгдор ишчи
худди шундай онглилик ва ташаббускорлик наму-
насини кўрсатди. Улар Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети олдида сўз бердилар. Ҳар
бири юксак маҳорат, ишга виждонан муносабат-
да бўлиш, техникани билиш, мустақкам меҳнат
интизоми натижасида меҳнатнинг план унумдор-
лигини икки ва ҳатто уч баравар ошириш мум-
кинлигини амалда исбот этишга аҳд қилди.

Ҳа, совет кишиси эгалланган марра билан киф-
ояланиб қолмайди. У бугунги рекордни эртага
кундалик нормага айлантиришга интилади. Му-
ваффақиятлар зинаюрасидан толиқмай, қийинчи-
ликларни мардона энгиб, қояга кўтарилиб олган-
ларидан кейин янада улкан юксакликларни кўз-
лайди. Бугунги ишчи меҳнатга оддий жисмоний
юмуш деб эмас, балки ижодий иш деб қара-
моқда.

Беш йилда ўн йиллик ва ундан ҳам кўпроқ
ҳажмдаги ишни бажариш осон иш эмас, албат-
та. Бу — техника қудратини тўла ўзлаштириш ва
ўзи ишлаб турган тармоқдаги маҳоратига қатъий
ишонч белгисидир.

Бугунги кунда «Ўн бешлар ташаббуси» номи
билан машҳур бўлган ватанпарварлик ҳаракати
қатнашчиларининг ҳар бири ўз ишлари билан эл
оғзига тушган эъозли кишилардир. Уларни му-
собақа ғолиблари сифатида ҳамма танийди. Об-
ластларда бўлганимизда ана шу ташаббускор-
ларнинг кўплари билан суҳбатлашдик. Уларнинг
қалб сўзларини журналхонлар диққатига ҳавола
қиламиз.

Самарқанддаги «Хотин-қизлар меҳнати» бадиий
каштачилик фабрикасининг попопчиси, партия
XXVI съезди делегати Салима Луқмо-
нова:

— Съездда кенг истеъмол буюмлари ишлаб
чиқаришни кўпайтириш саноат олдидаги асосий
вазифалардан бири эканлиги таҳлил этилганда
борлиғимни аллақандай масъулият ҳисси чулғаб
олди. Бу гаплар бевосита менга, ўзим ишлаб
турган коллективга ҳам тегишли эканлигини қалб-

Офтобнинг дарвозаси, озод Шарқ дарвозаси —
Ленин истиқболига мангу очилган ўлкам.
Осмон тўла юлдузу кувшининг ҳавозаси,
Тинчликнинг йўллари га гулдек сочилган ўлкам.

Тинчлик бўлур барқарор — жазм этди улугъ съезд,
Мамлакат ичболлида янги уфқлар пайдо.
Нурдан тез космик кема, шамолдай учган поезд —
Беш йиллик шўхратига ўзни бахш этган шайдо.

Сирдарё ГРЭСига мусобақадоз офтоб,
Бекобод металлурги — умиднинг чилангари.
Бугун амалий ишдир илмий-техник инқилоб,
Пахтанинг ойдin йўли — эзгуликнинг лангари.

Чирчиқ кимёгарининг қиёматлик дўстиман,
Рухимда истироҳат — унинг ғамини есам.
Лоф бўлмайди: «Мен ўша тўқ мағзининг пўстиман,
Тинч океандек дилида борин биламан», десам.

Коммунист заковати қилни қирқ ерди, рости,
Шу дўстим кашфиёти корхонага берди шон:
Жаҳонда энг сифатли Ўзбекистон кимёси
Тинчлик дастёри бўлиб халқлар аро жонажон.

Тошкент зилзиласини қандай тавсифлай, эй дил,
Ер — маст: унча қутурмас нортуя ҳам чиллада.
Афсонавий ДнепрГЭС уч юз, уч юз эллик йил —
Ҳосил қилганча қувват ҳар галги зилзилада.

Дўстлик — пўлатдан кучли, дўстлик — имон
шаҳридир,
«Одам — олам гултожи» деб олқаган падар у.
Одамийлик, оқибат, ироданинг наҳридир,
Советлар юрагига ишонч солган мадор у.

Тошкентнинг камолида бўлди тўла намоён
Абадият сингари кенгфезл дўстликнинг руҳи.
Уммонлар қадар теран дўстлик руҳида аён
Баҳор тошқинларининг ҳаётбахш таважжуҳи.

Дўстликка она сийна дохий Ленин Ватани —
Орзудан ўзиб кетган воқелик мисоли бу!
Навоний номидаги шаҳарга тасвир қани?
Инқилоб қўллаган Шеър — боқийлик тимсоли бу!

Азиз замондошимиз иши, ижоди — булар,
Вақтнинг мурвати ҳозир одамларнинг қўлида.
Табиий мўъжизалар бунёд этмоқда улар,
Умрлари кечмоқда умидларнинг йўлида.

Ленин билан ватандоз бўлмоқ ўзи бахт эрур,
Бунда муборак — Тинчлик, бунда муборак — Инсон.
Офтоб каби чарақлаб оламга зиё берур
Ильичнинг даҳосидан мунаввар бўлган ҳар жон.

Фирдавсий таърифлаган Шошрий қамондан гўё
Улугъ мақсад йўлида отилган ўқ ҳар умр,
Ленин руҳи устувор — у билан обод дунё,
Ленин руҳи устувор — юракка чирмашар нур.

Бу оламнинг энг тошқин шеърят дарёлари
Дохий Лениннинг уйғоқ қалби орқали ўтар.
Тинчликнинг қабутари баланд чарх урган сари
Шу дарё мавжларини қанотига беркитар.

14 август, 1981 йил


Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали

№ 10 (380)

Октябрь
1981



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

УЗИНИНГ уч минг йиллик тарихини оламга кўз-кўз қилаётган қадимий ва улугвор Бухоро бугунги кунда «оқ олтин», тилласи, газ, пилласи билан фақат республикамизда эмас, Иттифоқимизда ҳам машҳурдир. Партиямизнинг иродаси, халқимизнинг азму қарори билан азим Бухоро эндиликда кўп тармоқли саноат шаҳрига ҳам айланди.

Мана, саккиз йилдирки, бу ерда Ип газламалари тўқимачилик комбинати ишлаб турибди. КПСС XXIV съезди Директивалари объектларидан бири сифатида шаҳарнинг жануби-ғарбидан қад кўтарган бу улкан саноат комплекси ишга тушганидан буён 114 миллион погон-метр газлама ишлаб чиқарилди. Дастлаб 1 миллион метр газлама тўқиб чиқариш учун 7 ой вақт талаб қилинган бўлса, эндиликда шунча миқдордаги маҳсулот атиги 10—12 кун ичида тайёрланапти.

Биз тўқимачилик комбинати бош директори Али Исмоилов ҳузурдаммиз. У Ўрта Осиё тўқимачилик гигантларидан ҳисобланган бу корхонанинг дадил одимлари тўғрисида фахрлиниб ҳикоя қилди:

— Комбинатимиз ишчи-хизматчилари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишган. Ун биринчи беш йилликда 93 миллион сўмдан кўпроқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жумладан, 15,9 минг сўмлик ип-калава тайёрлаш, 53,6 миллион погон-метр хом сурп, 66,2 миллион квадрат-метр тайёр газлама тўқиш кўзда тутилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш умуман 28,6 процентга, сурп газламалар 13 процентга, ип-калава 9 процентга, тайёр газламалар 17 процентга ўсади.

Комбинат бош директори келтирган бу рақамлар режаларнинг улугворлигидан далолат. Корхона коллективи 1981 йилда ҳам юксак муваффақиятларни қўлга киритишга қатъий аҳд қилган. Бу йил 37 миллион погон-метр газлама, 13 минг тонна ип маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари 900 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Шунингдек, 50 тонна пахта, 2 миллион киловатт-соат энергия тежалади. Комбинатнинг қувватини ошириш мақсадида унинг Ғиждувон ва Вобкент районларидаги филиалларида қурилиш ишлари жадаллаштирилади.

Комбинат ишга тушган дастлабки йили—1974 йилда фақат биргина маҳсулот—оқ сурп тўқиб чиқариларди. Эндиликда—комбинат ихтиёрида 4 та улкан корхона—Ип бўйаш фабрикаси, Тўқув фабрикаси ҳамда 1- ва 2-Йигирув фабрикалари юксак унум билан ишлаётир ва салкам 10 хил маҳсулотни савдо тармоқларига жўнатмоқда.

— Корхона ишчиларининг ўртача ёши—23 да,— деди комбинат директори ўз сўзини давом

эттириб.— Ҳар олти тўқувчидан бири ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ишчи ёшлар мактабиде ёки энгил саноат техникумида ва Бухоро технология институтиде таълим олмоқда. Тўқимачиларга ҳар йили 11—12 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиб тақсимланаётир. 5 та ётоқхона, ёзги кинотеатр, кафе, маиший хизмат комбинати, 5 та болалар боғчиси ва турли савдо тармоқлари, «Ёш тўқимачи» пионер лагери, медицина санитария қисми ва поликлиника улар хизматида. «Гўзал» бадий ҳаваскорлик ансамбли, драма тўғараги шаҳар ва область кўриқларида совринли ўринларни эгаллаб келаётир. Бу ерда «Халқ университети», «Гўзаллик оламида» лекторийси намунали фаолият кўрсатмоқда.

Кўриб турибсиз: корхона ўз биографиясига эга бўлиб бормоқда. 42 миллат ва элат фарзандларидан уюшган комбинат коллективи ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг харидорталаб

бўлиши учун барча ички имконият ва резерваларни ишга солмоқда.

Ишчи педагогикаси

Айтайлик, ёш йигит-қизлар билим юрти йўланмаси билан корхонага ишга келишди. Уларнинг ишчилар сафига қўшилиб кетишлари табиий. Аммо уларда ҳали амалий иш кўникмаси етарли эмас. Шундай пайтларда уларга комбинатдаги ташаббускор, меҳрибон мураббийлар қўл чўзишади. Уларни дадил, ишонч билан меҳнат қилишга тайёрлашади.

— Ёш ишчиларга тўғри йўл кўрсатиб, иш ўргатиш билан бирга меҳнатсеварлик, касбдан фахрланиш ҳиссини тарбиялашни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб биламиз,— деди биз билан суҳбатда Ип бўйаш фабрикаси Бўёқ цехи мураббийлар



Тўқувчи қизлар — опа-сингил Фазолат ва Назира Жўраевалар ишда илғор ва ташаббускорлиги билан комбинат коллективи олдида обрў-эътибор қозонишган.

Р. ОСТОНОВ фотоси

дан ҳис этдим. Москвадан қайтган кунимнинг эртасигаёқ имкониятларимни чамаладим. Ҳамма резерваларни ҳисоб-китоб қилдим. Катта кетяпти, деб ўйламанг, мураккаб вазифа, лекин албатта бажараман.

Съезд делегатининг аҳди қатъий эканлигига ишончимиз комил. Чунки Салима шу корхонада йигирма йилдан зиёдроқ ишлаяпти. Малакаси юксак. 1979 йил мартада ўнинчи беш йиллик шахсий топшириғини икки ҳисса ошириб бажариб, съезд очиладиган кунгача яна бир беш йиллик ҳажмида маҳсулот тайёрлади. Ун биринчи беш йилликда улкан маррани забт этиш ҳаракатида: 50 минг дона сўзана тайёрлаб бермоқда. Бу—тўрт беш йиллик нормасига тенг. Шунинг беш проценти хомашё ва материаллар ҳисобига ишлаб чиқарилади. 30 ёш ишчига тажрибаларини ўргатади, яна беш хил маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиради. Салиманнинг бу мажбуриятини область партия комитети маъқуллади. Сиёб район партия комитети Салима Луқмонова номида соврин таъсис этди. Соврин бир беш йилликда бир ярим ва икки беш йиллик ҳажмида норма бажарган ишчиларга берилади.

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси тоқари Виктор Бочков:

— Қирқ икки ёшдаман. 27 йиллик иш стажига эгаман. Ун олти ёшимда пармаловчига ёрдამчи бўлганман. Кечки мактабда ўрта маълумот олдим. Бутуниттифоқ станоксозлик техникумини

сиртдан ўқиб битирдим. Муваффақиятимнинг сирини икки дастгоҳда бемалол ишлаб олишим, уларни кўнглимга ёққан тартибда жойлаштирганим. Юксак мажбуриятларни бажаришга ўтган беш йилликда ўзимни қатъий тайёрладим. Унинчи беш йилликда икки беш йиллик шахсий норма бажаришимга озгина қолди. Цехимизда кўп-риксимон ва кўтарма кранларнинг зарур қисмлари учун деталлар тайёрлаймиз. Деталлар ҳар бир қайта ишловда ўнлаб жараёнлардан ўтади. Иш бошладан олдин уларнинг қайси бирини биринчи дастгоҳда, қайсинини бошқасида қайта ишлаш самаралироқ эканлигини ҳисоблаб чиқаман. Шунда вақт ҳам, металл ҳам тежалади. Мен ишлаётган участканинг ўзидан беш нафар ишчи шу беш йилликда ўн йиллик шахсий норма бажариш ҳаракатига қўшилди.

Ташаббускорларнинг ҳар бири ўзига яраша мактаб яратган киши. Улар ишлаётган коллективларнинг партия ташкилотлари Ун бешларнинг тажрибасини кенг ёйиш тадбирларини кўряпти. Натижда ташаббускорлар шунчаки юлдузлар эмас, ўз ортидан кўпчиликни эргаштира олувчи машъаллар даражасига кўтарилди. Ун беш илғор ишчи кетидан ўн беш қурувчи ва монтажчи ҳам бир беш йилликда ўн йиллик шахсий норма бажариш ташаббуси билан майдонга чиқди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети уларнинг ташаббусини ҳам маъқуллади.

Узбекистон халқ хўжалиги турли тармоқлари-

нинг ишчиларидан юзлаб, минглаб кишилар ташаббускорлар изидан бориб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришни муштарак вазифа, деб билмоқдалар. Ташаббускорларнинг ўзлари эса шахсий намуна кўрсатиб, ғалаба рапортлари бермоқдалар. Улар бу рапортларида ҳозирнинг ўзидаёқ икки йиллик, ҳатто уч йиллик шахсий нормаларини бажариб қўйганликларини таъкидлаяптилар. Узбекистон ССР Енгил ҳамда Озиқ-овқат саноати министрликлари корхоналаридаги минглаб ишчилар «Ун бешлар» изидан бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хомашё тежаш, буюмларнинг сифатини яхшилашда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз ишчиларининг ҳам ўн биринчи беш йилликдаги қадамлари дадил. Партиямиз белгилаб берган улугвор режалар миллион-миллион кишиларнинг кундалик иши, қутлуғ маррасига айланиб қолди. Шаҳдам қадам ташлаётган беш йиллигимизнинг ҳар бир кунини омманнинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги, ижодий қудрати жўш урганлигидан, партиямиз кўрсатмаларига зарбдор меҳнатлари билан жавоб бераётганлигидан далолат бермоқда.

«Ун бешлар ташаббуси» тобора кенг қанот ёймоқда.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ

Партиям

Халқ ғамидан бошқа эмас ўйловинг,
Халққа қасд қилганлар сенинг ҳам ёвинг,
Доим меҳрибонлик сенинг сўйловинг,
Суянчимиз бўлган улуг партиям,
Қалбда муҳаббатинг тўлуғ, партиям.

Хатарлардан олиб ўтдинг бизларни,
Утқардик кўп хавф-хатарли кезларни,
Бир йўлга бошқариб ҳамма изларни,
Коммунизм йўлини очган партиям,
Кўёш каби шуъла сочган партиям.

Терма биринчи марта эълон этилмоқда

Барча орзуларни ўзинг жалб айлаб,
Бўз ерлар очдирдинг мамлакат бўйлаб,
Ёш йигит-қизларни узатдинг шайлаб,
Янги ерлар сари шонли партиям,
Бошлайвер илгари жонли партиям.

Тенг ҳуқуқли қилдинг бизларни ўзинг,
Инсонларга ҳурматни ўргатди сўзинг,
Келажакни олдиндан кўролди кўзинг,
Иши билан доно бўлган партиям,
Барчага раҳнамо бўлган партиям.

Қир ва саҳроларда бошланди ҳаёт,
Зўр куч экан бу техника деган зот,
Хар ишда қилмоқда у кўнглини шод,
Қадрдонсан Ленин тузган партиям,
Лениннинг ишини юргизган партиям.

Колхоз қишлоғида бадавлат турмуш,
Бахтиёр ҳар киши чиндан кўнгли хуш,
Завқлантирар қаҳрамонларни кўрасиз,
Миннатдормиз раҳбаримиз партиям,
Ишчи-деҳқонмиз баримиз, партиям.

Ёзиб олувчи Чори ҲАМРО

советининг бошлиғи, коммунист Абдурашид Эшқобитов,— 9 кишидан иборат совет аъзоларимиз билан ишни координациялаштирамиз. Мураббийларни ёшларга бирктиб қўямиз. Чунки КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМнинг XVII съездида сўзлаган нутқида биз мураббийларга «Талантли педагоглар» деб юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, комбинатнинг барча фабрикалари ва ишлаб чиқариш участкаларида мураббийлар совети намунали иш олиб борадилар. Улар ёш ишчиларга тўқимачилик саноати технологияси янгиликларини, машҳур тўқимачиларнинг иш усулларини кўнгил билан ўргатадилар. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, Бухоро шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси Ольга Черновалова, республикамизда бошланган ўн бешлар ташаббускорларидан бири тўқувчи Валентина Климова ҳамда Надежда Чубарова, Фазолат Жўраева, йигирувчилардан Ханифа Дилова, Александра Попова, мастер ёрдамчилари Нуриддин Мўминов, Шойим Бобоназаров, Степан Бугор, бўёқчи Саидқул Наврўзов каби уч юздан ортиқ мураббийлар ёшларга ўз малакаларини кўнгил билан ўргатмоқдалар.

Валентина Климованинг меҳнат биографияси унчалик мураккаб эмас. Валентина корхонада эндигина ишга тушган кунлари Иваново шаҳридан биринчилардан бўлиб ёрдамга келган эди. Бунгача у машҳур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Пухова қўлида шогирд бўлиб ишлаб, тўқувчиликка катта эътиқод қўйган эди. Климова Бухоро тўқимачилик комбинатида иш бошлаши билангина ўз тенгдоши, ўн етти яшар ўзбек қизи Фазолат Жўраевани шогирдликка олиб, унга ўз касбининг сирларини меҳрибонлик билан ўргатди. Натижада Фазолатхон кўп ўтмай устози билан сменадор бўлди. Айни пайтда улар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа ҳаракати бошқаларга ибрат бўлаётди.

Устоз ва шогирдлик ҳаракати, унинг ижтимоий аҳамияти, хуллас, ишчи педагогикаси хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мураббийлик — аввало бурчни чуқур ҳис этиш, юксак шараф!

Ишчи сулоласи

Комбинат партия ташкилотининг секретари Валентина Михайловна Губина билан 1-Йигирув фабрикаси дастгоҳларини оралаб юрибмиз. Фабриканинг кенг, ёруғ 2-цеҳи. Дастгоҳлар ёнида чаққон қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Айланма механизмлар пиликларни автоматик тарзда узатади. Йигирувчи қизлар эса пиликларни темир қўтилардан олиб, машиналарга қўядилар. Урчуқлар бир маромда тинимсиз айланаяпти, кимдир электр аравадада патрон келтираётди.

— Унг томондаги дастгоҳларда ишлаётган қизларга бир қаранглар-а,— деди қувонч билан ҳамроҳимиз, цех бошлиғи Қодиржон Мамажонов.— Улар — опа-сингиллар, бири-бирига устоз ва шогирд тўқувчилар.

Биз серғайрат опа-сингил Дилвалар билан яқиндан танишдик.

Уларнинг тўнғичи Ханифахон Когон районида ўрта мактабни тугатгач, Фарғонадаги техника билим юртида таҳсил кўриб қайтган. Ҳозир у 672 ўрнига 1 минг 344 урчуққа хизмат қилаяпти. Москва саноат корхоналари ходимларининг Улуғ Октябрь байрамигача йиллик плани бажариш

тўғрисидаги ташаббуси Ханифахонни ҳам ана шундай ташаббус билан ишлашга руҳлантирди.

— Ханифахон, урчуқлар жуда тез ишлаяпти, шошиб қолмайсизми,— деб сўраймиз ундан.

— Йигирувчининг кўзи ўткир, қўли чаққон бўлиши керак. Тошкентлик устозим Буолма опа менга шундай деб ўргатганлар...

Ёш йигирувчи Ханифа Дилова — Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраеванинг юксак баҳосига сазовор бўлган оташқалб ишчилардан биридир. Утган йиллар давомида Буолма Жўраева комбинатда икки марта меҳмон бўлиб, Ханифанинг ишларига юксак баҳо берди.

— Буолма опа билан хат ёзишиб тураемиз,— дейди Ханифа,— бундан икки йил муқаддам у киши ишлаётган йигирув машиналари қошида тўлиб-тошиб баҳслашган эдик. Ушанда мен касбга илҳос, коллективга таяниб ишлаш — муваффақият гарови эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилгандим.

Ҳа, коллективга суяниб ишлаш, эгалланган касбининг сирларини бошқаларга ҳам ўргатишни Ханифахон Дилова қалб амрига айлантирган. Сингиллари София ва Розияхон, рус қизи Надежда Шубуцкая, ўзбек қизи Махсума Жумаева, тожик қизи Зубайда Шарипова, молдаван қизи Надежда Юсунбели, татар қизи Нурия Зайнуллина ва бошқалар Ханифа Дилованинг пешқадам шогирдларидирлар.

— Оиламизда яна уч синглим,— Олия, Насиба, Фотима улғаймоқда,— дейди Ханифа Дилова.— Улар ҳам ҳозирдан бизнинг изимиздан борамиз дейишяпти. Отам ва онамнинг ҳам ниятлари худди шундай.

Дилвалар сулоласи сингиллар комбинатда кўплаб учрайди. Бунда опа-сингил Фазолат, Назира, Назокат Жўраевалар, Зиёда, Зулайҳо, Муяссар, Малика, Шоира Манглиевалар, Мавжуда ва Мастура Бўриевалар каби ўнлаб серҳиммат, ташаббускор, оташқалб ёшлар камолга етмоқда. Бир оилада ўсиб улғайган бу опа-сингиллар ишчи номини юракдан эъзозламоқдалар.

Дўстлик томирлари

Дўстлик ҳақида гап борар экан, атоқли партия ва давлат арбоби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг: «Интернационал жипслик ва бузилмас дўстлик — совет халқлари янада гуллаб-яшнашининг пухта гарантиса, келажакдаги галабаларимизнинг гаровидир», деган сўзларининг нақадар ҳақиқат эканига тан берасан киши. Зеро, комбинатда эришилаётган ютуқлар, бунёд этилаётган гўзалликларнинг асосий омилларидан бири — халқлар ва элатлар ўртасидаги дўстликдир. Бунда турли миллат ва элатга мансуб йигит-қизлар ягона интернационал оилга биришиб, юксак мақсад йўлида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг орзулари ҳам, интилишлари ҳам муштарак.

Тўқув фабрикаси қайта ўров цехида Степан Бугор мастер ёрдамчиси бўлиб ишлайди. У асли молдавиялик. Степан беш йилдан бери қардошлик оиласида кадр-қиммат топаётди.

— Корхонада ажойиб дўстларим бор,— деди мамнуният билан Степан Бугор.— Улар орасида ўзбек, рус, татар, украин, тожик йигитлари талайгина. Ҳаммамиз бир ота-онанинг фарзандидек коллективнинг обрўси учун курашяямиз. Менинг ўттиз олти йиллик иш тажрибам бор.

Эҳтимол муболаға дерсиз, аммо ишонинг, бирор марта прогул қилмаганман. Касаллик варақам ҳам бўлмаган. Айтишим мумкинки, менинг рекордим ана шу!

Яқиндагина Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Степан Бугорнинг бу сўзларида чинакам фидойи ишчининг, ҳақиқий дўстлик ришталари туфайли ўзбек тупроғида обрў-эътибор топаётган интернационал ватанпарварнинг ажойиб инсоний фазилатлари мужассамлашгандир. Комбинатда эса Степан Бугор сингари қардош республикалардан келган турли миллатга мансуб кишилар қўлни-қўлга бериб олмосдек мустаҳкам дўстлигимиз қудратини намойиш этмоқдалар. Бухоро шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси, ип ўровчи Ольга Черновалова, тўқувчи Лидия Лукова, йигирувчи Олия Кунду, ип эшувчи Надя Ҳожимуродова, тармоқ билим юрти мастери Лилия Гуляева, Лола Асатурян, Лидия Нука, Ип бўйаш фабрикаси бўёқчиси Саидқул Наврўзов кабилар шулар жумласидандир.

* * *

Ишлаб чиқаришни юксалтиришда, рационализаторлик таклифларини ишга жорий этишда комбинат коммунистлари катта роль ўйнамоқдалар. Айни пайтда корхонада 542 коммунист ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида юксак масъулиятни сезган ҳолда ишга етакчилик қилаётди. Масалан, Ип бўйаш фабрикасида социалистик мусобақа ғолиблари бўлган С. Наврўзов, Р. Худойқулов, Ч. Маҳмудов, С. Исроилов каби етмишдан ортиқ коммунист қимматли ижодий таклифлар билан майдонга чиқди.

— Биз чиқинди, қуроқ маҳсулотларни нобуд қилмаслик учун фабрикамиз олдида кенг истеъмол товарлари цехини ташкил қилганмиз,— дейди тўқув фабрикаси бош инженери Муҳтарам Ражабова.— Бу цех ҳозирда болалар учун устки ва ички кийимлар, кўрпачалар, сочиқлар, дастурхонлар, қоп-қанор, теримчилар учун этаклар ва бошқа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.

Комбинатда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати туфайли катта миқдорда маблағ тежаб қолинмоқда. Бу ерда мастерлар, мураббийлар, рационализатор ва ихтирочилар кенгашлари мунтазам ишлаб турибди. Ҳикмат Муҳсинов, Неъмат Ҳамроев, Мурод Бобоев, Мавлуда Ражабова, Александр Лустин каби илгор ишчилар ихтирочилик ташаббуслари билан бошқаларга ўрнатиб бўлмоқдалар.

Бухоро тўқимачилик комбинати коллективи КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу молларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981—1985 йилларда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида» деб чиқарган қарорларига изчил амал қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини тўла ўзлаштириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Бухоро гиганти — Тўқимачилик комбинатининг келажаги порлоқ. У тобора юксалиб бораверади, пўлат иродали ишчилар ташаббуси учун кенг имкониятлар очилаверади.

Тошпўлат АҲМЕДОВ,
Валижон ЮСУПОВ

Бухоро



Ўзроти инсон

РОМАННИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН ПАРЧА

ЎЛАДИГАН бола бошидан маълум бўлар экан. Мана шу тўнғичимда яққол кўрдим бунни.

— Ботиржонда-я?
— Йўқ, вой, ҳалиги...
Бунни қаранг. Аслида сиз айтгандай тўнғичимиз Ботирку-я, биз бўлсак, тавба... Ўзим ҳам шунни ўйлаб кўрмаган эканман. Ман ҳалиги Витяни айтаётиман. Ким билади дейсиз, уста поччангиз ўз қўллари билан, ўзлари биринчи етаклаб келганлари, остона ҳатлаб шу хонадонга биринчи бўлиб кирганиданми, тўнғичимиз шу деб, ўрганиб кетганмиз. Шу Витям десангиз, кичкиналигида девор-тошга чизгани чизган эди-да. Қани уни тийиб бўлса. Кошки қалам билан чизса. Ҳали қарасангиз қўлида бўр, бир қарасангиз пистакўмир... Ҳой, ахир кесак билан ҳам чизарди-да, на девор қолларди унинг дастидан, на унинг эшиги, на дарвоза. Бир сафар бозордан келсам, катта гирдимни санда устига тўнкариб қўйиб орқасига чизиб ўтирибди. Ушанда етти ухлаб тушимга ҳам кирмасди унинг рассом бўлиши. Агар биров келиб: «Ҳой опа, кўпам тергайверманг, совутиб қўясиз, у рассом бўлади-а», деса, ўша одамни савдойи, хаёлпарастга чиқариб қўйишни турган гап эди. Ахир, ўйланг, ўзи муштумдек бола бўлса... Кошки чизганлари аниқроқ бирон нарсага ўхшаса, ҳаммаси анана бало, ажи-бужи, вижир-вижир... Ўзига қўйиб берсангиз, осмон бўлиб кетади: «Мана бу дарахт, мана бу бузоқ, мана бу эшак...» Э, ҳа, бола-да, нима бўларди, деб, кўпича қўл силтаб, кўнгли учун ҳа, деб қўяқолардим, ҳаммаёққа чизмаслигини тайинлардим, холос.

— Уста поччам ҳам билармидилар, шуларни?

— Вой сиздан айланай, уста поччангизнинг юраклари дарё, дарё... Болаларга чурқ этмасдилар. Мана бунақангиларини-ку, баттар суолтирдилар: «Қўябер, кўнгли нимани хоҳласа қилаберсин, шахдини қайтарма. Бездарар иш билан овора бўлдими, қўйиб бер. Ажабмас, биронтаси... Тавба, айтаман-ку юраклари бирам кенг, бирам кенг...»

— Гапингизга қараганда, уста поччам қўлидан бир иш келишини фаҳмлар эканлар-да.

— Ҳой, қаранг, ҳа-я... Рост айтасиз, бундан чиқди сезар эканларда-а, — деб Мехриниса хола худди ҳозир эри эшитиб қолиб: «Ҳа, сан ниманинг фаҳмига етардинг» деб дакки бериб, бир узиб олаётгандай чўчинқираб ёни-верига қараб қўйди. — Ман бўлсам, жавраганим жавраган эди. Ҳаммасиям майли-я, чизма чизикча берилиб кетиб, ўқиш қолиб кетаёзди, бу ёқда муаллимлари ташвишда денг? Барака топкурлар, тағинам кўп болали деб

бизларни ортиқча овора қилдиришмасди. Шундай бўлмади. Бир куни ўқитувчиси қариб келди. Уйда нима қилишини суриштирди. Ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб бердим. Биринчи фарзандимиз бўлгани, — ахир Ботирим фронтда эди-да, — шу важдан бўлса керак, ўзимиз ҳам сал эрка қилиб юборганмиз, бора-бора, ака-укалари кўпайдиган кейин уларни менсимамай, ўзим бўламан деб катталик қилиб, қизғанчик, худбин бўлиб қолгани, бизларни анча қийнаганигача гапириб, охирида шу чизмачилигини айтдим. Домласи эсликкина аёл эди, ўйлаиб қолди. «Майли, опа, ман тагин келарман... Сиз унга бир нима деманг, ўзим гаплашаман. Чизилларини бўлса, майли, қўйиб беринг, чизаберсин...» деб кетди. Шу-шу учинчими-ей ё, — тилим ёзиқ, — тўртинчиси синфгача ўқишдан қийналиб бордию кейин ўзини ўнглаб олди. Аввали ҳуда-беҳудага дуч келган жойларга чизаберishi ҳам барҳам топди. «Ҳа, худога шукур, қуйилди болам, ақл кирди», дейман ўзимча хурсанд бўлиб. Ака-укалари бўлса, ҳар икки кунда мактабидан гап топиб келишади. «Витянгиз бугун расмдан беш олди», «бугун деворий газетادا расми чикди» — чизган расмини айтишарди-да. Ўзи бўлса, борган сари тундлашиб, қовоқ-тумшугини осилтириб юрадиган, камгап, акаларини ҳам, укаларини ҳам менсимайдиган бўлиб борарди. Битта одати менга жуда ёқарди. Шу кўполлиги, худбинлиги билан опасингилларини сира хафа қилмасди. Баъзан бўйинини эгиб, итоат қиларди ҳам. Кўриб, ҳайрон қолардим. Бир куни кимгадир бақириб: «Қизларни урган одам фашист, билдингми!» деганини эшитиб қолдим. Токнинг тағида турган поччангиз ҳам эшитиб қолибдилар, беҳтиёр бир-биримизга қараб қолдик. Уста поччангиз болалардан шунақа ақлли гап чиқса, ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетадиган одатлари бор. Шу топда ҳам шундай ҳолга тушдилар. Ўзларини тутолмай, болаларга сездирмай қўлиб қўйдилар, биламан бу кулгининг маъносини: «Айтмадимми, Мехри, бунингдан одам чиқади», деганлари бўлади. Хуллас, қўйинчи, ҳар бири бир олам, катта бўлиб, ақл-хушини йиғиб олиб, қўлидан иш келадиган бўлгунча минг озби, минг семирав экан, она сутингни оғзингдан келтираркану битта нарсаси билан: «Сени тарбиялаган отангга, онангга раҳмат» деган гап билан ҳаммаси унут бўларкан, кўнглинг тоғ бўлиб юраберар экансан киши. Мана, ҳар бир ясаган расмини кўрсам, кўрғазмасига борсам... Манам, уста поччангиз ҳам ўзимизни тутиб туролмаймиз, ўпкамиз тўлиб келади. Минг қатла шукур қилиб қайтамиз. «Ҳой, — деймиз бир-бировимизга эр-хотин, — ўша Витяни шу-а, кейинги болаларни олганимизда ғаш кўриб, улар билан анчагача чиқишол-

май юрган, Коляни-ку уйдан ҳайдаб чиқаришгача борган бола-я», деб ёқамизни ушлаймиз. Шукур, минг қатла шукур, омон бўлишсин.

Ҳамма оналар ҳаммаша шу. Вояга етган фарзандлари ҳақида сўрагудай бўлсангиз, «Вой, айланай, қайси бири эсда қолган дейсиз, уриниб-суриниб катта бўлишган-да...», деб қўяқолишадю, бироқ сал синчковроқ бўлиб, фарзандининг бармоғига бир марта зирапча кирганида юрагининг ачишганини эсига солсангиз борми, тамом, бугёнга хотиржам бўлинг, ялиниб, илтимос қилишингизга ҳожат қолмайди. Ҳаммасини ипидан-игнасигача, йили, ойи, ҳафтасимас, кунни, соати, фаслнинг қай палласида бўлганини худди бугун эрталабки нонуштада буги чиқиб турган косадаги ширчай ўзида сузиб юрган сариёғ соққачасидай кўз олдингизга келтириб қўяди. Оналарнинг фарзандлари ҳақидаги — ёруғ оламга келганида бағрига олиб, кўксига босган дақиқадан тортиб қариб қартайгунча бўлган даврдаги хотираларидан кучлироқ хотира бўлмаса керак мавжудодда. Мана, Мехриниса хола ҳам аввалига ёқинқирамай, ҳеч нарса хаёлида қолмагандай: «Қаранг, ёш бир ерга боргандан кейин эсдан чиқиб кетаркан-а...», деб ўтиради-да, оҳиста гап бошлаб, образга кирган ижроичидай гапир кетди. Қарилки бир нарсда сезилиб қоларди, холос: давра эътибори билан хотиралар тартиби, изчиллигини бузилар эди.

— Чизмачилиги жонимга тегарди, койирдим дейману бари бир боланики онага билинармиди, айланай, бора-бора кўникиб, ўрганиб ҳам қолдим. Ҳа деб акалари гапираверганидан кейин бир куни ҳеч ким йўғида папкасини титдим. Расм дафтари тойдим. Ўзига қолса, — ойимга ёқмайди деб ўйласа керак, — сира кўрсатмасди. Ҳалиги қўл қўйиб берадиган кундалигини гоҳ манга, гоҳ дадасига кўрсатарди, қўл қўйдириб олардию расм дафтари яширарди. Мундоқ очиб, варақласам... ё тавба... Расмларининг ҳаммаси десам бўлади, нуқул осмонда самолёт, ракета, бомба ташлаш, бомба портлаш, ёниб кетган поезд... Оғзим очилиб, ванг бўлиб қолдим. Витянинг ўзи шу уйга келган кунни, худди мана шу дахлизда, бо-тинкасининг ипларини қирқиб олаётганимда, муздек — караш боғлаб кетган оёқларидан уवादаси чиққан қатирма пайтавога йиртиқ пайпоқларини ечиб олаётганимда гапириб берганларининг ҳаммасини шу дафтар бетларига туширибди-қўйибди. Ҳаммаси ўша ўзи гапириб берганлари. Шунча йил ўтиб, эсида қолганини айтмайсизми. Бир ич-ичимдан қувонаман. Бир туриб ўзимни койийман, бола фаҳмлаб, ўша ҳаммаёққа чизиб ташлаганларида койганларим эсимга тушади. Яширолмадим. Дафтари хонтахта устига ёзиб, кели-

шини кутдим. Гузарга чиқиб кетувди. Хийладан кейин келди.

— Бери кел, Витя, — девдим ранги ўзгариб кетди, — хонтахтадаги дафтари кўрган, албатта, — бошини эгиб, айвон лабига яқинлашди, — ўрнимдан туриб бориб, бағримга босдим, ўпкам тўлиб келиб, гапиролмадим, анчагача бағримда турди, у ҳам индамасди, мен ҳам. Назаримда сезарди. — Болам, — дея олдим хийладан кейин зўрга ўзимни босиб, — нуқул уруш, урушнинг расмини чизавермагин, мана бу дарахтлар, боғ кўча, гул...

— Ҳўп, ойи, — дедию хурсанд бўлиб кучи борича бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олса бўладими, қани энди қўйиб юборса, шалоплатиб ўпмаган жойим қолмади, зўр бериб: «Ҳўп, ойижон, сиз айтгандек қиламан, сизни, дадамларнинг суратларини ҳам чизаман...»

— Вой, суратчи бўламан деган ўғлимдан айланай, майли чизсанг, болам, ниятингга ет, — дедим кўкрагим тоғ бўлиб. — Шундай астойдил ишониш қаёқда дейсиз. «Болалик қилиб айтди қўйди-да, қўлидаги бир мирига от олиб беринг», дейман ич-ичимдан. Бўлмаса, нима бўпти, ўшанда ё ўн бир ё ўн иккига кирган пайти эди-да. Ҳар қалай дадаси ҳар доим тайинлаганларидек, — кўнглини ўқситмадим, шахдини қайтармадим. Шундан кейин ордан икки йил ўтдим ё уч обба-холам нимагадир зарур бўлиб, бисотда қолган биттаю битта кашкул бор эди, шунни сотмоқчи бўлиб, у ёқ-бугёнини қум билан ювиб тозалладим. Ё уста поччангиз ё ўзим мисгарликка олиб бормоқчи бўлдик. Тозалаб айвоёга тўнтариб, ёнига қопқогини қўйдим. Шунча вақт занг босиб ётган кашкул офтобда бир ярқиради денг, кўзни олади-я, биррам олтин бўлиб товланадики, худди осмондаги офтоб билан ўйнашаётгандек. Тикилиб туриб, хўрлигим келиб кетди. Отам раҳматлини ўйладим. Шу кашкул билан гулдор мис баркашни кўтариб, ҳовлига кириб келганлари, ман фаҳмлаб қолиб, уялиб, чопқиллаб уйга кириб кетганим эсимга тушди. Ўйлаган сарим, кашкул ўлгурам жилоланади денг офтоб нурида. Қарасам бўлмайдиган. Ўзимни босдим, ўзимга ўзим дакки бердим. «Дурларинг, марваридларинг кўзингга кўринмади, қўша-қўша билакузуқларни ўз қўлинг билан обориб топширганда қўлларинг қалтираб, кўзингдан ёшинг чиқмади, чўғдек гиламларингни мана шу қўлларинг тозалаб, шама билан устини артиб берганимда хўрлигинг келмаган, энди, келиб-келиб кашкулга қолганда... Тагин уруш тамом бўлиб, одамларнинг, юртнинг кўксига шамол тегиб тинч яшай бошлаганда-я, Мехри! — дейман ўзимга ўзим, — болаларининг бош кўзидан садақа, бо худо... «Кўзимга кўринмай қўяқолсин деб,

энди қопга солмоқчи бўлиб турувдим, эшикдан болалар кириб келишди. Буни қаранг, ҳаммаси салом бериб бўлиб, бири ечинган, папкасини қўйган, бири ювинган, хуллас, ҳаммаси ўзи билан ўзи сервару битта Витя тўғри олдимга келиб, салом беришни унутиб, ағрайиб қолди, қўлидаги папкасини зўрға ушлаб турганга ўшарди.

— Ҳой, салом қани?
— Ассаломуалайкум, ойижон,— деди уйқудан чўчиб тургандек ва яна икки кўзини кашкулга тикканча қолди.

— Ойи, нима суртдингиз бунга?— деб сўраб қолди кашкулни артаётганимда.

— Ҳеч нарса сурганим йўқ, тозаладим, болам, тозаладим. Чирк босиб кетибди, занглабдиям.

— Нима билан тозаладингиз бўлмас?

— Нима бўларди, болам, бунақа буюмларни памидорнинг ачитқиси билан тозалаб, кейин қумлаб ишқаласа яхши кетади.

Билиб турибман, оғзи гапириб, шуларни сўраётибдию хаёли бошқа ёқда, кўзи ўйнаб турибди. Кейин қопқоқни қўлига олди, узоқ тикилди, у ёғини айлантирди, бу ёғини айлантирди. Уйма гулларини синчиклаб кўрди. Кашкулни артаётган бўлиб унга разм солдим. Шундоқ берилган эдики, қўлидаги папкасини поақал айвонга қўйиш эсига келмасди. Бир қўлида қопқоқ, бир қўлида папка.

— Болам, кийимингни еч, папкангни олиб чиқиб қўй,— деганимдан кейин ўзига келди. Келдию, кашкулни қопга солаётганимни кўриб, бехосдан:

— Нима қиласиз?— деб бақириб юборса, денг, чўчиб тушсам бўладими?

— Секинроқ, болам.

— Кечиринг ойижон... Ман, бир ёққа олиб борасизми, деб кўрқиб кетдим.

Бу гапидан ҳайрон бўлиб қолдим. Нега кўрқадим, дейман ўзимга ўзим.

— Даданг тозалаб қўйгин мискарларга олиб бориб бераман, дедилар, мунча...

— Мискарлар? Нима, уларга бермоқчимилар?

— Айтинг-чи, мани ўрнимда бўлсангиз сиз нима жавоб қилардингиз? Бирон бир буюмни сотиш зарурати тўғилиб қолса, эр-хотин бу ишни иложи борича болаларга билдирмай қилардик, уста поччангиз кўпинча шундай деб тайинлардилар. Мана ҳозир Витянинг гапига нима дейишга бошим қотиб қолди. Тезроқ ўзлари келақолсалар, дейман.

— Жон ойи, берманг бу идишни, хўпми, жо-он ойи, хўп денг.

— Нима қилмоқчисан?— дейману ичимда: «Оҳ, боламисан деб шуни айтадилар-да, рўзгорнинг нималигини тушунсанг эдинг?»— деб ўйлайман.

— Гулларини чизаман... Иннакейин, иннакейин-чи, жо-он ойи.

— Қани, кийимларингни ечиб, чойингни ичиб ол-чи, даданг келсалар бир гап бўлар,— деганимдан кейингина кашкул қопқоғини секин, авайлаб намат устига қўйди, айвонга чиқиб, ечинаётибдию, ундан кўзини узмайди... Бўлмади, ака-укалари билан дастурхонга ўтириб, нари-бери чойини ичган бўлдию қоғоз-қаламини кўтариб, кашкул олдига келиб ўтириб олди. Анави Сарсонбойим омон бўлгур шўхроқ эди денг, ёнига келиб, уввало тегажоқлик қилади. Ҳали қарасангиз қопқоқни олиб қочади, бир қарасангиз кашкул устига қопни ташлайди, бошқа пайт бўлса ирғиб ўрнидан туриб, дўппослаб кетадиган Витя деганлари қани чурқ этса, парвойи палак, қоғоздан бош кўтармайди. Қараб туриб раҳмим келди. Сарсонбойни тийиб қўйдим.

Кечга томон келдилар дадаси:

«Ҳаяллаб қолдингизми?», деб сурамасимданоқ. «Қани бўл Меҳри, қани— деб қолдилар. Худди ўзим ўйлагандек бўлиб чиқди. Мўмин мислар деган танишлари бор эди. Уша билан гаплашиб келган эканлар. Ҳамма гапни айтиб бердим, нима қиларимни билмай қопга солиб қўйган кашкулни кўрсатдим. Ҳайрон бўлиб қолдилар. Яхшики, ховлида болалар кўринмасди, бемалол гаплашардик. Буни айтаётганимга ажабланманг. Ҳовлимиз шунақа-да. Эрхотин холироқ қолиб гаплашиш қаёқда дейсиз, амри маҳол бўларди.

— Буниси қизиқ бўлди-ку, Меҳри,— дейдилар бошларини қашиб.

— Бўлмаса, тагин кимдан қарз кўтарамиз. Бунинг устига, ваъда бериб қўйибсиз. Кўпам диққат бўлаверманг. Бир қизиқди, қўйди-да. Бир-икки хархаша қиладию эсидан чиқади, болзамаси.

— Хотин, сан ҳозир гапириб бердингу мани кўз олдимга устам би-

лан биринчи марта бозорга, тақачиликка тушганимда кўрган узанги келди. Узи мисдан ясалган, шу деса-санг ярқираб турибди—пардозиям ўбдон маромига етказган устаси, кўзни олади. Тақачилик ўзи кунга тескари-да, шундай бўлсам, бамисоли офтоб тушиб тургандай жилва қилади дегин. Узиниям дўконнинг шундоқ пештоқиға, санга нима деса-микин, бамисоли кумуш камарда пойнаги олтиндан бўлган қинли дандон пичоқ осиб қўйилгандек, устига зар билан тикиб гул туширилган қайишга ўтказиб осиб қўйибди. Утган ҳам қарайди, кетган ҳам. Баъзилар ағрайиб тикилиб қолишадигин. Битта йигит, аравакаш бўлса керак, ўтиб кетатуриб кўзи тушди-да, тўхтаб қолди. Устам дўконнинг олдидаги катта харсангга ёзилган пўстак устида тақачи билан гаплашиб ўтирарди. Ман ёнларида типпатак турардим. Менам узангидан кўз узмасдим. Ҳалиги аравакаш йи-

гит оғзини катта очиб ағрайиб қолди. Шунда устам билан тақачи икковлари аравакашга қараб, хоҳолаб кулиб юборишди. Аравакаш жуда кўрқиб кетди, қўлидаги қамчинини ташлаб юборди, кейин кўрққаниданми, уялганданми, худди биров қувлаётгандек пичоқчилик томонга югуриб кетди. Унга сари устам билан тақачи қотиб-қотиб кулишарди. Билмайман, манам кўрқдимми ё андиша қилдимми, ҳайрон бўлганимча қотиб қолгандим. Аравакашга раҳмим келиб кетди. Шўрлик манга ўхшаб ҳаваси келиб қараб турувди-да, айбми шу. Устамнинг мана шунақа ўзидан пастроқнинг устидан майна қилиб кулишлари ёмон эди. Тағинам, тақачи уста раҳмдилроқ экан. «Ҳаваси келди-да, болақайнинг» деди-да, менга қараб: «Уғлим, анави қамчинини олиб, элтиб беринг, келишга уялади ўзи», дедди, манда жон бор дейсанми, «хўп» деб, қамчини олиб, тақачиликдан югуриб пичоқчилик томонга кетдим, ўша томонда, қассобчилик томонда от-аравалар турарди. Буни қара, борсам, ҳалиги йигит аравадан чиққан отининг ёнига бошини қўйганча қўлига узангисини олиб, унга тикилиб турибди. Олдига борганимни пайқамеди. «Қамчинингиз тушиб қолувди» десам, ялт этиб, менга қараб, «А?! Шунақами, эй баракалла» деб қамчинни олдию, менга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Сан, ўша ердамингиз?— деб сўради.

— Ҳа.

— Устанинг ўғилларимисан?

— Йўқ. Аҳмад аканинг ўғлиман,— дейман шошиб,— Боламан-да, нимага куласан.

— Ким ясаган уни?— деб сўради.

— Нимани?— дейман манам. Қара, ўзимга яраша қувлик ҳам бор экан-да озроқ.

— Озроқ эмас, бинойидек, етиб ортади.

— Ҳа, сенга шунақа гаплар бўлса.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди?

— Узангини-да. Кўрмадингми?— деди ҳайрон бўлиб.

— Кўрдим.

— Яхши-я?

— Жудаям, девдим, менга қараб туриб, тагин ўзининг узангисини қўлига олди. У ёқ бу ёғини айлантириб кўриб турди-да, кейин оёқ қўйилабериб силлик, ялтироқ бўлиб кетган жойини офтобга тўғирлаганди, ялтиллади.

— Мана, бизникям ялтиллади,— деди ёш болага ўхшаб. Ўзим боламану, унинг қилиқлари бачкана бўлиб кўринди, кейин узангини жойига қўйди-да, елкамга қўлини ташлади.

— Баракалла, отанга раҳмат. Ҳушёр бола экансан, қамчинни туширганимни пайқабсан. Ўзим билганим йўқ, чўчидимми, кўрқдимми. Узям роса...— дейдию дудуқланганга ўхшаб бу ёғини айтолмайди. Ҳали-ҳали кўз олдимда. Узанги ҳам, аравакаш ҳам. Унда болалик қилиб, фаҳмим етмасди. Кейин, кейин, ўйлаб-ўйлаб...

— Ҳой барака топкур, кенг юраксиз десам жаҳлингиз чиқади. Ўзим нимаининг ташвишида ўтирибмизу сиз қаёқдаги, алмисоқдан қолган гапларни...

— Шошма, шошма, мен буни сенга атайи айтиб бердим. Тушунгин демоқчиман. Икковимиз бир бўлиб ўлингини ҳам бояги аравакашга ўхшатиб қўймайлик, тагин, у-ку, шунчаки узангининг чиройлигига маҳлиё бўлган. Уғлинг бўлса... У-хў, худо хоҳласа, бунингнинг нияти бошқа, хотин, тушунгин. Шунинг учун қайта-қайта айтаманки, шаҳдини қайтарма, буюм бўртиб турган куртакни узиб ташлагандай гап.

Охири журнализмнинг келгуси сониди



А. Холиқов чизган расм

МАРЕСЬЕВЧА ИРОДА

ЖУПДАН бери тушкун кайфиятда юрган Мавлонберди кунлардан бир кун ёзувчи Борис Полевонинг «Чин инсон ҳақида қисса» китобини ўқиб қолди. Асар қаҳрамони Маресьевнинг жасорати унинг юрагига ўчмас чўғ ташлаган эди. «Ахир, у ҳам урушда икки оёғидан ажраган экан-ку,— деди у ўзига ўзи.— Мен ҳам урушда фашистларни ер тишлатдим, қонли жангда оёқдан ажрадим. Наҳотки, тинч ҳаётда, меҳнат фронтида ўзимни кўрсата олмасам?!».

Фронтида кечган ҳаётининг айрим лавҳалари бирма-бир кўз олдидан ўтди... Қадрдон Украина ери. Мавлонберди автоматни маҳкам ушлаганча душманнинг бош кўтаришини кутиб пистирмада турибди. Кутавериб чарчади шекилли, Мавлонберди ўзини янги қазилган ҳандаққа ташлади. Душманнинг бир дайди ўқи қулоғи остидан чийиллаб ўтди.

Мавлонберди ҳандақда чўккалаганича пистирмадаги душманни кузатди. Охири бир ўқ билан душман снайперини йиқитди.

...1943 йилнинг қиш фасли. Мавлонбердилар взводи Украинанинг Лунёв қишлоғидаги мўъжазгина ёғоч уйга жойлашган. Ногаҳон осмонда душманнинг бомбардимончи самолёти пайдо бўлди. Мавлонбердилар турган уйнинг пайраҳалари аланга олиб осмонга учди. Тупроқ остига кўмилиб қолган Мавлонберди ўзининг қанчадан бери беҳуш ётганини билмайди. Шериклари қаерда экан? Ҳаммаси соғмикан?.. У бутун кучини тўплаб, аста қимирламоқчи бўлди, лекин бунинг иложи бўлмади...

У туш кўраётганга ўхшарди. Қовжираган лаблари лаззатли бир нарсанинг таъминини сезгандай бўлди. Кўзлари оқиш, қизғиш, яшил ранглари илғади. Пешанасига ёқимли бир нур тегиб қайтаётгандек туюлди. «Кўзингизни очинг», деган ёқимли овоз гўё узоқдан эшитиларди.

Мавлонберди шифохонада кўзини очди. Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Врачлар тиззадан юқоригача суякларни шиша синиғидай майдаланган, бунинг устига совуқ уриб, кўкариб, шишиб кетган оёқни даволаш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрдилар. Лекин барча уринишлар бефойда эди. Фақатгина бир йўл бор эди. Иккала оёқни тизза юқорисидан кесиб ташлаш лозим эди. Врачлар буни Мавлонбердига ётиги билан тушунтирдилар...

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Бир кун у даволовчи врачга мурожаат қилди:

— Мен қачон ўрнимдан тураман, қачон юраман?

Врач тасалли оҳангида ёқимли талбасму билан жавоб берди:

— Шундай вақт келадики, ўрнингиздан турасиз, сўнгра юрасиз. Ундан кейин ҳатто ишлайсиз ҳам.

— Ростдан ҳам тураманми, юраманми, ишлайманми?

— Албатта, турасиз, юрасиз, ишлайсиз,— деди врач ишончга тўла оҳанг билан.— Лекин унганча ҳали бир оз вақт бор...

Вақти етиб, унинг икки оёғига протез кийгизганларида ҳаёлини нима бўлса ҳам юриб кетиш муаммоси чулғаб олганди. Аммо бирданига юриб кетиш қийин эди. У дастлаб эндигина йўлга қираётган болалардай деворларни ушлаб, аста-аста қадам қўядиган бўлди. Минг машаққат билан ўн-ўн беш қадам босишга ўрганди.

Уйга қайтишга рухсат бердилар. Мавлонберди ўзининг она қишлоғи — Совотга иккита қўлтиқ таёқда кириб келди. Ота-она, севган қизи Иноятхон уни меҳр-муҳаббат билан қарши олдилар.

...Куз охирилари. Изғирин шабада эсиб турибди. Мана, чопқир арғумоқларга минган чавандозлар Совот қишлоғи пастидаги текисликка келишди. Отлар безовта, чавандозлар бўлса ниманидир сабрсизлик билан кутишди.

Кўп ўтмай ҳосил байрами бошланганидан дарак берувчи улоқ ўртага ташланди. Ғолиблик иштиёқда ҳамма нарсани унутган, шиддат ва ғайратдан кўзлари чақнаган чавандозлар улоққа чанг солдилар. Номдор чавандоз Сулаймон Ботиров улоқни ердан даст кўтариб, ўнг тақими остига маҳкам босди-да, белгиланган марра томон шитоб билан елдай учиб кетди. Йиғилганларнинг тантанавор ҳайқириғи бошланди. Қадимий миллий одат — улоқ чопиш ўйинини жон-дилидан севган Мавлонберди ҳам томошага келган эди. Гапнинг очиги, кўпчиликнинг олқилини олиш, уларнинг эътиборини тортиш ҳисси Мавлонбердининг бутун вужудини қамраб олди. Ростдан ҳам улоқ чопи олармикан? Бақувват қўллари билан улоқни бир чапдаст чавандозчаллик олиши мумкин. Лекин уни рақиблардан омон-эсон сақлаб, маррага дангал элтиб ташлаш учун фақат қўлларнинг ҳаракатига кифоя қилмайди-да. Бунда оёқлар ҳам мадад бўлиши керак. У оёқларини йўлади-ю, бўшашиб кетди. Унг қўли билан юзини силади, маъюсланди. Нимадандир афсуслангандай тоқатсизланди. Сўнгра бу ердан кетгиси келди. У одамлар орасидан секин сирғалиб чиқди-да, оғир ва ҳорғин қадамлар билан қишлоқ томон йўл олди. Мавлонберди ғам-ғуссага чўмганди, юришга қийналарди. У икки

томонга гебраниб юрарди, оғир оёқларини ердан куч билан базўр узиб оларди.

Бир чеккада улоқ билан келаётган чавандозни кутиб, унинг йўлини тўсмоқчи бўлиб турган Азамат Холдиров ногаҳон Мавлонбердини кўриб қолди. Отини йўрғалатиб борган Азамат дўстининг рўпарасидан чиқди. Мавлонберди истар-истамас тўхтади.

— Қаёққа кетаяпсиз?

— Қишлоққа!

Мавлонбердининг бу ердан хурсанд кетмаётганлигини сезган Азамат унга мурожаат қилди.

— Мавлонжон, менинг отимни миниб, томоша қилинг, айланиб юринг!— деди-да отидан сакраб тушди.

Ҳамқишлоғининг бу илтифоти Мавлонбердининг қалбида фавқулодда бир ғайрат туйғусини уйғотди. Отнинг жиловини секин ушлади.

— Қани, ўзимни бир синаб кўрай-чи,— деди-да, отга миниб, жиловини улоқ чопилаётган томонга бурди. Чиндан ҳам у ўзини синаб кўрмоқчи эди. Улоқни олиб кетаётган Мамарайимни қувиб етиб, улоққа ёпишди. Улоқни аллақандай ғайри табиий куч билан Мамарайимдан тортиб олди-да, чапдаст чавандозларга хос шитоб билан маррага ташлади. Йиғилганлар Мавлонбердини қизғин олқишладилар.

«Одам боласининг қалбида мақсад манзили сари интилиш учун метиндек ирода ва ўзига нисбатан қатъий ишонч бўлиши керак». Мавлонберди Худойбердиев меҳнат қилиш, бошқаларга наф келтириш йўлларини ўйлаганда ҳаёлини ана шундай фикрлар чулғаб оларди. Энг муҳими, оёқлари мажруҳ бўлиб қайтса ҳам ғолиблар қаторида юрганидан фахрланарди.

Тинч ҳаётни, меҳнатни улуғлаб умр кечиришга қарор қилган Мавлонберди одамлар билан бирга ишга йўл олиш ва кеч кирганда куни бўйи қилинган унумли меҳнатдан қониқиш лаззати билан уйга қайтиш қийин бўлмайдиган бахт эканлигини чуқур ҳис этарди, яшаш нақадар ширин ва лаззатли эканлигини дунёга жар солиб айтгиси келарди. Лаънати фашистлар совет кишиларининг ҳалол тупроғини булғамоқчи, топтамоқчи бўлди. Бироқ ўзи қазиган чоғга ўзи тушди. Бунда Мавлонберди ва минглаб, миллионлаб Мавлонберди сингарилар қон тўқдилар!

...Яна одатдагидай хайрли тонг отди. Бухгалтерлар тайёрлаш курсини тамомлаб келган Мавлонберди қишлоқнинг нурули кўчаларидан колхоз идорасига — ишга боряпти. Ҳа, энди у енг шимариб ишга киришди.

Энди ишдан завқланиш туйғуси ва умр йўлдоши Иноятхоннинг олижаноб ҳиммати унга кўш қанот бахш этарди. Касби — бухгалтерлик. Масъулиятли вазифа. Урушдан кейинги камқувват ҳўжаликда тўғри ҳисоб-китоб юритиш, етиштириладиган маҳсулот сифатини ошириш, таннархнинг пасайтирилиши бўйича планинг бажарилишини таъминлашга эришиш, маблағларни тежаб сарфлаш Мавлонберди Худойбердиевнинг зиммасида эди. Ана шу вазифада у 1945 йилдан 1957 йилга қадар ишлади.

Одам умрининг лаззати — фарзанд, дейдилар. Бугунги кунда Мавлонберди ўз фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг кўпчилиги жамоат ишларида актив фаолият кўрсатяпти. Унинг саккиз нафар фарзанди бор. Катта ўғли Раҳмонберди олий маълумотли физик, Жўрахон Усмонов номли совхоздаги мактабнинг директори. Ундан кичиги Аҳмад шифокорлик касбини танлади, Ховосдаги темир йўл шифохонасида жарроҳ. Қизлари Нуртожи, Ортиғой ва Инобатхонлар турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетишган. Матлуба, Санобар ва Сатторлар олий ўқув юртларида ўқишади. Қисқа қилиб айтганда, бир маҳаллар урушдан ғолиб қайтган Мавлонберди Худойбердиев бугунги кунда ўз фарзандлари, неваралари билан ўттиз кишилик оиланинг бошлиғи.

...Биз яқинда Мавлонберди акани Ховос районидаги Жўрахон Усмонов номли совхознинг кузги ғалла экилган майдонини кузатиб юрган пайтда учратдик. У мазкур совхозда директор ўринбосари лавозимда ишляпти. Ҳаммамиз кузги шудгордан чиққан ерда қадам ташлаб боряпмиз. Биз ўзбек Маресьеви Мавлонбердини андиша билан кузатамиз. У зилдай протез оёқларини эндигина кучга тўлган йигитдай ердан узиб оларди. У бу оёқда фақат бугун эмас, 38 йилдан бери юрибди! Биз Мавлонберди ака билан бирга иккинчи ва тўртинчи бўлим далаларига ўтдик. Буни қарангки, ҳамсуҳбатимиз гўё ўзининг табиий оёқлари билан юриб кетаётгандай таассурот қолдирарди кишида. Утган йили совхозда 3262 гектар ерга ғалла, шундан 2652 гектар ерга буғдой экилди. Она-Ватан омборига 3000 тоннага яқин дон етказиб берилди. Бунда Мавлонберди аканинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Ховос районидаги Жўрахон Усмонов номли совхознинг ишчилари Мавлонберди Худойбердиевни «Совотлик Маресьев» деб тилга оладилар. Дарҳақиқат, у меҳнатда маресьевчасига жасорат кўрсатмоқда.

Ҳамроқул РИЗО

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Бутун мамлакатимиз бўйлаб жўш урган ижодий меҳнат ҳар куни янги-янги мўъжизалар яратмоқда. Партияимиз ва халқимиз иродаси билан улғу иншоотлар барпо этилмоқда, асрий чўллар ўзлаштирилмоқда, саҳролар ўрнида шаҳар ва қишлоқлар, боғ-бўстонлар бунёд бўлмоқда. Совет кишиларига хос бу ижтимоий-маънавий кўтаринкилик адибларимиз қалбига илҳом бағишлаётир.

«Совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хил ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, адабиёт ва санъатимизнинг шакл-шубҳасиз хизматидир, — деб ўқирди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладада. — ... Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди».

Мана шу эзгу сўзлар совет адибларининг бутун отряди, шу жумладан, Ўзбекистон ёзувчиларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Ҳаётбахш ленинча фалсафага содиқ бўлган республикамизнинг сўз санъаткорлари ўз асарларида чуқур ижтимоий умуминсоний масалаларни кўтариб чиқишга, ўз маҳоратларини оширишга, коммунистик қурилиш ишида янги-янги зафарларга халқ оммасини сафарбар этишда илҳомбахш сатрлари билан партияга ёрдам беришга интилоқдалар.

КПССнинг тарихий XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, СССР Ёзувчиларининг VII съезди ўтган 1981 йил адабиёт соҳасидаги мукофотлар таъсис этилган йил ҳам бўлди. Бунинг рамзий маъноси бор. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг мукофотлари адибларимизнинг ижодий изланишларини рағбатлантириш, замонавий тематикада янги юксак ғоявий ва юксак бадий асарлар яратилишига кўмаклашиш, шунингдек, бадий таржима ишини

яхшилаш каби вазифаларга хизмат қилади.

Мазкур мукофотлар адибнинг бутун ижодий фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, бадий асарлар учун республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг қарорига биноан берилади. Мукофотларга (ҳар бири 1000 сўм миқдорига) сазовор бўлган ёзувчилар лауреатлик дипломини ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонни ҳам оладилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистон прозаиклари бир қанча салмоқли романлар, повестлар, ҳикоялар ва очерклар яратдилар. Металлургия ва чўлқуварлар, гидроиншоот қурувчилар ва олимлар, хуллас, ўз кучи, ғайрат-шижоати ва истеъдодини коммунизм ишига бағишладан иборат муштарак мақсад билан яшаётган турли касбдаги кишилар ана шу асарларнинг қаҳрамонлари бўлдилар. Бундай кишиларнинг тақдирлари, уларнинг ишлари ва юмушлари, ўзининг ёрқин моддий ифодасини топиб, юз минглаб меҳнаткашлар учун ажойиб намуна бўлиб қолмоқда. Зеро, устод Г. М. Марковнинг СССР Ёзувчиларининг VII съездидаги Ҳисобот докладада бир неча адибларимизнинг номи эҳтиром билан тилга олингани бизни гоят қувонтиради. Аммо мазмунан теран, бадий маҳорат жиҳатидан мукаммал, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг қаҳрамонона ишларига муносиб бўлган шундай асарлар бизда ҳали етарли эмас. Шу жиҳатдан олганда, ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Китоблари ҳозирги адибларга доно ижодий сабоқлар бераётган атоқли сўз устаси — Ойбек номидаги мукофот энг яхши проза асарлари учун, шу жумладан, публицистика соҳасидаги асарлар учун берилади.

Ўзбек шеърятга узоқ тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари Алишер Навоий ҳамда бошқа классикларнинг ўлмас ижодиётларидан баҳра олиб туради. Устодлар асос солган энг

яхши аъёналарни совет даврида истеъдодли шоир ва драматургларнинг бутун бир авлоди давом эттириб келмоқда. Янги ҳаёт куйчиси, феодализм кишанларини улоқтириб ташлаб, Октябрь революцияси нурафшон этган йўлдан шитоб билан бораётган халқнинг эркин меҳнат куйчиси Ҳамид Олимжон шуларнинг бири эди. Энг яхши дostonлар, шеъррий романлар, шеъррий туркумлар ва қўшиқларнинг текстлари, шеъррий тўпламлар, пьесалар, опералар ва инсценировкалар, либреттолларнинг авторлари тақдирланадиган мукофот Ҳамид Олимжон номи билан аталади.

Партияимиз болалар ва ёшлар тарбиясига алоҳида эътиборни қаратмоқда. Шу вазифани ҳал этишда адабиёт муболағасиз гоят катта роль ўйнайди. Китоб, бола ҳаётини теран ва ҳар томонлама билишга ёрдам беради, унинг характери ва дидини шакллантиради. Ҳаёт йўлини танлаб олишда ёш китобхонларга зарур йўл-йўриқлар кўрсатади. Шу боисдан ҳам бизнинг ишимизни давом эттирадиган, келажгимиз ишониб топшириладиган авлод қандай бўлиши мазкур асарларнинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган адабиётни янада ривожлантириш проблемалари СССР ёзувчиларининг VII съездида ҳам чуқур таҳлил қилинди. Бу адабиёт панд-насихатдангина иборат бўлмаслиги керак, зеро, унинг вазифаси — ёрқин бадий образлар мисолида тарбиялашдан, китобхон билан жиддий оҳангда ишонтирарли суҳбат олиб боришдан иборатдир. Бу соҳада ҳам бизнинг ўрганадиган устозларимиз бор. Ғафур Фуломнинг асарлари боланинг ички дунёсини чуқур билишнинг ажойиб намунасидир. Биз келгуси йили Ғафур Фулом туғилган куннинг 80 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Болалар ва ўсмирлар учун адабиёт соҳасидаги энг яхши асарларга бериладиган

мукофот ана шу атоқли сўз санъаткорининг номи билан аталади.

Эндиликда Ўзбекистоннинг миллионлаб аҳолиси классикларнинг ижодиёти, ҳозирги замон жаҳон адабиётининг намуналари билан ўз она тилида таниша олади. Шу билан бирга ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини мамлакатимиз халқлари миллатлараро алоқа тили бўлимиш рус тилида ўқишлари мумкин. Бунда бадий таржима билан шугулланаётган адибларнинг, шу жумладан, талантли ёзувчи ва таржимон Сергей Петрович Бородиннинг ҳам хизмати бор, албатта. Унинг номи билан аталган мукофот СССР халқлари тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига қилинган энг яхши таржималар учун берилади. Айни мукофот адибларни қардош совет халқларининг миллий маданиятларини ўзаро бойитишдек олижаноб ишга хизмат қилувчи таржиманинг сифатини янада оширишга йўллайди.

Бу эса айни мудоадир. Зеро, Ўзбекистон таржимонлари ҳаммиша замон билан ҳамқадам бўлишга, асл нусханинг ғоявий-бадий жиҳатдан юксак муҳитини таржимада тўлатуқис қайта яратишга интилоқдалар. Бу фикрнинг исботи учун Мирзақалон Исмоилий, Тўхтасин Жалолов, Ҳасан Тўрабеков, Қодир Мирмуҳамедов, Холида Аҳророва, Носир Фозилов, Лола Тожиёва, Эркин Носиров, Эркин Миробидов сингари ғайрат билан ишлаб турган ёки Одил Раҳимий, Наби Алимуҳамедов, Одил Шаропов, Мирзиёв Мирзоидов каби марҳум бадий проза таржимонлари ижодидан мисоллар келтириш ҳам мумкин, албатта.

Пировардида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг адабиёт соҳасидаги мукофотлари яна бир муҳим маънога эга эканлигини қайд этиб ўтаман. Биз ана шу мукофотларни таъсис этиш билан Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Фулом ва Сергей Бородиннинг ижодий меросига, шу воситада Совет Ўзбекистони адабиётини қарор топтириш ва ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган катта авлод ёзувчиларининг ҳаммасига чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз. Мазкур мукофотлар республикамизнинг ҳозирги прозаиклари, шоирлари, драматурглари ва публицистлари улкан санъаткорлар асос солган шонли аъёналарга содиқ эканликларининг, коммунизм порлоқ идеалларига садоқатнинг рамзи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон адиблари мазкур мукофотларнинг таъсис этилганини партия билан ҳукуматнинг республикада маданиятни янада равнақ топтириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги ифодаси, деб қабул қилдилар. Улар буюқ замонамизга муносиб бўлган асарлар яратишга бутун кучларини сарфлайдилар.



Биз ҳар куни Қуёшнинг шарқдан чиқиб, ғарбга ботиши, тунги шамчи-роғимиз ўроқсимон шаклдан тўлин оёга айланиши, сайёралар сайри, юлдуз тўдаларининг кўчиб юриши каби ҳодисаларга шунчалик кўникиб қолганмики, фалакиётнинг одатий кўриниши кўпчилик назарида абадул-абад шундайлигича қоладиган

манзара бўлиб туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. 1922—1924 йилларда машҳур совет олими А. А. Фридман асримизнинг буюк физиги А. Эйнштейннинг умумий нисбийлик назариясига кўра кенгаювчи Коинот назариясини яратди. Бу назарияга кўра, Коинотда модданинг ўртача зичлиги вақт ўтгани сайин камайиб боради, бунинг

оқибати ўлароқ Коинот тобора кенгайди. Коинот кенгайгани сари унинг ҳарорати масофага пропорционал равишда камая боради. Фанда, одатда, ҳар қандай «ақл бовар қилмайдиган» янги фикр «найза билан» қарши олинади. Кўпчилик олимлар А. А. Фридман назариясига ҳам дастлаб шу хилда муносабатда бўлдилар. Аммо АҚШ олими Эд-

мунд Пауэлл Таббл А. А. Фридман назариясининг тўғри эканлигини астрономик кузатувлар асосида исботлаганидан кейин «найзабозлар» шаштларидан тушиб қолишди. Шундай қилиб, бугунги суҳбатимиз, бир қарашда, ҳақиқатан ҳам ақл бовар қилмас бўлиб туюладиган ҳодиса — Коинотнинг кенгайиб бораётганлиги тўғрисида.

Кенгайиб

бораётган Коинот

Ҳа, Коинот кенгайиб бораётир. Галактикалар, галактика тўдалари, шу жумладан биз яшаб турган Галактиканинг ўзи ҳам бир-биридан тўхтовсиз узоқлашмоқда. Галактикаларнинг бир-биридан қочиши шунчаки бир тахмин эмас, балки астрономик кузатишлар билан аниқланган ва назарий жиҳатдан далилланган илмий ҳақиқатдир. Коинотнинг кенгайиш ҳодисаси кашф этилгандан буён ярим асрдан зиёд вақт ўтди, аммо ҳозирги кунда ҳам бу нарса кўпларга эриш туюлади. Сирасини айтганда, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки биз юлдузли осмон манзарасини деярли ўзгармас ҳолатда, юлдузлар ва юлдуз тўдаларини осмон гумбазининг маълум бир жойида кўравериб кўникиб кетганмиз.

Коинот кенгайиши назариясини кўпинча «Катта портлаш» назарияси, деб ҳам юритишади. Бизнингча, бу ҳодисани портлаш билан тенглаштириш унча тўғри эмас. Снаряд ёки бомба портлаганда кичик микёсли муҳитда қайноқ газларнинг жуда катта босими ҳосил бўладики, шу муҳитдан сал нарироқдаги босим эса сезилар-сезилмас даражада кечади. Заряд портлаган муҳитдаги босим билан теварақдаги муҳит босими ўртасида юзага келадиган айни шу кескин тафовут туфайли газлар жуда катта тезлик билан атрофга ёйилади. Коинотнинг бир замонлар бошланган ва ҳозир ҳам давом этаётган кенгайиши эса бутунлай бошқача хусусиятга эгадир. Коинот чексиздир, унда модда портлашини бошлаб берадиган марказнинг ўзи йўқ. Коинотнинг кенгайиши бошланган пайтда барча самовий jismlар, моддалар бир меъёрли, таъбир жоиз бўлса, «тенгхуқуқли» бўлган, ҳозирда ҳам худди шундай. Уша пайтда илк модда қайноқ ва ниҳоят даражада зич бўлган. Ута зич бу модда атрофида бўшлиқ ҳам (чегараси йўқ, ҳадсиз-ҳудудсиз Коинот тўғрисида гап кетганда «атроф» деган сўзнинг ўзи галати туюлади), портлаган заряд атрофидаги пест босим муҳити ҳам бўлган эмас, албатта. Бинобарин, Коинот кенгайя бошлаганда одатдаги портлашни юзага келтирадиган икки муҳит босими ўртасида кескин тафовутнинг ўзи ҳам йўқ эди.

Коинотнинг кенгайя бошлаши аслида ўта зич модда таркибидаги ғоят кичик массали зарралар (электронлар, протонлар ва ҳоказо)нинг ҳаракати ва ўзаро таъсири қонунларига боғлиқ бўлиб, булар «квант ҳодисалари» деб аталади. Квант ҳодисаларини ўрганиш эса фанда энди бошланди. «Катта портлаш» билан заряднинг портлаши ўртасида тафовутлар бўлса-да, лекин бу муқояса ҳар иккала ҳодисага ҳам хос бўлган баъзи бир қонуниятларни яққолроқ тасаввур этишимизга ёрдам беради. Масалан, одатдаги портлашда газнинг айрим заррачалари — молекулалар ва атомлар бир-биридан узоқлашади, газнинг кенгайиши деганда ана шу узоқлашиш тушунилади. Молекула ва атомларнинг ўзи эса, албатта, кенгаймайди, уларнинг таркибида ўзгариш содир бўлмайди. Коинотнинг кенгайиши натижасида унинг бўлаклари, яъни Галактикалар ва уларнинг тўдалари бир-биридан узоқлашмоқда. Галактикалар, юлдузлар ва уларнинг теварак-атрофида айланиб юрувчи сайёралар системаларида эса ҳеч қандай космологик кенгайиш содир бўлмаётир, улар худди заряд портлагандаги атом ва молекулаларга ўхшаб, ўз таркибини ўзгартирмайди.

Коинотнинг кенгайиши натижасида вақт ўтгани сайин ундаги модданинг ўртача зичлиги камайиб боради. Мазкур кенгайиш жараёни бун-

И. НОВИКОВ,
физика-математика фанлари доктори.
В. ЛУКАШ,
физика-математика фанлари кандидати

дан тахминан 15 миллиард йил муқаддам бошланган. Уша олис замонларда алоҳида самовий jismlар йўқ эди, модда фавқулодда зич ҳолатда бўлиб, кенгайишнинг дастлабки босқичларида зичлик даражаси фазонинг исталган нуқтасида «қарийб» бир хил бўлган. Бу ўринда «қарийб» сўзи ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки ана шу бир хиллиكنинг у ёки бу томонга қитдай ўзгариши туфайли ҳозир сиз билан биз кўриб турган, ғоят мураккаб тузилишга эга Коинот вужудга келган.

Астрофизиклар ўзларининг назарий ҳисоб-китобларида мазкур жараён қандай кечганлигини кўрсатиб беришга муваффақ бўлдилар. Бунда охиригача англашилмаган жумбоқлар мавжуд бўлса-да, ҳозирги Коинотнинг пайдо бўлиш жараёни бирмунча ойдинлашди. Кенгайиш бошланганда рўй берган жараёнлар ўша вақтнинг ўзидеёқ Коинотнинг ҳозирги манзараси таркибини чизиб берган. Мабодо бу жараёнлар тахмин қилинаётганидан ўзгачароқ кечганида, ҳозирги Коинотнинг манзараси айнан шундай бўлмасди. Америкалик тараққийпарвар ёзувчи Рей Брэдберининг «Момақалдиқроқ гумбурлади» ҳикоясида тасвирланишича, ўтмишда рўй берган арзиман бир воқеа туфайли (капалак тасодифан оёқ остида қолиб ўлади) Ердаги ҳаётнинг келажагига жиддий ҳавф туғилади. Бу фантастик ҳикояда жон бор. Агар Ерда содир бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатни бутун Коинот микёсида олиб қарасак, узоқ ўтмишда юз берган кичик ҳодисалар келгусида маҳобатли жараёнларни келтириб чиқаришига шубҳа қолмайди. Коинотга хос мана шу мислсиз кўлам дунё кенгайишининг дастлабки босқичларидаги жараёнлар назариясини ҳозирги кузатувлардан олинган маълумотлар билан таққослаб, кенгайишнинг қандай кечганлигини тахминан айтиб бера оламиз. Бу гаплар, бир қарашда, фолбинликка ўхшаб кетса-да, лекин ҳозирги замон астрофизикларининг далиллари шубҳага ўрин қолдирмайди.

Коинотнинг бир текислиги

Коинотнинг ғаройиб хусусиятларидан бири шундаки, унда модда жуда катта кўламларда бир текис тарқалган. Бунинг маъноси шуки, агар биз, айтилик, каттакан уй ҳажмидаги куб идишга Коинотнинг исталган жойидан намуна олиш имкониятига эга бўлсак, куб ичидаги модда микдори ҳамма вақт бир хил бўларди. Бинобарин, Коинотда бир-биридан бўшлиқ билан ажралиб турадиган катта самовий системалар деярли йўқ. Коинотнинг ана шу хусусияти катта аниқлик билан ошкор этилганидан бери орадан жуда қисқа вақт ўтди, холос.

Бутун Коинотда реликтив нурланиш деб аталмиш нурлар оқими кезиб юради. «Реликт» лотинчада «қолдиқ» дегани бўлиб, у нурланишнинг «Катта портлаш» бошланишида, яъни модда қайноқ ҳолатда эканида пайдо бўлганини ва ҳозиргача беповён Коинотнинг у бурчагидан бу бурчагига бориб-келиб туришини билдиради. Реликт нурланиш «қайноқ Коинот» назариясида фаразан айтилган эди. 1965 йилда Англиядаги Бэлл телефон компаниясининг радиотелескопи бундай нурланиш ҳақиқатан ҳам мавжудлигини амалда

кашф этди. Коинот кенгайгани сари реликт нурланиш даражаси пасайиб боради.

Коинотнинг ҳозирги кунларда узил-кесил тасдиқланган бир текислигидан унинг узоқ ўтмиши, яъни кенгайиш бошланган замонлардаги хусусиятлари тўғрисида муҳим хулосалар чиқариш мумкин. Шунга кўра, бутун Коинот, Қуёшга ўхшаб, қайноқ плазмадан иборат бўлган. Плазма фазога бир хил даражада бир текис тарқалган. Коинот нима сабабдан айни шундай хоссаларга эга бўлган, деган саволга ҳозирча узил-кесил жавоб бериш қийин, лекин бу хоссалар ўта қайноқ ва ўта зич модда ичида содир бўлган шиддатли жараёнларнинг маҳсули эканлигига шубҳа йўқ.

Реликт товуш

Шуниси ҳам борки, бутун Коинот мутлақо бир текис ва бир хил таркибли плазмадан иборат, деб фараз қилгудек бўлсак, бу фараз дунёнинг ҳозир биз кўриб турган манзарасига зид келарди. Ҳақиқатан, мутлақо бир текис ва бир хил таркибли плазма кенгайиб ва совиб бориши асносида нейтрал газга айланади, бундай газнинг солиштирма температураси ва зичлиги эса тез пасаяди. Бундай ҳолатда Коинотда самовий jismlар ва уларнинг системалари пайдо бўлмас, бутун олам ниҳоятда совуқ сийрак газлардан иборат бўларди, холос.

Самовий jismlар — сайёралар, юлдузлар, газ булутлари, самовий jisml системалари — юлдуз тўдалари, Галактикаларнинг вужудга келиши учун кенгайя бошлаган оламда унча катта бўлмаган нотекистиклар мавжуд бўлиши керак эди. (Бу ерда «унча катта бўлмаган» жумласи англатадиган масса Қуёш массасидан бир неча миллиард марта ортиқ бўлиб, Галактикалар тўдасини ҳосил қилиш учун етарлидир). Плазма совиб, нейтрал газга айлангандан кейин бу қуйқалар, оқибатда, айрим самовий jismlарга ва уларнинг системаларига «айланган».

Коинот кенгайя бошлаганда қайноқ плазмада товуш тўлқинлари мавжуд бўлганлиги эса, дунёнинг биз кўриб турган манзара касб этишида, алоҳида-алоҳида самовий jismlар — юлдузлар, Галактикалар, уларнинг системалари вужудга келишида бош омил бўлган. Бошқача қилиб айтганда, ниҳоятда уйғун ва кўркам тузилган ҳозирги Коинотни бир вақтлар Коинот кенгайя бошлаганда ҳукм сурган товуш тўлқинларининг ўзига хос акс-садоси, қайси бир замонларда чақнаган яшинларнинг бизнинг давримизгача етиб келган гулдуриси, деб аташ мумкин.

Коинот эндигина кенгайя бошлаганда товушнинг тўлқин узунлиги жуда катта, частотаси эса ниҳоятда паст эди. Частотанинг пастлиги шу даражада эдики, кенгайишнинг энг дастлабки босқичларида товуш ҳатто бирор марта ҳам тўлиқ тебрана олмаган. Назарий ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, бўлғуси бир тўп Галактикани ҳосил қилиш қувватига эга бўлган массани ўз тўлқин узунлиги билан қамраб олган товуш дастлабки 300 йил давомида фақат бир марта тебрана экан. Бора-бора улар ниҳоятда кучайиб, сони кескин ошиб кетган. Кучайиб шу қадар зўр бўлганки, ўта узун товуш тўлқинлари ҳар бориб келганда «бир зувала» плазма ҳосил қилган, кейинроқ эса (совиган плазма нейтрал газга айланиб босим кучи кескин пасайганда) бутун олам тортишиш қонунларига мувофиқ равишда Галактика тўдалари, алоҳида Галактикалар, юлдузлар, сайёралар ва уларнинг йўлдошлари вужудга келган.

(«Наука и жизнь» журналидан қисқартириб олинди.)



МАНЗАРА.

СССР Бадий академиясининг мухбир аъзоси,


Ўзбекистон ССР халқ рассоми

РАҲИМ АҲМЕДОВ ижодидан намуналар



ЭТАГИДА.

ВТОПОРТРЕТ.



КАРИМА.



МУЛ ҲОСИЛ ПОСБОНЛАРИ

Илмий-техника революцияси даврида табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш янада муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Учинчи қақриқ СССР Олий Советининг Учинчи сессиясида табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида қабул қилинган қарор кучга кирганига ҳам, мана, қарийб бир йил бўлди. Биз шу қарор асосида институтимиз фаолиятини қайта қурмоқдамиз. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалардан ҳимоя қилишда биологик методни кенгроқ қўллаш тадбирларини кўрабмиз.

Маълумки, институтимиз бу йил ўзининг 70 йиллик шонли юбилейини нишонламоқда. Унинг вужудга келиши 1911 йил октябрь ойида Тошкентда Туркистон энтомология станциясининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Туркистонда қишлоқ хўжалик экинларига зараркундалар ва ўсимлик касалликларининг жиддий зарар етказиши бу ерда шундай станция ташкил этишни тақозо қилган эди. Станция ишини уюштиришда профессор В. И. Плотниковнинг ҳиссаси катта бўлди. Лекин атиги уч киши ишлайдиган бу станциянинг имкониятлари бутунлай чекланган эди. Туркистондек кенг аграр ўлкада бу куч билан экин зараркундаларига қарши самарали кураш олиб бориш мутлақо мумкин эмас эди.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалардан муҳофаза қилиш ишлари бўйича ҳам кенг имкониятлар очилди. Айниқса, мазкур станция базасида Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Институтда илмий-тадқиқот ишлари-

нинг ривожланиши, илмий муассасамиз базасида фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши В. Николаев, Р. Олимжонов, Н. Зап-рометов, В. Яхонтов, К. Мирпўлатов, Н. Мирпўлатова, М. Каримов, В. Невский, П. Архангельский, А. Зах-ваткин, И. Кожанчиков, С. Харин, С. Журавская, Е. Иванов, М. Кобуц-кий каби атоқли олимларнинг ном-лари билан боғлиқдир.

Утган етмиш йил ичида институти-миз кичик бир энтомология станция-сидан йирик — ҳамма шароитларга эга бўлган улкан илмий-тадқиқот марказига айланди. Ҳозир институти-мизнинг ўн олти бўлим ва лаборато-рияларида 315 илмий ходим, шу жумладан 60 фан доктори ва фан кандидати самарали ишламоқда. Институтимиз СССР Қишлоқ хўжалик министрига етакчи илмий муас-сасаси сифатида ғўзани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини зарарку-ндалар ва турли касалликлардан муҳофаза қилиш, бегона ўтларни йўқотишнинг энг самарали методлари устида иш олиб бормоқда. Шунинг-дек, илмий муассасамиз тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлим-ларига, олий ўқув юртлари ва зонал тажриба станцияларига методик жи-ҳатдан раҳбарлик қилади. Институти-миз коллективи ўсимликларни муҳо-фаза қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бораётган чет эл илмий муас-сасалари ва фирмалари билан ҳам доимий мулоқотдадир. Шу боисдан институтимизда турли илмий муам-моларга бағишланиб халқаро ва иттифоқ миқёсида анжуманларнинг ўтказилиши ҳам ажойиб анъанага айланди.

Шуни мамнуният билан таъкидлай-мизки, институтимиз коллективи то-монидан ишлаб чиқилган илмий та-всиялар ва методик тадбирларнинг амалга оширилиши ўчинчи беш йил-ликда 109 миллион сўм иқтисодий самара келтирди. Яъни тадқиқот учун сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 29 сўм фойда кўрилди.

Дарвоқе, табиат ва ундаги ҳаша-ротлар ҳаётининг ўзига хос қонуният-лари бор. Ҳашаротларнинг баъзилар-и иккинчисининг ҳисобига яшайди, бири — иккинчисининг кушандаси. Бошқалари эса, экин-зироатга зулук-дек ёпишиб, инсоннинг насибасига шерик бўлади. Бунинг олди олинма-са, унга қарши самарали курашилма-са, деҳқонларимизнинг азиятли меҳ-нати ҳисобига етиштирилган ризқи-мизнинг бир қисми қўлдан бой берилади.

Партиямиз XXVI съезди қарорла-рида илмий-муассасалар коллектив-лари олдига қўйилган ҳаётий вазифа-лар масъулиятини чуқур ҳис этган олимларимиз ғўза, беда ва маккажў-хорини зараркундалар, касаллик-лар ва бегона ўтлардан муҳофаза этишнинг комплекс системасини иш-лаб чиқдилар. Бу усулларни Ўзбекист-он ССР Қишлоқ хўжалик министр-лиги ва бошқа пахтакор республика-лар министрликлари билан ҳамкор-ликда амалга ошираётганлигимиз натижасида чигиртка, карадрин-сингари текинхўр-зараркундалар-нинг ёппасига кўпайишига барҳам берилди. Биз қишлоқ хўжалик экин-зорларида зараркундалар ва кас-салликларни кўзгатувчиларнинг, шу-нингдек, бегона ўтларнинг тур-составларини аниқладик. Олимлари-миз ва амалиётчи мутахассислари-

мизнинг кучи билан ғўза зараркунан-даларининг 214 тури ва ўттиздан ортиқ касаллик хили, беда ва макка-жўхори зараркундаларининг 200 тури ва ўндан ортиқ касаллиги мав-жудлиги маълум бўлди.


Бу текинхўр-зараркундаларнинг биологик хусусиятлари ва яшаш шароитларини ўрганиш натижасида уларга қарши курашнинг самарали усулларини амалда кенг қўлламоқ-дамиз. Булардан ташқари, пахта тозалаш заводларида чигит бир қатор препаратлар билан чиниқтирил-ди. Натижада ғўзанинг 5—6 процент-гача ҳосилини нобуд қиладиган гоммоз касаллиги билан зарарлани-ши кескин камайди. Ғўзанинг оқпа-лак (вилт) касали табиати ҳам аниқ-ланди ва тупроқнинг касаллик зэм-буруғлари билан зарарланишига қарши профилактик, агротехникавий ва химиявий тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳозир оқпалакка қарши тадбирлар комплекси кенг миқёсда муваффақиятли қўлланилмоқда. Шу-нингдек, кўсак қурти, ўргимчаккана каби хавfli зараркундаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини олдин-дан аниқлаш методларини ҳам иш-лаб чиқдикки, шубҳасиз, бу тадбир ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экин-лари зараркундаларига қарши ку-рашиш ҳар йили катта майдонларда ўтказилмоқда. Бу тадбирларнинг кат-та қисми пахтачиликда амалга оши-рилаётир. Жараёнларнинг такрорла-нишини ҳисобга олганда, ҳар йили беш миллион гектардан ортиқ экин-зор ишловдан ўтказилмоқда.


Сир эмаски, қишлоқ хўжалик экин-ларига қарши кураш тадбирлари системасида химиявий метод катта



Таниқли олимлар — К. Мирпўлатов (чапдан учинчи), К. Ларченко, институт директори С. Алимўхамедов, Ф. Успенский, П. Беседин ва сурат-даги бошқа фан соҳибларининг институтни йирик илмий-тадқиқот марказига айлантиришда салмоқли хизматлари бор.



Институт ходими П. Зиёева (чапдан), катта илмий ходим Р. Тешабоева ва микробиометод лабораторияси мудир А. Ҳакимов турли муҳитда замбуруғларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳақида ўзаро фикр алмашмоқдалар.



Институт аспиранти Мавжуда Сайфуддинова (чапдан), Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академиясининг аспиранти Масъуд Носир (Яман Халқ Демократик Республикаси), Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг дипломанти Траоре Мбелеба Фоде Тасси ва Урта Осие ўсимликларни химия қилиш институтининг микология ва фитропатология лабораторияси мудир, биология фанлари нандидати Усмон Расулев экинларни зараркундалардан муҳофаза қилиш методлари ҳақида фикрлашмоқдалар.



Институт биофабрикасида етиштирилган мана бу трихограммалар экин зараркундаларининг уругига қирғин келтирувчи самарали биологик нушандалардир.

ўрин тутди. Ернинг бир неча мартаб химиявий дориланиши ҳайвонот дунёси ва атроф муҳит ҳавоси учун зарарли эканлиги ҳам кўпчиликка маълум. Институтимиз олимлари буни инobatга олиб ва бугунги ҳаётини эҳтиёждан келиб чиқиб, зараркундаларга қарши курашнинг атроф-муҳит учун хавфсизроқ ва фойдали методларини такомиллаштириш устида ишламоқдалар. Шундай самарали усуллардан бири биологик методдир.

Кейинги йилларда биологик методни қўллаш қўлама анча кенгайди. Агар 1975 йилда биологик метод билан 223 минг гектар майдон ишланган бўлса, 1980 йилда бу майдон 1 миллион 418 минг гектарга етди. Ҳозирги вақтда ғўзани ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини биологик метод асосида химия қилиш билан 270 та биологик лаборатория шуғулланмоқда. Бу лабораторияларда қишлоқ хўжалик экинлари зараркундаларининг кушандаси бўлган энтомофоглар урчитилмоқда ва улардан самарали фойдаланилаётир.

Шунингдек, пахтачиликда кўсак қурти, карадрини каби хавфли зараркундаларга қарши дендробациллин, эндобалетерин каби таъсирли препаратлар ҳам ишлатилмоқда. Масалан, ўтган йили бундай препаратлар билан 800 минг гектар майдондаги ғўзага ишлов берилди. Дендробациллин препарати Иттифоқимизда биринчи бўлиб республикаимизда ишлатилди. Бу препарат фойдали жониворлар учун зиёнсиз, уни самолётда ва ерда ишлайдиган механизмларда сепиш мумкин.

Биз, юқорида айтганимиздек, зараркундаларга қарши курашнинг комплекс системасида илдиш қурти, ўргимчаккана, кўсак қурти, пахтачинг ингичка толали навларига зарар етказадиган, қора илдиш чириш, маскроспориоз, альтенариоз каби зараркундалар ва касалликларга қарши агротехникавий, химиявий ва биологик усулларни қўллашни кўзда тутганмиз. Масалан, сифатли шудгор, кузда ерга яхоб суви бериш зарарли ҳашаротларни йўқотишнинг агротехникавий методига киради.

Институтимиз ходимлари ғўза зараркундаларини ўрганиш, препаратларнинг химиявий заҳарлилик даражасини аниқлаш, озукабоп экинлар ва озиқ-овқат маҳсулотларига зиён етказадиган зараркундаларни ўрганиш, экология ва прогноз, гербицидлар, ўсимликларни химия қилиш аппаратураларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш лабораторияларида муҳофаза методларини янада такомиллаштириш устида изчил изланишлар олиб бормоқдалар.

Партия ва ҳукуватимиз олимлар коллективимизнинг кўп йиллик самарали хизматларини инobatга олиб, институтимизни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Бугун илмий муассасамиз байроғида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Бу юксак мукофот коллективимизни янада самаралироқ ишлашга, илмий тадқиқотлар савиясини бугунги талаблар даражасига кўтаришга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-

нинг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов институтимизга Меҳнат Қизил Байроқ орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқида олимларимизнинг ҳозирги кундаги фаолиятларига юксак баҳо берди.

Бу йил республикамиз пахтакорлари она Ватанга 5 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганлар. Пахтакор деҳқонларимизнинг энг содиқ дўсти ва ҳамкори бўлган институтимиз коллективи ҳам бу улкан вазифанинг шараф билан бажарилишида ҳосил посбонлари сифатида муносиб ҳисса қўшиш учун тинмай меҳнат қилмоқда. Улар жонажон партияимизнинг тарихий XXVI съезди қарорлари асосида илмий-тадқиқот ишлари савиясини янги талаблар даражасига кўтариш учун интилмоқдалар.

Султон АЛИМУҲАМЕДОВ, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Урта Осие ўсимликларни химия қилиш илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ муҳбир аъзоси

ЙИГИТ ҲУСНИ ЮРАГИДА



— Дамбанинг ёвуғидан, де!

— Ҳа, ҳа.

— У ерлар менинг ихтиёримда. У ерларни орзуси маёқдай порлаб турганларга бераман. Аҳдинг қатъий бўлса, икки-уч йилдан кейин ола-сан.

Эшмамат «ҳаммаси тушунарли» дегандек, дўписини пешанасига суриб, бош қашлади...

Мана шу гапларга ҳам йигирма йилдан зиёд вақт ўтибди...

Бешқўтон даштлари инсон меҳрига мунтазир эди. Эшмамат тадбир ишлатди. Тиришганининг теҳаси тошга чега қоқади, деганлари сингари Эшмамат: «Сув — йироқда, ер одам нафасини туймаган асов», деб ўтирмади. «Ҳар ким ерга ҳадди сиққанича панжа солаверса, замин хомта-лаш бўлади-ку», деб мулоҳаза юритди у ва совхоз вакилларини Ҳожиҳўрага бошлаб келди:

— Менга 60 гектар ерни текислаб беришин, — деди. — Қолган ташвишни ўз зиммамга оламан.

...Узоқ йили шаҳардан қандайдир бир муҳбир келиб, Эшмамат ҳақида бир қулоқ мақола ёзди: Эшмамат янги ер оча туриб, эчкиэмарга, чиябўрига, яна алланима балоларга дуч келган эмиш. Ахир, ерни ўзлаштирадиган йирик-йирик ташкилотлар бор-ку! Улар ерни тупроқ туркуми, ер-ости сувининг юза ёки чуқурлигига қараб, дала-ларга бўлиб, суғориш шохобчаларини тортиб, захламаслик, шўрламаслик чораларини кўриб, деҳқонга қўшқўллаб топширадилар. Ердан неча йил фойдаланиш, унинг қаъридаги хазина санди-гини очиб, дуру жавоҳирларни элга инъом этиш саҳий деҳқоннинг пешана терига, қалб кўрига боғлиқ.

Эшмамат: «Янги ер — асов той. Бегона уруғ кўйнига кирса тайсаллайди. Уша асов ерни эл қилган одам асл чўлқувар!» — дерди. Шу ақида-сига содиқ қолди. У «Янгибод» совхозида беш йил ишлади. Беш йилда уч ерга кўчди. Ҳар гал 60 гектардан ерни яшнатиб, бошқа ҳамкасблари-га қолдираверди.

Унинг мард ва чапдастлиги ана шу йилларда билинди. Намга ташна ер сувни бало-қазодай комига тортар ва тўрт-беш қулоқ наридан бўта-на мисоли ўпқоннинг ўқидай отилиб чиқар, варақлаб қайнаб, атрофга седдек ёйилар, яна ер қаърига сингиб кетар эди. Биринчи йили у шун-дай панд еди. Кейинги йиллари эса бу хатосини тузатди, тин ерни қишда суғориб, эрта баҳорда бир сидра юза ҳайдаб, чигит экадиган бўлди. Шундай қилганда тупроқнинг ҳосилдор қисми сидирилиб кетмас экан. Тўрт-беш ҳосилдан кейин эса чуқур ҳайдашга ўтиш мумкин эди.

Чўлқувар деҳқонлар жам бўлган бир йиғилиш-да ёш бригадир «сувнинг сувлигидан» маҳкам ушлаб туриш ва мўл ҳосил олишининг шу оддий сири ҳақида тўлқинланиб маъруза айтди. Бу усул ҳаммага маъқул тушди. Шундан кейин директор ўз лафзига амал қилиб, дамба ёвуғидаги ўша «кўзга суртган» ерини ишонч ва ифтихор билан унга топширди...

Эл орасида: йигит ҳусни юрагида, деган нақл бор. Эшмамат бу нақлни хаёлига ҳам келтирган эмас, албатта. Аммо уни аслида Бешқўтон даш-тидан Музрободга, ундан Қоракамар ерларига қалбидан туғён урган жўшқин ғайрати бошлаб келган. У Музробод даштида ташкил топган «Советобод» совхозида ўн йил ишлади. Пахта ҳосилдорлигини 16 центнердан 52 центнерга кў-тарди, кадрдон далаларини содиқ ҳамкасблари-дан бири — Жўра Бобоёровга топшириб, ўзи

Ғагарин районида янги тузилган «Пограничник» совхозига ўтди.

Совхоз ерлари илгари бошқа хўжаликлар томонидан ўзлаштирилиб, бироз зироат экиб келинган ерлар эди. Эшмамат ташландиқ жойни танлади. Унинг «занг ерни танлаганидан» кўплар мийиғида қулди ҳам. Эшмамат бу қулгиларга парво қилмади. Аксинча, ерни «ўрганиш»да да-вом этди. Ер жуда ҳам ориқлаган эди. Бу ер-ларнинг ҳосилдорлиги олдинига 19 центнерга чиққан, сўнг 12, 10 ва ниҳоят, 7 центнерга тушиб қолган эди.

Нима қилиш керак? Омборда ўғит тўла қоплар қаланиб ётибди: азот, суперфосфат, калий... Истаганча олса бўлади. Областа ҳам, сўраса, йўқ дейишмайди. Ерни ўғитга тўйдирса-чи? У да-лаларни айланиб, шундай хулосага келди: ердан шира қочган. Меъёридан ортиқ суғоришнинг касофати бу. Ортиқча ўғит заррача наф бермай-ди. Аксинча, ернинг ғозини қочиради.

Заъфарон тусга кирган, метиндек қаттиқ ташландиқ ерни яна эпақага келтириш учун меъёр, ўлчов, вақт ва тоқат керак эди. Эшма-мат Қоракамар тоғи этагидаги фермалардан қўй қийи ташиди. Чори, Ғайрат исмли укалари, яна совхоздан юборилган беш-олти чоғли киши унга ёрдамга келди. 50 гектарли майдон маҳаллий ва маъдан ўғити аралашмаси сепиб шудгор қи-линди. Баҳорда экишдан олдин эгат очиб, далага сув тарашди. Ер тобга келгач, чигит эгат пушта-сига экилди. Уруғни қатқалоқдан, кўчатни касал-ликлардан сақлаш учун пушта устига махсус мослама ёрдамида қўй қийи тўкилди.

Эшмамат донгдор деҳқонлардан Шоймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Рўзи Аҳме-дов, Панжи Шукуровлар билан елкама-елка ту-риб ишлаб, ҳосил чўғини чамалаш сирини ўрган-ди. У эгатма-эгат юриб, ниҳолларни кўздан ке-чирди. Ниҳол танаси баққувват ва йўғон бўлса, у шифил кўсак боғлайди, ҳосили эрта етилади. У ўзича «ўттиз бешдан кам бўлмас-ов» деб юр-ди. Бироқ дилидаги бу сирни терим палласигача сиртига чиқармади. Машиналар гурра теримга тушгач, Эшмамат янги ташаббус билан майдонга чиқди. У атиги 7 центнердан ҳосил олиб келин-ган ердан 40 центнердан «оқ олтин» йиғмоқчи эди!

1974 йилнинг ноябрь тантаналари куни у бош-лиқ бригада 41 центнердан ҳосил олганлиги ҳа-қидаги рапортга имзо чекди. 1975 йилда ўша ерлардан 50 центнердан пахта йиғилди. Ҳар йили бригада хирмонининг 70—80 проценти Эшмаматнинг иродаси, куч-ғайрати билан у бош-қарган «зангори кема»да терилди. Бу меҳнатлари эвазига кейинги йилларда ҳосилдорлик яна ўсиб борди: 51, 52, 53...

Самарали меҳнат йигитнинг кўксини безадди; Ленин ордени, Ҳурмат белгиси ордени... Меҳнат Қизил Байроқ ордени... Азамат чўлқувар Соци-алистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Тарихий анжуман — КПСС XXVI съездида иштирок этди.

«Таъзим сенга, она-ер! Мени волидаи мука-рама сингари эъозладинг, чин инсоний саодатга мушарраф этдинг!» Съезд ўтаётган муҳташам залда ўтирар экан, Эшмаматнинг бутун вужудини ана шу хил ўй-хаёллар чулғаб олганди. У Мос-квадан битмас-туганмас куч-ғайрат олиб қайтди.

Эзгу ниятлар Эшмамат Бўриевни янги уфқлар сари даъват этмоқда.

Норқул ҲАЙИТҚУЛОВ

Сурхондарё области

КОМСОМОЛ йўлланмаси билан чўлга борганида у ўн саккиз ёшда эди. Тўрт томон поёнсиз чўл. Сирдан теп-текис кўринган Бешқўтон дашти сувсизликдан тарс-тарс ёрилиб ётарди.

Эшмамат акаси билан чўл айлан-ди. Қайси жойдан ер танласа экан, бу ерларнинг хазина сандиғи қаерда? Балки шу ернинг ўзгинасида, ҳу чўл этагидадир? Эшмамат шу ҳақда акасига кўнгли ёрди.

— Жамики ер — хазина, — деди у. — Ҳамма гап ана шу хазина калитини топа билишда.

Икковлон ниятни бир қилиб, Бешқўтон дашти этагидан ер танлашди. Бу ер сувга ҳам яқин, қўл узатсанг, Занг каналининг ирмоғига етасан. Ака-ука гапни бир жойга қўйиб, директор ҳузур-рига кириб келдилар. Совхозга кўп одам керак. Ер мўлу ишчи кучи оз эди ўша пайтларда. Шу боисдан улар директор ҳамма шартларимизга лом-лим демая рози бўлади, деган ўй-хаёлда эдилар. Бироқ директор уларга: «Хуш келибсиз-лар, марҳамат, хоҳлаганларингизни бажо келти-рамиз», дейиш ўрнига:

— Қаердан келдинг, укам? — деди Эшмаматга синовчан қараб.

— Таллимаржондан, — деди Эшмамат ҳайрон бўлиб.

— Кеча тўрт оғайнинг жуфтакни ростлабди, — деди истеҳзо билан директор. — Уларнинг ўрни бўш қолмасин, депсан-да, а?

— Ниятим қатъий, ўртоқ директор.

— Улар ҳам шундай дейишганди, — ўрнидан кўзгалди директор. — Ҳафта ўтмай орзулари пу-факдай ёрилиб кетди.

— Ҳаммани бир ўлчов билан ўлчаманг-да, ака!

Директор рўпарасидаги чўзиқ юз, қуюқ қош, қотмадан келган йигитга термулиб турди, сўнг:

— Ана бу гапинг менга ёқди, укам, — деди сал очилиб. — Бирон касбни биласанми?

— Тракторчилик курсини тамомлаганман.

— Аммо ишламагансан, шундайми?

— Ҳа, шундай... — ерга қаради Эшмамат.

— Эҳ!.. Ҳали ёўрсан, анча ёўрсан, укам. Ҳа, майли, — деди директор ва дераза оша Ҳожиҳўр тарафга ишора қилди. — Хув ўша жар атрофида-ги ялангликдан кўнглинг хоҳлаганича олавер.

— Сув, уй-жой...

— Э-э!.. — деб қўл силтади директор. — Айт-дим-ку сенга, орзуларинг пуфак сизларнинг деб.

— Биз кўпчиликмиз. Мен, акам...

— Неча кишисизлар?

— Бутун оиламиз. Акам болалари билан...

— Одамлар капаларда, ертўлаларда яшашяп-ти, — деди бўшашиброқ директор. — Келаверинг-чи, қишгача иложини топармиз.

— Сиздан яна бир илтимосим...

— Хўш, хўш?

— Биз каналга яқинроқ жойдан ер танлаган-дик.

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

«Гулистон»
«Гулистон»да

Об-ҳавонинг деҳқончилик учун оғир келиши бу йил ҳам пахтакорларимизга кўп ноқулайлик туғдирди. Июнь ойининг ўрталарига вақти-вақти билан ёмғир, баъзан эса дўл ёғиб, ҳароратнинг паст келиши оқибатида ғўзанинг ўсиши сустлашди. Лекин тажрибали, омилкор деҳқонларимиз табиат қийинчиликларини ҳамишагидек зўр бардош билан енгдилар. Айни шундай ҳолат «Гулистон» колхозида ҳам юз берди.

Правление биноси ёнидаги қуюқ дарахтзор тагида колхоз раиси Ислиддин Ҳайдаров тўрт-беш киши билан қурилиш ишлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирар эди. Кўчанинг нариги тарафидаги боғ этагида янги қад кўтарган қўш қаватли бино сиртига икки-уч сувоқчи чапдастик билан суяқ бетон қоршимасини чаплар эди. Ундан нарида — ойнавандли лимонзор ичида кимдир ҳали ўрнатилмаган ромлар сатҳини темир линейкада бир-ма-бир ўлчар, чўнтагидан ён дафтэрчасини олиб, унга ниманидир ёзар эди.

Ислиддин ака биз билан илиқ сўрашиб, идорасига таклиф этди.

— Ғўзанинг ривож қандай? Табиат сизларни анча қийнаб қўйди шекилли?— деган савол билан раисга юзландик.

— Пахтакорлар учун енгил йилнинг ўзи йўқ. Ҳар мавсумнинг ўзига яраша ташвиши бор,— деди раис бароқ қошларини бироз чимириб.— Узингизга маълум, ғўза ниҳоятда инжиқ, меҳр-талаб экин. Лекин биз ота-боболаримиздек фақат омон-бўйинтуруғу, белу кетмонга суянган қўли калта деҳқонлар эмасмиз. Паркимиз тўла техника, омборимиз тўла ўғит. Қишлоқ хўжалиги учун керакли машиналарнинг ҳаммасидан бор. Уни қойилмақом қилиб бошқарадиган малакали кадрларимиз ҳам етарли. Азаматлар бу йил ҳам чинакамга тер тўқиятилар. Барча майдонларимизда ғўзанинг ривож ҳам, ҳосилнинг етилиши ҳам кўнгилдагидек.

— Сизлар ҳам зарбдор юз кунлик эълон қилганмисизлар?

— Бизда ўсишдан орқада қолган ғўзалар йўқ,— дея гапида давом этди Ислиддин ака.— Бу йил ҳароратнинг паст келганини ҳисобга олиб, зарур пайтда кўпгина майдонларда қўшимча агротехника тадбирлари ўтказдик. Ғўзаларнинг бўғзидаги тупроқни қизитиш мақсадида эгтарлар бўйлаб оқучниклар юритилди; тупроқни ағдариб, уни офтобга тоблаб турдик. Ғўзани худди қулоғидан тортгандек ўстидик. Омилкор деҳқонларимиз, фидойи сувчиларимизнинг кўп йиллик тажрибалари қўл келди.

Биз Ислиддин Ҳайдаров ҳамроҳлигида дала кездик. Атроф ям-яшил. Бўлиқ ғўзалар адирдан эсаётган шабадада бир текис чайқалади. Ғўза тупларида шода-шода кўсақлар кўзга ташланади. Ғўзаларни махсус мосламали тракторларда чеканка қилаётган механизаторлар ва эгтар оралаб сув тараётган сувчилардан бошқа кимса кўзга кўринмасди.

Биз бундан сал илгари хизмат бурчимиз билан бошқа область ва районларнинг баъзи хўжаликлариде бўлганимизда бунинг аксини кўргандик: мактаб ўқувчиси ҳам, ёш болали оналару кексаю қарилар — барчаси далада эди. Уларнинг баъзилари теша-кетмонда бегона ўтларни чопиқ қилишар, баъзилари қўллари кўктирноқ бўлиб, ғўзаларнинг учларини чилпишарди. Уларнинг ишини пайкал бошида кўлини белига тираб кузатиб турган штурмчи баъзи раҳбарлар: «бизда ҳамма — ёшу қари зарбдор юз кунликда фаол иштирок этайтилар!» деб керилаётгандек туюларди кишига. Ваҳоланки, Ислиддин акада бор техника ва имкониятлар уларда ҳам муҳайё эди...

Дала айланиб, баъзи бригада бошлиқлари билан суҳбатлашгач, об-ҳаво қалтис келган йилларда ҳам ҳамма гап ишнинг кўзини билиб ташкилотчилик қилишга боғлиқ эканлигини «Гулистон» колхоз раҳбарлари фаолияти мисолида чуқур ҳис этдик. Пахтачиликда Тошкент технологиясининг ижодкорларидан бўлган азаматлар шаънига ич-ичимиздан тасаннолар айтдик. Гулистончилар учун эса бу усул аллақачон кундалик одатий юмушга айланган.

Бу йил ёғин кўп бўлса-да, пайкалларда бегона ўт кўринмаётганига Ислиддин аканинг эътиборини жалб этдик.

— Бегона ўтларни таг-томири билан йўқотганимизга анча йил бўлди,— деди у далаларга кўз югуртириб.— Бегона ўт асосан эскирмаган маҳаллий ўғитдан тарқалади. Шунинг учун биз одатда маҳаллий ўғитни кузда гектарига 10 тоннадан 15 тоннагача миқдорда жамғариб, қиш давомида уни чиритиб қўямиз. Бундан ташқари, чигит экиш билан бир вақтда ерга бегона ўтларга қарши гербицид солинади. Маълумки, бу йил ёғин кўп бўлди, ер қотиб, тупроқнинг зичланиб қолиш хавфи туғилди. Шунинг учун ғўза қатор ораларига бир марта, баъзи пайкалларда эса бир ярим марта ортиқ ишлов берилди. Хуллас, шароитнинг ўзи бизни тадбир топишга мажбур этди.

Икки бўлмали тоза ва шинам дала шийпони олдида бизни ўрта бўй, чорпахил, қирқ-қирқ беш ёшлардаги қорамғиз бир киши кутиб олди.

— Бу киши бригада бошлиғи Манноп Мусаев бўладилар,— дея таништирди раис.— Тажрибали, уздабурон пахтакор. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил ундириш ҳаракатида.

Шу пайт елкасига кетмон ташлаган оқ яқтакли киши пайкалдан чиқиб келди ва биз билан сўрашди.

— Одилбой, нечанчи сувни беряпсиз?— деб сўради раис сувчидан.

— Бешинчи марта.

— Ғўзаларинг нечтадан кўсак туғди?

— Ҳар тупида 8 тадан 14 тагача бор.

— Мўлжалдаги ҳосилни ололамизми?

— Ошса ошади, лекин кам бўлмайди!— дея жавоб беришди бригадир билан сувчи.


Меҳнат Қизил Байроқ ордени бригадир Манноп Мусаев ва моҳир сувчи Одил Фозилов билан хайрлашиб, навбатдаги бригадага ўтдик.

— Бригадиримиз Шавкат Мадалиев ҳам серғайрат йигитлардан. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, олий маълумотли агрономлик дипломини олди. Лекин шийпонинг ёнидаги пайкали оқпалак касалига, илмий термин билан айтганда, вилтга чалинди. Ҳисобимизча, вилтнинг дастидан ўша бир гектарча ердан 8—10 центнер ҳосилни бой бердик. Хайриятки, ҳаво исби, оқпалак ортиқча хуруж қилолмади, ғўзалар тез авж олди.

Бу ерда ғўзаларни механизмда чеканка қилаётган механизатор Ҳабибулла Азаматовга дуч келдик.

— Бу йигит Олмалиқ шаҳрида шофёр-инструктор бўлиб ишларди,— деди Ислиддин ака.— Ўтган пахта терими мавсумида отпускани олиб, колхозимизга келди, машинада пахта терди. Ун икки кун ишлаб, қарийб 400 сўм даромад қилди. Шу йил бошида эса колхозга ишга ўтди.

— Бу мавсумда қанча пахта териб берасиз?



Тошкент областининг бошқа хўжаликлари сингари «Гулистон» колхозида ҳам механизация деҳқонларнинг энг яқин ҳамдами.

— 500 тоннага етказишга ҳаракат қиламан!— деди Ҳабибулла.

— Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, деб бежиз айтишмаган,— деди Ислиддин ака чехраси ёришиб.— 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта олашимиз, ҳосилнинг 90 процентини машиналарда йиғиштирамиз, деб ваъда бераётганимизда, сизга ўхшаган алп йигитларимизга ишонганмиз-да.

— Ишончингизни, албатта, оқлаймиз, раис бува— деди қатъий оҳангда Ҳабибулла Азаматов.

Шу пайт колхоз техника паркиннинг дарвозаси олдида бир нечта терим агрегати кўзга ташланди. Кўп ўтмай «зангори кема»лар катта йўлдан дала шийпонлари сари йўл олди. Маълум бўлишича, ремонтдан чиққан терим машиналари аллақачон далаларга чиқариб қўйилаётган экан. Терим агрегатларини механизаторлардан Бекмурод Холмуродов, Рустам Раҳмонов, Исмаи Сарибоевлар бошқариб бораётган эканлар. Коржомалари ўзларига ярашган бу азаматлар шу топда катта соврин учун кўпқарига отланган жасур суворийларни эслатарди.

— 22 та машинани беш группада маркашлаган усулда ишлатиб, асосий ҳосилни 20—25 иш кунда йиғиштириб олиш ниятидамиз,— деди раис.— Аҳди қатъий деҳқонларимиз партияимизнинг пахта йиғим-теримини намунали уюштириш ҳақидаги мурожаатига жавобан масъулиятли мавсумга пухта ҳозирлик кўрдилар.

Қурилиш соҳасида ҳам колхоз ўз кучидан фойдаланмоқда. Хўжалик фақат район қурилиш ташкилотларига кўз тутиб ўтиргани йўқ.

Эрталаб колхоз марказида кўрганимиз икки қаватли бинода Шон-шўҳрат уйи ҳам ташкил қилинади. Унда колхознинг эллик йиллик тарихига оид ҳужжатлар, донгдор кишилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг шонли йўлини акс эттиручи материаллар, лавҳалар намойиш этилади. «Гулистон» колхозида эса донгдор кишилар оз эмас. Ленин ордени олтмиш центнерчи бригадир Абдулла Назарқулов, қўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени моҳир филлакор Мухаббат Абдураҳмонова, рекордчи сут соғувчилар — кўксиде Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени орлаб турган Фотима Норматова, унинг ҳамкасби Меҳнат Қизил Байроқ ордени Марзия Танжариқоваларнинг қахрамониона меҳнатлари дostonларга мавзу бўларли. Колхоз дарғаси Ислиддин ака Ҳайдаровнинг сермазмун, серқирра фаолияти ҳам хўжалик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. У ўттиз йилдан бери сурункасига «Гулистон» колхозига раислик қилади, эл бахти учун елиб-юғуради. Хўжаликдаги ҳар бир хайрли ишда бош-қош: 14 километрлик узоқликдаги Олмалиқ шаҳридан колхозчиларнинг хонадонларига табиий газ келтирилишида ҳам, қирга насосда сув чиқариб, 250 гектар ер ўзлаштирилишида ҳам, хўжалик территориясида область миқёсидаги ревматология шифохонасининг ёки кичикинтойлар учун «Гунча» марказий боғчасининг бунёд этилишида ҳам эл эъозлаган оқсоқолнинг катта ҳиссаси бор. Унинг кўп йиллик самарали хизматларини партия ва ҳукуратимиз муносиб тақдирлади. Бугун Ислиддин аканинг кўксини Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени беэаб турибди.

— Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари муттасил ўсиб бораётган ҳозирги шароитда,— дейди Ислиддин ака,— ҳар бир раҳбар кўп билан кенгашиган ҳолда режа билан, узоқни кўзлаб иш тутиши лозим. Пахтадан деярли ҳар йили юқори ҳосил оляпимиз. Аммо қурилиш, ободончилик ишларини ҳам, халқимизнинг чинакам маданий турмуш кеңишини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим...

Мазкур сатрлар журналхон қўлига бориб етган пайтда республикамизнинг барча хўжаликлариде бўлганидек журналимиз оталиғидаги «Гулистон» колхозида ҳам пахта йиғим-терими айни қизғин паллага киради. Ишончимиз комилки, пахтачиликда қудратли техника имкониятларидан самарали фойдаланаётган гулистончилар бу йил ҳам, албатта, улкан зафарларга эришадилар.

Шомурод СИДДИҚОВ

Пискент райони

ИЛК СЕВГИ



Сўқиб юрган кезларим эди. Бир куни директор синфимизга содда кийинган, нозик, рангпаргина қизчани бошлаб кирди-да:

— Мана сизларга янги ўқувчи, Зухра Жавлонова,— деди ўқувчиларга.

Қиз орқадаги партага ўтаркан, болалар Зухрани тузукроқ таниб олиш учун кўз қирлари билан кузатиб қолишди. Қиз ҳеч кимга парво қилмай, эскигина сариқ папкасидан бир китоб олди-да, уни варақлашга тушди.

Танаффус пайтида болалар Зухрани гапга солиб, қаердан, нима сабабдан келганини сўрашди. Зухра қисқа қилиб келган жойини айтдию, кўчиб келишлари сабабини сўзлаб ўтирмади. Болалар бири олиб-бири қўйиб «янги ўқувчи»ни таърифлашга тушишди. Униси: «мингаймас» деса, буниси «кичидан пишган», «одамови» деди. Қизлардан биттаси: «димогдор бўлса керак» деса, иккинчиси: «Узимиздақа қишлоқ қизи экану, нимасига димог қилади», деди.

Бир хил бола бегоналар ичига кириб қолганда дастлаб тортиниbroқ турса ҳам, тез орада элакишиб кетади. Зухра унақа эмас экан. Дарсга ҳам зиқ қилиб келади-да, охириги кўнғироқ чалиниши биланоқ ҳаммадан олдин зинғиллаб жўнаб кетади. Ҳафталар ўтаптики, унда бирон ўзгариш кўринмайди.

Кунларнинг бирида математика ўқитувчиси Зухрани доскага чиқариб, масала ишлатмоқчи бўлди. Зухра: «Тайёр эмасман, кейинги гал чиқарман», деди. Аянинг тарих дарсида ҳам берилган саволга жавоб тополмай, узр сўради. Аям синф раҳбари бўлгани учун ҳам Зухрага қизиқиб қолди. У билан алоҳида суҳбатлашиб, яқиндан танишди, ҳол-аҳолини яхшироқ билиб олиш учун уйига борди...

Зухралар аслида водийнинг тоққа туташган қишлоғида яшар эканлар. Отаси қишлоқ участка милиционери бўлиб, онаси чорва фермасида сизир соғувчи экан. Утган қиш кутилмаган даражада оғир келиб, сизирбузоқларни боқиб қийинлашиб қолибди. Қалин қор-муз остида қолган ем-хашакни очиб олиш вақтида Зухранинг онаси шамоллаб қолади, оғир зотилжам касаллигидан вафот этади. Қон қақшаб қолган Зухра қиз ғам чека-чека озиб-тўзиб ётиб қолади. Район марказида яшовчи бева аммаси Ёқутхон опа ўша ерга бориб Зухрани боқиб ўтиради. Зухра сал тузалгач, уйи ёлғиз қолган аммаси энди кетай деса, Зухра қўймайди. Бу орада дадасининг иши ўзгариб, район милиция бўлимига ўтади. Шундан сўнг улар Ёқутхон амманинг уйига кўчиб келишади.

— Бечора қиз ғамбода экан. Кўнглини кўтариб, ёрдам беришимиз керак,— деди аям.

Синфимиз раҳбари Зухрага ёрдамлашиб туришни Гавҳарга топширди. Бу таклифга қовурғаси қайишибгина кўнган Гавҳар уч-тўрт кун ўтгач, аямга нолиб қолди:

— Бу қизингиз тўғри келмади, устоз. «Ёрдам берай», десам: «Вақтим йўқ», дейди. Икки марта айтсам, икки марта ҳам шу жавоб. Кетидан ялиниб юрамани энди!.

Аям ўзи сўзлашса Зухра: — Мунақа ёрдамчи керакмас менга. Жуда қақилдоқ экан. Ёрдам бериш ўрнига нуқул: «Қишлоқдан нега келдинглар? Ойинг нима бўлиб ўлди. Нега кўпчиликка аралашмайсан», деб гап қовлайди,— депти.

— Бўлмаса, сенга ўғил болалардан бири ёрдам берса-чи?— деб аям Абилнинг номини айтибди. Зухра эса: «Қайдам?» деб елкасини қисибди.

Бирор ҳафталардан кейин Абил ҳам ёрдам бермай қўйди. Сўнгра

балоғат ёши. Бу ёшда ўспиринларнинг бошидан нималар кечмайди дейсиз. Ҳаёт сари биринчи қадам ташлаш, мустақил йўл танлаш, бу йўлда учраган дастлабки говларни енгиб ўтиш, маънавий-ахлоқий етилиш, илк сеवги изтироблари...

Ёзувчи Ҳақим Назирнинг янги романи ана шу муаммолардан баҳс этади. Бу мураккаб муаммолар ўсмирлар тарбиясида оила ва мактаб, дўстлик ва меҳнат, коллективнинг роли, масъулияти, қишлоқда ишчи ўринбосарлар етиштириш масалалари билан боғлиқ кетади.

Эътиборингизга ҳурматли адибнинг ана шу янги асаридан парча ҳавола қиламиз.

бу ишни менга топширишди. Биз Зухранинг ўз хоҳиши билан дарсдан сўнг пионер бўлмасида қолиб дарс тайёрлади. Мен дарсга алоқасиз бирон оғиз ҳам сўз айтмасликка ҳаракат қилдим. Икки-уч сафардан сўнг қизнинг ўзи гапга тушиб, Абилдан сўз очди:

— Жа шум бола кўринади-я, ўша!

— Ҳа, нима бўлди?— дедим қизиқиб.

— Биров билмасину... Мени ҳеч нарсдан-ҳеч нарса йўқ кинога таклиф этаёпти. Мен «йўқ» десам, «бўлмаса дарсни уйингга бориб тайёрлайлик» эмиш...

Зухранинг кўнглига қил сизмайдию, тагин «Қовоғинга тош осиб олганмисан?» деб кесатиқ қилармиш бефаросат!.. Мен Зухрани аччиғидан туширишга ҳаракат қилиб, юлатдим:

— Кўявер, Абил ўзи шунақангиз сурбет, найрангбоз. Найрангини фақат болаларгамас, ўқитувчиларгаям қилади.

Абилнинг ўтган йили қилган бир қилиғи эсимга тушиб, кулдим. Ушани Зухрага айтиб бердим. Адабиёт ўқитувчимиз «Мен қандай ҳунарни яхши кўраман» деган мавзуда эркин иншо топшириб, бир ҳафта муддат берган эди. Ҳаммамиз ўз муддатида ёзиб топширсак ҳам Абил топширмади. Уқитувчига: «Ёзаяпману, ўзимга ёқмайпти», деб сабаб кўрсатди, яна муҳлат сўради. Охириги муҳлат ҳам келгач, ёзиб қўйган қозоги кичкинтой укасининг қўлига тушгани, укаси қозони қуш қилиб учириб юборганини баҳона қилди. «Эндигиси яхши чиқаяпти, сизга ҳам, албатта, ёқади, устоз» деб тагин озгина муҳлат сўради. Хуллас, галга сола-сола бир чоракни ўтказиб, ўқитувчининг ҳам эсидан чиқартириб қутилди.

А. ХОЛИҚОВ чизган расм



— Вой товба!—ёқасини ушлади Зухра. Унинг тим қора кўзларида енгил жилмайиш акс этди. Бунақа жилмайганини биринчи кўришим эди. Бир қарашда жиддий, кўрмисизгина туюлган бу қиз ҳозир кўзимга истараси иссиққина кўриниб кетди. «Ҳар ҳолда уни болалар ўйлаганча одамови, мингаймас деб бўлмайди», деб қўйдим ичимда.

Қиз ўқишда қийналаверди. Икковлашиб шунча ҳаракат қилсак ҳам «уч»дан боши чиқмасди. Айрим фанлардан «икки»си ҳам бор эди. Бир куни ўзидан-ўзи юрагини очиб:

— Биласизми, Тоҳир—деди биринчи марта отини айтиб сизсизраб. Мен негадир ўзимни ғалати сездим. (Мен ундан салкам бир ёш катта эдим). —Ҳаракат қилганим билан фойдаси йўққа ўхшайди. Қишлоқда турганимда фермага ўтиб кетардим ойимнинг ўрнига. Боқишиб ўрганиб қолган эдим. Узлариям чақиривудди. Янги ферма очишяпти. Дадам кўнса ҳали ҳам кетардим...

— Уқишни чала қолдириб-а,— дедим ҳайрон бўлиб.—Яхшимас.

— Бари бир бўлмаяпти-да. Уқишдан икки ойча қолиб кетганман. Узимниям, сизларниям қийнаб нима қиламан?

Қарасам, қиз мактабдан совиган. Буни аямга айтдим. Аям қиз билан бафуржа сўзлашди. Мактабни ташлаш керакмаслиги, астойдил ҳаракат қилса, ўқишда ўзгариш бўлишини айтиди, зеҳни, қобилияти яхши эканлигини уқдириб, кўнглини кўтариб қўйди. Зухрани мактабдан совитмаслик учун аям яна бир вақтинчалик чора қидирди. Атайи бир фандан Зухранинг «икки» баҳосини «уч»га, «уч» баҳосини «тўрт»га ўзгартириб қўйди. Буни кимдир сезиб, директорга чақибди. Директоримиз Сатторов асли ҳуқуқшунос, қаттиқ-

қўллик билан тартиб-интизом ўрнатишни яхши кўрадиган киши эди. У педсоветда аямни «қолоқ» ўқувчини ҳимоя қилганликда, кўз-бўямачиликда айблади. Сатторов ўзи доим мажлисларда «процент», «илғорлик», «қолоқлик» деган сўзларни кўп ишлатарди. Бизда «икки»чилар битта ҳам бўлмасин, юз процент ўзлаштирувга эришиб, мактабимиз шаънини кўтарайлик», деяверарди. Аям илгари бир мажлисда: «Сизга процент зарурми, таълим-тарбия, ишчимизнинг сифати, болаларнинг билим даражаси зарурми? Кейинги икки-уч йил ичида биронта ўқувчимиз олий мактабга киролмади», деди. Бу даққини директор кўнглига тугиб юрган экан, Зухра воқеаси баҳонасида тўкиб солди: «Одамнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак, Эъзозхон. Узингиз сифат, сифат деб дам урасизу аммо мана қилган ишингиз!» деб аямнинг тилини қисиб қўймоқчи бўлди.

Аям билан директор ўртасидаги келишмовчилик илгарироқдан бошланган эди. Директорнинг яқин одами— физика-математика ўқитувчиси Боқиев дағал муомалали киши бўлиб, лақаб қўйишни яхши кўрарди. Дарсда болаларни унар-унмасга «пўстак», «тошбақа қадам», «лодон», «тўнка» деб койийберарди. Шу ҳақда болалардан ариза тушганда, аям ўқувчилар тарафини олиб: «Муштай бошидан болаларнинг пешанасига «бу унақа, бу мунақа» деб тамға бошиш яхшимас. Усиб келаётган ниҳолларни қаёққа эгсанг эгилади. Эгиб олиш ўз қўлимизда. Аммо эгаман деб синдириб қўйишдан ҳам эҳтиёт бўлайлик», деган эди.

Утган йили яна бир воқеа бўлиб ўтгани эсимда. Директоримиз ўқиши паст, хулқи бузуқ бўлган бир нечта болага яхши характеристика ёзиб, уларни ҳунар-техника билим юртига ўтказиб юбормоқчи бўлди. Аям бунга қарши чиқди, характеристикаларга қўл қўймади. (Ушанда аям вақтинча илмий мудир эди).

Қисқаси, аямнинг Зухрага нисбатан кўрган «вақтинчалик чораси» натижа бера бошлади. Зухранинг ўқувиде аста-секин ўзгариш бўлди, у мактабдан кетиш фикридан қайтди. Кейинги кунларда хиёл чехраси очилиб, руҳан тетиклашгандай бўлди. Буни мен қизнинг қўлида зирак пайдо бўлганидан сездим. Биз бирга дарс тайёрлар эдик. У менга тез-тез савол беришга одатланди. Менинг ўз баҳоларим ҳам ўртача, ишим кўп бўлса ҳам, қиздан вақтимни аямасдим.

Бир куни синф мажлисига оналар чақирилди. Мажлисга Зухранинг дадаси Жавлон ака ҳам келди. Танишдик. Милиция формаси кийган хушмуомала, очик киши экан. Мени «укажон», деб гапирди, қизига ёрдам бераётганим учун раҳмат айтди. Яна кўпчилик ўртасида сўзлаб, «Сизларда ёрдам ёрдам яхши йўлга қўйилган экан. Тоҳиржон қизимга қа-

ЗАМИН ИҚБОЛИ

Манзара

Икки арғамчи мисол — Сир ила Амударё,
Тоғлардан Оролгача кимдир тортгандек гўё.
Арғамчида — Урта Осий —
Тебранади мисли беланчак,
Уни тебратиб турар
Заррин қуёш — келинчак.

* * *

Далаларни куйлатмоқда олов-саратон,
Хуморини ёзаётир далада деҳқон...
Ғўза серавж,

кўсақларми —

ёғду хумчаси,
Саратоннинг қуёшидан бормоқда тўлиб
Баъзан нисбий бўлар экан нур тушунчаси,
Кўсақларда етилмоқда у пахта бўлиб.
Саратон бу — хазинадир,

тенгсиз бойликдир,

Офтоб — нурдан хирмон ясар ўзбек деҳқони.
Ҳар карвони — дунё учун бир дунё ёғду,
Ўзбекистон — дунёмизнинг нақд саратони!

* * *

Қишлоқ йўли чангида,
Хўрозчалар «жанги»да,
Чашмалар оҳангида,
Гулбахорнинг рангида
Менинг ёшлигим қолди.

Лекин қалбимга солди
Булбулнинг шўх созини,
Бургутнинг парвозини,
Фаслларнинг ёзини,
Давримнинг овозини.

Шаршара

Юксак тоғ бағридан қуйилар қуйи,
Харсанглар бағрини ёриб шаршара.
Суронли шов-шувдан гумбулар дара,
Нақадар жўшқиндир қўшиғи-қуйи...
Олмос тўлқинлари сирли бир дунё,
Сеҳру жилосидан кўзлар қамашар.
Тўсиқлардан тошар, довлар ошар,
Қояларни олиб отгудек гўё.
О, жўшқин шаршара, сен бўлиб гўё
Она-Ер ишқими, отилиб ётган?!
Қуйларинг дилимда қўшиқ

уйғотган—

Ёшлигим бағринга яширган дунё!..

Ҳисларим гирдибод, мижгонимда ёш,
Рашкимнинг олдида ўзим ҳам ҳайрон.
«Нафратланаману унутолмайман»,
Оҳ, мени гирдобга ташлабсан, жайрон,
Ой тўлиб чорлади, сен қайлардасан?!

Биламан, изларни қумлар кўмади,
Унут ҳам бўлади ҳатто ошиқлар.
Ҳамон унут бўлмай ёндирар мени
Ой тўлишганда сен айтган қўшиқлар,
Яна ой тўлишди, сен қайлардасан?!

Чашмаи Аюб

Чашмаи Аюб — тўзонлар аро
Келаётган кулоҳпўш падар.
Уни фақат кекса Бухоро
Билар, удир — табиб—қаландар.
Кўп асрки, Синони излар
Қўйнидадир қиркинчи дори.
Сомонийга қамти ўтириб,
Сўрар: «Қани Бухоро нори?!»
Неча йилки излар Синони,
Табибини ким севмайди, ким?!
Яширинган экан бу дори,
О, кимларга ишондинг ҳаким!
Хайрият, у дори топилди,
Лекин асраш керак кўп замон.
Ўйлаб қудук қаздирди Аюб,
Дори шунда сақланар ҳамон.
Чашмададир қиркинчи дори,
Бир кун ичиб тирилар Сино.
Чашмададир қиркинчи дори,
Бундан огоҳ бобо Бухоро!

* * *

Китоб — чашма!
Сувида,
Юрагим қонмас,
Завқу нашъаси билан
Дилим бўлди маст.
Бу чашмадан шимирсам,

Бахш этди қанот.
«Сир»ларин очаверди
Қаршимда ҳаёт.
Доҳий Ленин китоби —
Инжу булоғи.
Кўзларимга нур берар,
Ҳар бир вароғи.

Дарахт куйлаяпти

Дарахт куйлаяпти: бахтиёр бир ун
Сокин само бўйлаб учмоқда қувноқ.
Дарахт орзусида бор эди бир кун,
Албат, ёниб-ёниб қўшиқ куйламоқ.

Дарахтни куйлатди тонгги шаббода,
Чилвир шоҳларини ҳар ёнга тараб.
«Бундай ҳур гўзаллик йўқ,— деб,— дунёда»,
Ҳайқиргим келади кўкларга қараб.

Ахир у дунёга келгандан буён,
Бир бор куйламоқни орзу қиларди.
«Менга бир куйлашни насиб эт», дебон,
Буюк табиатдан нажот тиларди!

Ногоҳ бир шаббода келди-ю шу он,
Унинг орзулари ижобат бўлди.
Асов бағридаги ҳасрат ва армон,
Бугун қўшиқ бўлиб самога тўлди.

Дарахт қўшиғини тинглайлик бир дам,
Балки у, дўстларим, куйламас қайтиб.
Балки шу сония, шу нафас у ҳам
Турибди энг яхши қўшиғин айтиб.

Бодом ҳақида

Кўклам бошланмай ҳали — келмасдан ҳамал,
Гуллаб қўйди ёлғиз бир бодом бемаҳал.
Уч-тўрт кунлик қуёшнинг илиқ тафтидан,
Баҳра олиб алданиб қолди, афтидан.
«Тўқсон» чиқиш олдида, изғирин эса,
Ғунчаларни қақшатиб кетди бир кеча.
Гуллагач олма, ўрик, шафтоли, гилос,
Ўз заволин кўриб у ўқсинди бир оз.
Нетсин, жамолин тезроқ кўз-кўз этай деб,
Элга ҳаммадан олдин мева тутай деб,
Самимий бир тантлиқ қилмоқчи эди.
Аттанг: бу тантлиқни изғирин еди.

* * *

Майли кузми, майли қиш, майли баҳордир,
Ҳисса шулким, ҳар ишнинг мавруди бордир.

Дутор

3. Обидовга

Даста узра шўх торлар тебраниб таранг,
Мисли шоир қалбидек бермоқда жаранг.
Ё тонг чоғи қовушган келин-куёвми,
Нола айлаб, мастона куйлашин қаранг.
Чин санъаткор тошга ҳам завқ, туйғу солур,
Гирдоб бўлиб оламни забтига олур.
Аммо баъзи савъдил иқтидор ахли,
Ғоҳида дутор қилиб асабини чолур.

рашмаганда, қизим мактабдан кетиб
қолиши турган гап эди», деди. Қай-
тишда Жавлон ака мен билан қуюқ
хайрлашиб, «Уйимизга боргин» деб
қўйди.

Унинг таклифи менга ёққан бўлса
ҳам, лекин сабабсиз боришга ийма-
нар эдим. «Энди одамгарчилик қи-
либ айтди-қўйди-да», деб ўйладим.
Зухранинг ўзи: «Сиз дадамга ёқиб
қолибсиз, синфдошингни чақиргин,
дарсни уйда тайёрлай қолинглар,
дедилар», деб қолди. Дадаси ҳам,
аммаси ҳам Зухрага уйни ёлғизлат-
май мактабдан тезроқ қайтгин деб
тайинлашар экан. Бундан кейин Зух-
раларникида дарс тайёрлайдиган
бўлди. Район марказидан четроқ,
дала йўлида, сувоқлари кўчган пахса
деворли пасткам ҳовлига Зухра ке-
тидан кириб бордим. Қарасам, кў-
римсизгина ҳовлининг бир чеккасида
чийдан ясалган товўқхона ёнида бир
хотин ивирсиб юрибди. Бу Зухра-
нинг аммаси бўлса керак. Соцлари
оқарган бўлса-да, серҳаракат бу хо-
тин менга ётсираб қаради, менинг
саломимга димоғида алиқ олди-да,
товўқларга дон соча кетди. Мен ни-
ма қилишимни билмай турардим. У
мендан кимлигимни, қайси маҳалла-
лик, кимнинг боласи эканлигимни

сўраб қолди. Мен дадамнинг номини
айтишим биланоқ, бирданига совуқ
муомаласи йўқолиб, чехраси очил-
ди-да:

— Э, ҳа, мундоқ демаясанми,
укам, ўзимизнинг раис буванинг
ўғиллари экансан-да!— деб дадам
билан аямнинг соғлиғини қайта-қайта
сўрай кетди. (Дадам илгари колхоз-
да раис бўлган. Ҳозир матлубот
кооперациясида ишласа ҳам, кўпчи-
лик уни «Раис бува» дейди). Кейин
амма тўсатдан:

— Вой эсим қурсин, меҳмонни
ўтиришга таклиф қилмасдан... Қани,
жонимни қоқай, айвонга чиқ!— деди
шошилиб. Уйдан кийимини ўзгарти-
риб чиққан Зухрага бир нималар
деб имо қилди. Мен айвон лабига
ўтириб китоб-дафтарларни очаетув-
дим, ошхонага ўтаётган амма:

— Аввал таом, баъдаз калом, де-
ганни эшитганмисан, жонимни қо-
қай!— деб қўйди.

Зухра хонтахтага дастурхон ёзди.
Лип этиб, чой-нон, овқат келтирди.
Унинг қаққон ҳаракатларини кўриб,
эсимга синглим Иқбол келди. «Иқ-
болни бу қизнинг ёнига қўйиб, иш
ўргатиш керак экан. Унга иш буюр-
санг, бир сўзингга ўн сўз қўндиради,
тантиқ!..»

Мен бу кутилмаган меҳмондорчи-
ликдан жуда ўнғайсизландим. Томо-
ғимдан овқат зўрға ўтди. Дастурхон-
ни тезроқ йиға қолсин деб, уйимда
зарур ишим борлигини эслатдим.

— Унақа бўлса бора қолинг, бу-
гун дарсни ўзим тайёрлайман,—
деди Зухра. У самимий гапирган
бўлса-да, мен шундоқ чиқиб кетиш-
ни эп кўрмадим. Бир соатча ўтириб
дарс тайёрлашдим. Кетаётганимда
амма:

— Мана уйимизни кўриб олдинг,
бемалол келавергин, жонимни қо-
қай,— деди. Бу гапни Зухра ҳам маъ-
куллади.

Аммо кўп ўтмай бир гап чиқиб,
мен бу уйдан оёғимни тортиб қол-
дим.

Эртаси ўтиб Зухра негадир икки
кун ўқишга келмади. Учинчи кун
келиб, бошқа партага ўтирди. Танаф-
фусда мен ундан нима бўлганини
суриштирдим. Қиз тортиниб турди-
рди-да, кейин очигига кўчди. Мен
Зухраникига борган кунимнинг эрта-
сига мактабда Гавҳар Зухрани бир
чеккага тортиб: «Тоҳир билан қарин-
дошмисизлар?» деб сўрабди. (Зух-
раларникига борганимни кўрган ё
эшитган шекилли). Зухра «йўқ» деб
жавоб берибди. Шундай бўлса ҳам,

болалар ўртасида: «Тоҳир билан
Зухра қариндош бўлишибди», деган
гап тарқалибди. Баъзи болалар бу
гапни бошқача тушунишибди. Абил
бўлса менга тиржайиб: «Қиздан ҳам
омадинг кепти», деб қўйди. Илҳом
ҳам унга қўшилишиб: «Зухра дўст
бўлсанг арзийдиган қиз», деди. У
тўғри кўнгилда айтиди. Лекин Абил-
нинг сўзида ғайирлик сезилиб турар-
ди. Буни Абил шу кунни бўлган ком-
сомол мажлисида ҳам сездириб қўй-
ди. (Бу мажлисда мени синф ком-
сорги қилиб сайлашди). Комсомол
ишига қатнашмаётган сусткаш бола-
лар танқид қилинганда, Абил улар-
нинг қаторига Зухрани ҳам қўшди.
Тўғри сўз, очиқ кўнгил бўлган Зух-
рада жиззакчилик ҳам бор эди. Кол-
лективга энди қўшилиб келаётганда
бекорчи миш-мишлар тагин шаҳди-
ни қайтариб қўйди. Мен уни юпа-
тишга ҳаракат қилдим. У эса:

— «Қариндош» деган сўзни ўзи-
нгиз айтгандирсиз-да?— деди.

— Ҳеч нарса деганим йўқ, Зух-
ра. Бордию, шундай деганимда ҳам
нимаси ёмон?— дедим мен.

Зухра менинг бу ҳазилимни кў-
таролмади шекилли, шу заҳоти шарт-
та юзини ўгириб кетди. Анчагача
аразлаб юрди...

ЧОЙГА ҚАСИДА



Чой Шарқ мамлакатларида жуда қадимдан, мелоддан аввалги асрларда ҳам маълум эди. Европада у фақат XVI ва XVII асрлардагина истеъмол қилина бошланди. Россияда эса чой бундан уч юз йил муқаддам пайдо бўлди, уни элчилар совға сифатида келтирдилар.

Чой—доимо кўм-кўк тусда яшнаб турадиган кўп йиллик ўсимлик. Чойнинг туси, таъми, ҳиди ўсимлик ёшига ва унга қайта ишлов беришга боғлиқдир. Чой ўсимлиги асосан нам субтропик иқлим районларида—Ҳиндистонда, Шри Ланка оролида, Японияда, бизнинг мамлакатимизда эса Грузияда, Закавказье ва Краснодар ўлкасининг Қора денгиз соҳилларида етиштирилади.

Чой таркибида юз ўттизга яқин кимёвий модда мавжуд. Тадқиқотлардан аён бўлишича, чойнинг 30-50 проценти сувда енгил эрувчи моддалардан иборат. Булар ичда, айниқса, ошловчи моддалар катта аҳамиятга молик. Ошловчи моддалар [катехин, полифенол ва уларнинг ҳосилалари] юксак биологик активлик хусусиятига эга. Масалан, катехин инсон организмидagi энг майда қон таначаларини тартибга солади, томирларнинг табиий хусусиятини сақлайди, кўплаб касалликларнинг олдини олишга кўмаклашади. Узининг активлик хусусияти билан чой катехинлари қон таначаларини маҳкамловчи цитрин, рутин, эскулин ва бошқа барча табиий препаратлардан устун туради.

Чой катехинлари, шунингдек, ҳазм қилиш органлари фаолиятига ҳам самарали таъсир қилади. Чунки улар заҳарли моддаларни зарарсизлантиришга қодирдир. Чойдаги бироз нордон-тахир таъм ана шу катехиннинг ўзгинасиридир.

Бундан ташқари, чой таркибида эфир мойи, оқсил, аминокислоталар, алкалоидлар, кофеин, теобромин ва теофиллин, витаминлар, органик кислоталар, углевод, пигмент, фермент,

минерал моддалар—макроэлементлар ва микроэлементлар бор.

Оқсил моддалари аминокислоталар билан бирга чойнинг 16—25 процентини ташкил этади. Бу ажойиб ичимликда ўн етти хил аминокислота мавжуд. Улар чойнинг таъмини ва ҳидини таъминлайди.

Чой таркибида темир бирикмаларидан ташқари металллардан магний, марганец, калий, кальций, шунингдек кремний, фосфор ва унинг бирикмалари, микроэлементлардан фтор, йод, мис, олтин кабилар мавжуд. Чойнинг тиш учун ҳам фойдали эканлиги аниқланган, яъни у махсус тайёрланган дори-дармондаги миқдорда фтор бирикмаларини организмга етказиб беради.

Р витамини миқдорининг кўплиги жиҳатидан наботот оламида бирор ўсимлик чойга тенг келолмайди. Р витамини С витамини билан бирликда аскорбин кислотасини вужудга келтиради, бу эса, ўз навбатида, организмнинг юқумли касалликларга қаршиликни кучайтиради.

Чойнинг яна бир ноёб хусусиятига кишилар азалдан алоҳида эътибор беришган. Киш соғуғида у танага илқлик, ҳаво иссиқ пайтларида эса, салқинлик бағишлайди. Шунингдек, чой нафас олиш йўллари тозалайди. Бу ажойиб ичимлик тўфайли ўпка ҳавога тўйинади ва кўплаб углекислоталар ажратади. Чой аввал организмни қиздиради, кейин эса баданнинг намини буғлантириб, организмдан эллик марта зиёд иссиқлик ажралишига кўмаклашади. Шунинг учун ҳам заводларнинг иссиқ цехларида газлаштирилган сув, квас ўрнига чой истеъмол қилиш фойдалироқдир.

Тажрибалар шунини кўрсатдики, ёзининг иссиқ кунларида совуқ ичимликлар фақат оғиз бўшлиғидаги ҳароратни камайтиради, иссиқ чой эса, одамнинг бутун баданидаги ҳароратни 1—2 даража камайтиришга қодир. Тўғри, чой истеъмол қилин-

ганидан ўн беш минут кейин ҳарорат яна асли ҳолига қайтади. Шу сабабдан олимлар иссиқ иқлимли ўлкаларда яшовчи кишиларга кам-кам ва тез-тез иссиқ чой ичишни тавсия этадилар.

Чойнинг терлатиш хусусияти кучли бўлганлигидан иситма чиққанда ва организм заҳарланганда ундan муваффақиятли фойдаланилади. Айниқса кўк чойнинг полифеноллари микробларга қарши курашувчандир. Шу нарса аниқланганки, яхна кўк чой иккинчи, айниқса учинчи кун истеъмол қилинса, янги тайёрланган чойга нисбатан микробларни кўплаб қиради. Сувга солиб қайнатилган кўк чой юракбуруғ касаллигини муваффақиятли даволайди.

Муҳими шундаки, чойнинг юқорида қайд этилган барча хусусиятлари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланиб, ягона биологик актив комплексни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам чой таркибидаги бирор моддани алоҳида ажратиб кўрсатиш мушкул.

Чой бир-бирига қарама-қарши хусусиятларни ажойиб тарзда бирлаштирган ичимликдир: у баданнинг ҳароратини мўтадиллаштиради ва чарчоқни босади, кишига бардам руҳ бағишлайди ва айни пайтда уни осойишта кайфиятга чоғлайди, вужудни аввал илтиб, кейин салқинлиги билан ҳузур бахш этади... Назарий жиҳатдан бир-бирини инкор қиладиган бу хусусиятлар яхлит ҳолда чой ҳақиқатан ҳам мўъжизали ичимликдир, деган хулосага келтиради.

Тиббиёт вакиллари чойнинг шифобахш хоссаларини аллақачонлар пайқаб, ўз тажрибаларида ундan фойдаланишга ошиққанлар. Ана шундай айрим «тиббий» тавсиялар билан танишиб қўйиш ҳар бир киши учун фойдадан холи эмас.

Марказий асаб системаси бузилганда, организм заҳарланганда, юрак фаолияти сусайиб,

нафас олиш оғирлашганда илк ёрдам сифатида беморга қуюқ чой ичириш лозим. Офтобдан бадани куйган кишига аччиқ чойдан компресс қилинса, оғриқ ва иситма кесилади. Шамоллаган кўзни чойга ҳўлланган пахта билан артиб даволанади, кўз тубига қон қуйилса, чой хосса-сидан Р витамини препарати ишлатилади. Чой қон томирларини кенгайтириб, қон айланиши жараёнини енгиллаштиради. Лекин шунини ёдда туттиш керакки, юраги хаста ва қон босими кучли беморлар ҳар қандай сууюқликни, жумладан чойни ҳам камроқ истеъмол қилишлари керак.

Қон босимига чалинган кишиларга йилнинг иссиқ кезларида сууюқ кўк чой ичишни маслаҳат берамиз. Чанқоқни босиш учун сувга қараганда у камроқ ичилади. Бунинг учун бир литр қайнаган сувга 1,5 грамм кўк чой солиш kifоя.

Чой составидаги кофеин миқдорини камайтириш учун (қон босими бор кишилар бундан хабардор бўлишлари шарт) оддийгина усул қўлланади: ичимлик тайёрлашдан аввал қуруқ чой илқ сувда енгил-елпи ювиб ташланади, шунда кофеиннинг анча қисми эриб кетади. Сут аралаштирилган чойда ҳам кофеиннинг таъсири юмшайди.

Иссиқ ва қуюқ чой юқори нафас йўллари шамоллаган кишиларга шифо беради. Чойнинг микробларга қарши, шунингдек бутун организмга ижобий таъсири ниҳоятда беқиёс. Биз санат корхоналари ишчиларига смена бошланиши олдида ва кейин бир стакан сувга 2 грамм ҳисобида янги тайёрланган чой беририлишини тавсия қилардик.

Қисқаси, чой кайфиятни кўта-ради, юрак фаолиятини яхшилайди, фикрни туйғунлаштиради, вужудга дармон ва танага ишчанлик бағишлайди.

Р. ХОДАНОВА,
РФСРда хизмат кўрсатган
врач, медицина фанлари
доктори

Тасвирий санъатнинг кўп асрлик бой тарихи шунинг кўрсатадигани, замон талабига жавоб берадиган, замона билан чамбарчас боғланган асарларни халқчил санъаткорлар яратдилар. Ўзбек совет тасвирий санъатининг тарихини П. Беньков, У. Тансиқбоев, И. Икромов, В. Кайдалов, А. Волков, А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Н. Кашина сингари таниқли rassomларсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон rassomларининг биринчи авлодига мансуб бу мўйқалам усталарининг ижоди 30—50-йилларда ривож топиб, бадий камолотга кўтарилган эди.

Раҳим Аҳмедов — ўзбек rassomларининг иккинчи авлодига мансуб ижодкор. Уз ижодини 50-йилларда бошлаган rassom устозларининг бой тажрибаси ва бадий анъаналарини давом эттириб, 60—70-йилларда республика тасвирий санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Эндиликда rassom ўз асарлари орқали фақат Ўзбекистондагина эмас, балки, Иттифоқимизда ҳам кўп миллатли бадий маданиятимизнинг пешқадам вакиллари билан бири сифатида тилга олинади.

Кейинги чорак аср давомида республикамизнинг ранг тасвирида замондошларимизнинг қиёфаси, гўзал ва бой маънавий дунёси, руҳий олами таъсирли ва эсда қоладиган

даражада ифода этувчи портретлардан иборат катта галерея яратилди. Замонамизнинг бадий ифодаси бўлмиш бу галереяни майдонга келтиришда Раҳим Аҳмедовнинг ҳам хизматлари катта. Унинг республикамиз тасвирий санъати олтин хазинасидан муносиб ўрин олган ажойиб асарлари: «Она ўйлари», «Қолхоз звено бошлиғи А. Тоштемиров», «Кекса колхозчи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, қўшнаёчи А. Умрзоқов», «Ўзбек қизи», «Сурхондарёлик аёл», «Қашқадарёлик аёл», «Социализм», «Звено бошлиғи Т. Орипова», «Механизатор», «Туркман қизи», «Меҳнатда ҳам солдатдек» сингари кўплаб портрет асарлари фикримизнинг далили бўла олади. Меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатаётган пахтакорлар, эл-юрт бойлигига бойлик қўшаётган кишиларнинг бадий баркамол образларини тасвирловчи бундай асарлар Раҳим Аҳмедовнинг халқ ҳаёти билан узвий боғланганлигидан, уларнинг фикр-ўйлари ва ички дунёсини чуқур ҳис қилаётганлигидан гувоҳлик беради.

Раҳим Аҳмедовнинг портрет асарларида колхоз қишлоқларида, пахтакор-механизаторларнинг маданий ҳаётида, уларнинг маънавий дунёси ва руҳий оламида рўй бераётган

ўзгаришлар тўлалигича ўз ифодасини топган. Рассом сўнгги йилларда шиддат билан мўйқалам суриб, Фурқат, Ҳамид Олимжон сингари сўз санъаткорларининг, СССР халқ rassomi, СССР Рассомлик академиясининг ҳақиқий аъзоси У. Тансиқбоевнинг, СССР халқ артисти Наби Раҳимовнинг ва бошқа шунга ўхшаш машҳур санъаткор ҳамда маданият арбобларининг бадий баркамол портретларини яратди.

Санъаткорнинг 50-йилларда ишлаган портретларини кейинги йилларда яратган портрет асарлари билан таққослаб кўрсак, улар мисолида ўзбек ранг тасвирида содир бўлган гоёвий-бадий ўзгаришлар, тараққиёт жараёнлари яққол кўзга ташланади. Кейинги асарларда тасвирланган шахснинг ўзига хос характери, фикр-мулоҳазалари ва ички кечинмалари кенг ва чуқур ифодаланганлигини сезиш мумкин.

Раҳим Аҳмедов ўз ижодий йўлини халқ ҳаётининг характерли томонларини бадий таҳлил этувчи полотнолар чизибдан бошлаган эди. Унинг «Халқ ҳофиси», «Биринчи маош» каби асарлари шулар жумласидандир. Рассомнинг кейинги йилларда яратган «Тонг. Аналик» деган асари зўр бадий таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Санъаткорнинг «Кў-

шиқ», «Тонг», «Оқтошда баҳор» сингари асарларида ҳам ҳаёт лавҳалари широна дид билан тасвирланади.

Раҳим Аҳмедов ижодида Ўзбекистон манзараларини тасвирловчи полотнолар муҳим ўринни эгаллайди. Республикамизнинг гўзал табиати, фаслларнинг таровати rassomга илҳом беради. Зеро, табиат манзаралари rassom асарларининг узвий қисмини ташкил этади. Табиат манзаралари rassomнинг бир қатор натюрмортларида ҳам ўз гўзал ифодасини топган.

Раҳим Аҳмедовнинг ранг тасвирдаги юксак маҳорати ҳақида, ютуқлари хусусида кўп ёзиш мумкин. У ўттиз йиллик ижоди давомида юзларча ажойиб асарлар яратди. Ижодкорнинг асарлари Совет Иттифоқининг кўпгина музейларида намоиш этилиб, томошабинларнинг юксак баҳоларига сазовор бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ rassomi, СССР Рассомлик академиясининг муҳбир аъзоси Раҳим Аҳмедов ҳамиша ҳаёт билан ҳамқадам. Шунинг учун ҳам унинг ижоди халқчиллик ва ижтимоийлик касб этиб келаётир.

АБДУЛҲАЙ УМАРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Илми ўғри ҳам ўғирлай олмас.
Илми ажал ҳам олиб кетолмас.
Руқниддин АВҲАДИЙ

Санъат дурдоналари тимсолида халқ ақл-заковати, тафаккур ва истеъдоди, эзгуликка бўлган орзу-интилишлари мужассамланган. Қадимий Самарқанднинг бугун жаҳон аҳли эътиборини тортаётган тарихий-маданий ёдгорликлари ҳам Урта Осиё халқларининг юксак диди ва ажойиб маҳоратининг рамзига айланган.

Маълумки, Темур ҳаёт вақтида авлодлари ва унга яқин сафдошларини Шаҳрисабзга дафн этишган. Кейинчалик Темур ва унинг навкарлари подшолик маркази — Самарқандда жуда кўп ажойиб қурилишларни бунёд этдилар. Улар орасида Гўри амир мақбараси ажралиб туради.

Бу ёдгорлиқни ҳайрат билан кўздан кечираётган сайёҳлар ва бошқа меҳмонларда табиий суратда бир савол туғилади: Нега энди мақбараларда Темур ва унинг авлодлари дафн этилган қабрлар устига марҳумнинг кимлиги, ҳаёт кечирган даври санъаткорона тарзда битилган ҳашаматли мармар тошлар қўйилган-у, буюк астроном олим Мирзо Улуғбек қабри устида шундай ёдгорлик йўқ?..

Бу савол кўплар қатори академик И. П. Павлов номидаги Халқлар дўстлиги орденли Самарқанд давлат медицина институтининг кафедра мудири, биофизик олим, тарихшунос Ҳалим Эргашевни ҳам кўпдан бери қизиқтириб келарди.

УЛУҒБЕКНИНГ ҚАБР ТОШИ

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳалим Ҳамидович тарихий ёдгорликларнинг умрбоқийлик сир-асрорлари, уларда ишлатилган рангларнинг ҳайратомуз хусусиятлари ва бошқа қизиқарли муаммолар устида қарийб йигирма йилдан буён тадқиқот ишлари олиб боради. Бинобарин, унга XV асрнинг бетакрор санъати, темурийлар даврига хос ёзув-чизувлар яхши таниш.

Олим Улуғбекнинг қабр тоши хусусидаги муаммони ечиш учун тарихий манбаларни синчиклаб ўрганди, кекса авлод вакиллари билан суҳбатлашди. Ниҳоят дунёвий билимларни ўзида мужассамлаштирган буюк астрономнинг қабр тоши унинг душманлари, руҳонийлар томонидан йўқотилган бўлиши мумкин, деган хулосага келди. Ана шу тош бирон қабристонда кўздан яширин ётган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳалим Ҳамидович ана шу фикр билан бўш вақтларида шаҳардаги барча қабристонларни кўздан кечириб аҳд қилди. Лекин изланишлар, турли қабрлардаги ёдгорлик тошларини темурийлар даври мармар тошлари билан солиштириш натижа бермади.

Аmmo олим ниятидан қайтмади. Кўнларнинг бирида олимнинг диққатини шаҳарнинг Марғилон кўчасида жойлашган қабристон девори тагидаги дўнглик ўзига жалб этди. Шарос ёмғир қуярди. Дўнгликнинг тупроғи бироз ювилиб, унинг тагидан қандайдир тошнинг қирраси кўриниб турарди. Ҳалим Ҳамидович дарҳол

белкуррак топиб келиб, унинг тупроғини тозалашга киришди. Салобатли мармар тошда фақат подшолик қабр тошларигагина хос тасвир ва араб алифбесига битилган ёзувлар бор эди.

Хўш, у бу ерга қандай келиб қолди? Қабристон назоратчисининг гувоҳлик беришича, тош 1951 йилда бир рус яхудиёси томонидан келтирилган. У бу тошни қайта ишлаб, мазкур қабристонда дафн этилган хотини қабрига ўрнатмоқчи бўлади. Бироқ бу ишга тақлиф этилган сангтарош тошнинг эски ёзуви борлиги учун уни қайта ишлашдан бош тортади. Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай ҳалиги киши бошқа шаҳарга кетиб қолади ва ўша ерда вафот этади. Қимматбаҳо тош эса 30 йил давомида қабристонда қолиб кетади.

Уч йиллик изланишлари самара берганидан беҳад қувонган Ҳ. Эргашев вақт ўтиши билан ёзуви ва безеклари хиралашиб қолган, айрим жойлари ўткир тиг билан атайин қирқиб ташланган тошни ювиб тозалаб, суратга туширди. Ана шундан кейин ноёб топилма — бўйи 198 сантиметр, эни 33 сантиметро ва баландлиги ярим метрдан зиёдроқ ёдгорлик тоши Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Шарқ тиллари кафедрасининг катта ўқитувчилари Ҳусейн Ҳоди Далилий ва Тўрабек Искандарийларга кўрсатилди. Улар зўр қизиқиш билан мармар тошдаги ёзувларни лупа ёрдамида ўқишга муяссар бўлдилар.

Жумладан, унда «Буюк амир», «Улуғ...», «Худонинг азизи... «Султон» сингари ёзувлар ҳамда қуръондан келтирилган оятлар битилган. Тошдаги ёзувлар темурийлар қабрларидаги ёдгорликлар билан солиштирилди ва мазкур дастхат ўша давр ёзувлари эканлиги аниқланди.

Шундан сўнг Сиеб район партия комитети ва Ўзбекистон ССР Тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти ноёб топилмани Гўри амир мақбарасига келтиришни лозим топди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, моҳир сангтарош ва Гўри амир мақбарасини таъмир қилишда иштирок этган таниқли ҳайкалтарош Аҳмаджон Шоймуродовнинг фикрича, мазкур тош мақбаранинг биринчи қаватида Улуғбек қабри устига ўрнатилган ёдгорлик тошидан бўлиб, қадимий Фозгон мармаридир.

Афсуски, шундан буён орадан анча вақт ўтишига қарамай, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институти олимлари бу масала билан жиддий шуғулланмаптилар. Қимматбаҳо ёдгорлик тарихий ўрганиш эса муҳим аҳамиятга эгадир. Уйлаймизки, республикамизнинг нуфузли мутахассислари бу масала билан астойдил қизиқиб, улуғ мунажжимнинг қабр тоши ҳақида тўлароқ маълумот тўплайдилар.

Аҳмаджон МУХТОРОВ,
Эркин АЗАМАТОВ

Бугун биз тўла ҳуқуқ билан айта оламизки, бизнинг маданиятимиз ўзининг мазмуни, ўз ривожининг асосий йўналиши жиҳатидан социалистик, ўзининг миллий шакллари жиҳатидан хилма-хил ҳамда ўзининг руҳи ва

характери жиҳатидан интернационалистик маданиятдир. Шундай қилиб совет маданияти барча халқлар вужудга келтираётган маънавий бойликларнинг узвий бирикмасидан иборатдир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ПАФОСИ

КУП МИЛЛАТЛИ совет адабиётининг, унинг таркибий бир қисми бўлмиш ўзбек совет адабиётининг шухрати тобора кенг ёйилмоқда. Ўзбекистон адаблари яратган ғоявий-бадий етук асарлардан Бутуниттифоқ китобхонлари ва томошабинлари, ҳатто мамлакатимиз ташқарисидаги прогрессив кишилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Ўзбек романлари аллақачон Европа ва Осиё китобхонларини мафтун этиб улгурди. Эндиликда жаҳон шеър шинавандалари ўнлаб ўзбек шоирларини танийдилар. Ўзбек драматургияси, опера ва балет санъати ҳам кўпчилик эътиборини тарта бошлади. Бу ерда Ҳамзанин пьесаларини, Яшин, Саид Аҳмадининг асарларини ва айниқса Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асосида яратилган «Ҳинд достони» балетини айтиб ўтиш мумкин. Яъни ўзбек адабиётининг мафтункор қудрати ошиб бормоқда, унинг интернационал пафоси тобора чуқурлашмоқда. Бу эса табиий ҳолдир.

Дарҳақиқат, интернационализм туйғуси совет ёзувчисининг руҳига сингди, унинг эътиқодига айланди. Доҳиймиз В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Миллий масалалар юзасидан тезислар» асарида маданиятни «социализм батамом интернационаллаштиради», деб таъкидлаган эди. Шонли партияимиз улуғ Ленин ғояларини оғишмай амалга ошириб келмоқда. КПСС Программасидаги «Пролетар интернационализи ва социалистик ватанпарварликни ривожлантириш» деган махсус пунктда совет кишиларини пролетар интернационализи руҳида тинмай тарбиялаб бориш партиянинг бош вазифаларидан бири сифатида таъкидланади. Уртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида Ҳисобот докладыдаги ушбу сўзлари эса партияимиз, улуғ Лениннинг миллий масала, миллий ва интернационал маданият тўғрисидаги таълимотини тўла-тўқис рўёбга чиқараётганлигини яна бир бор тасдиқлайди:

«Ҳар бир республиканинг жадал иқтисодий ва социал тараққиёти уларнинг ҳар томонлама яқинлашув жараёнини тезлаштираётганини ҳаёт кўрсатиб турибди. Миллий маданиятлар равақ топиб ва бир-бирини бойитиб бормоқда. Янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет

халқнинг маданияти шаклланиб бормоқда...»

Демак, адабиёт, шу жумладан, ўзбек адабиёти интернационал пафосининг чуқурлашуви жуда кўп омилларга боғлиқ. Булардан бири — ҳар қайси адабиётнинг ўз миллий маданияти, классик адабиёти, халқ оғзаки ижодидан қанчалик чуқур баҳра олишига ва айни чоқда бошқа қардош халқлар адабиётидан, энг аввало улуғ рус адабиётидан, жаҳон таракқийпарвар адабиётидан ижодий ўрганишига боғлиқ. Адабиётларнинг ўзаро муносабатлари, яқинлашувлари, бир томондан, уларнинг шакллари, жанрларини, тасвирий воситаларини бойитса, иккинчи томондан, уларнинг мазмуни, руҳи, моҳияти, мақсад-идеали, ғояси, интернационал пафосини чуқурлаштиради. Ўз миллий қобилигида ўралишиб қолмай, бошқа қардош адабиётлардан, биринчи навбатда рус адабиётидан тўйиб баҳра олган адабиётнинг, ёзувчининг парвози юксак бўлаверади. «Ҳар қандай миллий маданият ўзига биқиниб олса, муқаррар равишда ютқазди, бундай маданият умуминсоний фазилатлардан маҳрум бўлади, — деб уқтиради ўртоқ Л. И. Брежнев «Кўриқ» асарида. — Афсуски, ҳамма ҳам ҳақиқат бунини тушунавермайди. Социализм аллақачон бу нарсани исботлаб берган: миллий республиканинг ҳар бири нечоғлик интенсив камол топса, интернационаллашиш жараёни шу қадар яққол намоён бўлади».

Бунда айниқса адабий алоқалар ривожининг, қардош халқлар адабиёти ва жаҳон классикасидан қилинган таржималарнинг аҳамияти ҳам жуда катта. Таржима асарлари бошқа халқларнинг ҳаёти, руҳи, мақсад-идеалларини билишга кўмаклашади, яъни муштарак туйғулар, умуминсоний фикр-ғоялардан баҳраманд қилади. Миллий адабиётлар ютуғини Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида ёйишда, айни чоқда дунё адабиёти дурдоналари билан ҳар бир миллатни ошно қилишда улуғ рус тили маънавий кўприк вазифасини ўтамоқда. Атоқли совет адиби Шароф Рашидов «Дўстлик ва қардошлик тили»

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,

Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати,
профессор

китобида миллий адабиётлар рус тилига таржима қилиниши орқали ўзининг иккинчи ҳаётини бошлашини ва бутун СССР халқларининг мулкига айланаётганлигини уқтиради. У ўзбек шеърини, прозаси, драматургияси, балет ва кино санъатининг барқ уриб ўсишида улуғ рус адабиёти ва санъати беқиёс катта роль ўйнагани ҳақида сўзлар экан: «Биз улуғ ва қудратли рус тили тўғрисида алоҳида миннатдорлик туйғуси билан гапирамиз, — деб таъкидлайди. — Бу тил бизга рус халқининг, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг буюк маънавий бойликларидан баҳраманд бўлиб, жаҳон маданиятининг энг яхши, илғор хазиналарини ўзлаштириш ва ўз навбатида уларни республикамизнинг энг истеъдодли санъаткорлари яратган асарлари билан таништириш имконини берди».

Ўзбек совет адабиётининг интернационал пафосини чуқурлаштираётган яна бир муҳим, тўғрироғи, бош омил адибларимиз томонидан халқимиз босиб ўтган катта революцион йўлнинг, мамлакатимизда ривожланган социалистик жамиятни қуриш ишида эришган улғувор ғалабаларнинг ва шу жараёнда замондошларимиз онги, психологияси, руҳи, характерида юз берган ўзгаришларнинг чуқур ва ҳаққоний акс эттирилаётганидир. Ўзбек ёзувчилари тарихий, тарихий-революцион, мамлакатимизда янги ҳаёт қурилиши, Улуғ Ватан уруши ва ҳозирги замоннинг муҳим мавзуларида қалам тебратмоқдалар, жамият ривожини, халқнинг тарихдаги роли, шахс тақдири, озодлик, тараққиёт, социализм ва тинчлик масалаларини бадий талқин қилмоқдалар, яъни улар ижодий мазмунини интернационал пафос, умуминсонийлик руҳи ташкил этмоқда. Тарихий ва тарихий-революцион темадаги «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Меъмор», «Мангулик», «Инкилоб тонги», «Уфқ», «Наврўз», «Ҳазрати инсон» ёки ҳозирги замон мавзусидаги «Бўрондан кучли», «Чучук мо», «Диёнат», «Нур борки, соя бор», «Кўрмайин босдим тиконни», «Сариқ девни миниб», «Субҳидам» каби ўнлаб асарларда кўтарилган

масала ва олға сурилган ғоялар, ифодаланган туйғулар қардош халқлар, қардош миллатларни ҳам қизиқтиради, уларга маънавий озуқа беради. Қайси асарда тарихнинг, ҳаётнинг бош масаласи чуқур ва ҳаққоний таҳлил қилинса, инсониятнинг улғувор ва эзгу ниялари теран ифодаланса; унинг ўз идеаллари йўлида собит қадам билан олиб бораётган кураши, жанговар меҳнати меҳрмуҳаббат билан тасвирланса, айниқса халқнинг зулмга, адолатсизликка, тенгсизликка, умуман, ёмонликни емиришга қаратилган кураши, интилиши реалистик тарзда акс эттирилса, бундай асарнинг интернационал пафоси ғоят кучли бўлади.

Социалистик интернационализм, ягона оила туйғуси барча асарларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунинг заминда конкрет тарихий факт, ҳаётий воқелик — социалистик турмуш тарзи мавжуд. Ўзбекистон ҳам бошқа қардош республикалар каби кўп миллатлидир. Унда юздан ортиқ миллат қўлни-қўлга бериб ишламоқда, яшамоқда. Шундай ташкилотлар борки, уларда эллиқдан ортиқ миллат вакили меҳнат қилмоқда. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладыда бу масалага алоҳида эътибор берди:

«Совет республикалари аҳолисининг состави кўп миллатлидир, — деди Леонид Ильич. — Шунинг учун, табиийки, ҳамма миллатлар бу республикаларнинг партия ва давлат органларида тегишли ваколатга эга бўлишга ҳақлидирлар. Ўз-ўзидан равшанки, бунда ҳар бир кишининг ишчанлик ва ғоявий-маънавий фазилатлари қатъий ҳисобга олиниши керак».

Сўнги йилларда бир қанча республикаларда туб миллатдан бошқа миллат гражданининг сони анча кўпайди. Тил, маданият ва турмуш соҳасида уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари бор».

Бу сўзларнинг адабиёт учун, ёзувчилар учун ҳам аҳамияти катта. Асарларимиз қаҳрамонларининг кўп



латли бўлишини ҳаётнинг, воқеанинг ўзи тақозо қилмоқда. Қаҳдон конкрет бир муҳитда, одам орасида ашайди ва ҳаракатлади. Ўзбек ёзувчилари воқелигидаги бу илғор тенденцияни илғаб, турли миллат вакиллари образини чизишга интилоқдалар. Бунда шунинг самараларга ҳам эришилмоқда.

Шоаҳмад Шоаҳмадудов ва унинг фикриси Баҳри Акрамова турли латга мансуб 16 болани ўз кучи олиб, тарбияладилар. Бу оилабағишланган «Ҳазрати инсон» асадаги қаҳрамонларнинг кўп миллатли бўлиши шунинг учун ҳам бий эди. Ёзувчи турли миллатга инсуб болаларнинг руҳий олами ва ихологиясини равшан чишиб бераган, ўзбек ота-онаси образлари қали совет кишиларига хос юксак сонпарварлик, меҳр-муҳаббат туйсини ифодалаган. Революцияга фишланган «Инқилоб тонги»да рли миллат вакиллари образининг лишини ҳаёт мантиқининг ўзи қозо қилади. Лекин шунини айтиш раққи, бизда қардош миллат вакиллари образлари ҳар доим ҳам ятвий, ёрқин ва жозибали чиқаверайди. Бир-бирига икки томчи сувек ўхшаш, схематик образлар жуда ўп. Албатта, қардош миллат вакили образини яратиб ниҳоятда қийин. Ўз элқининг тўлақонли, мукамал, ёрқин образини яратиб олган ёзувчи еч қачон бошқа бир халқ вакилининг характерини гавдалантира олаайди. Катта талантгина бу борада утилган натижага эришиши мумкин. Ўп миллатли ҳаётимизни, турмуш арзимизни акс эттириш масаласи еализмининг чуқурлигига эришиш еасаласи демакдир.

Рус кишилари ва бошқа миллат акиллари образларини яратишда ўнги даврларда олдинга силжишининг руй беришида куйидаги муҳим миллининг аҳамияти бор. Уртоқ Л. И. Брежнев совет мамлакатиданги тарихий бирлик — совет халқи ужудга келганлигини таъкидларкан, «ўтган олтимиш йилнинг энг луҳим якуни, у ҳам бўлса — совет ўшисидир... У ўзи оташин ватантарвар бўлиши билан бирга изчил интернационалист ҳам бўлди ва ҳаишиа шундай бўли қолади», деди. Бу ўринда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг ушбу сўзларини ҳам келтириш фоят ўринли бўлур эди:

«Янги ижтимоий муносабатлар, совет кишиларининг ижтимоий, иқтисодий турмуш шароитлари, мақсад ва манфаатларининг бирлиги, уларнинг маънавий қиёфасидаги янги ва умумий хислатларни вужудга келтирди. Ватанга чеқсиз муҳаббат, халқлар ўртасидаги самимий дўстлик, коммунизм тантанасига зўр ишонч, машаққатларни енгитишдаги сабот-матонат, жонажон Коммунистик партия атрофига тобора муштақкам жипслашиш — буларнинг ҳаммаси янги давр кишиларининг олижаноб фазилатидир. Совет кишиларига хос маънавий-сиёсий хислатлар, айниқса, Ватан уруши йилларида ёрқин намоён бўлди. Социалистик Ватан билан фахрланиш туйғулари, ҳаётбахш ватанпарварлик ва изчил интернационализм барча социалистик миллатлар маънавий қиёфасини белгилаб турибди».

Мана шу омил бошқа миллат вакили образини гавдалантиришда бир мунча қулайликлар туғдиради. Лекин бу деган сўз бошқа миллатнинг ўзига хос тарихи, маданияти, урф-одати, психологияси, характери, нарсаларни тушуниш ва тушунириш тарзи, оламни идрок этиш ва бадий тафаккурдаги нозик ўзига хос жиҳатларни эътиборга олмай туриб, унинг ҳаётбахш образини яратиш мумкин, дегани эмас. Зотан, бизнинг роман ва драмаларимизда схематик образлар-

нинг — исминини ўзгартириб қўйса ҳам бўлаверадиган «муаллақ» образларнинг тугилиши ҳам юқоридаги ҳолатларга эътибор бермасликнинг оқибатидир.

Ўзбек ёзувчилари учун, айтилик, рус кишининг ҳаётий образларини гавдалантиришда жуда кўп имконият бор: бой рус классик ва совет адабиётини ўқиш, бу асарларни таржима қилиш, адабий учрашувлар, декадалар, шахсий алоқалар ва айниқса республикамиздаги ҳамма соҳаларда улар билан ёнма-ён меҳнат қилиш, яшаш бу халқ характерини ўрганишга ёрдам беради.

«Ўзбек санъаткорлари ижодиди,— деб ўқтиради ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— Россия, рус халқи мавзунини Ленин партияси мавзунини билан, социалистик интернационализм ғоялари билан, коммунистик қурилишнинг кенг истиқболли билан маҳкам бирлашиб кетган. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки Ленин партиясининг ишлари ва улғувор режалари тўғрисидаги фикр бизнинг онгимизда улғур рус халқининг революцион, бунёдкорлик фаолияти билан чамбарчас боғланган».

Чиндан ҳам, ўзбек адабиётида интернационал пафоснинг чуқурлашуви Ленин ва коммунистлар образини яратишда эришилаётган ютуқлар билан узвий боғлиқ. Ҳозир бу муқаддас мавзуларнинг янги қирраларини очибга интилиш, айниқса, кучли сезилмоқда. Ўзбек совет поэзиясида Ленин образини яратишда маълум ютуқлар ва традицияларни қўлга киритдик. Ёш ижодкорларимиз ҳам устозлари изидан бориб, бу мавзуга ўзларича — мустақил ёндашиб, янги сўз айтишга эришмоқдалар. Масаланинг муҳим томони шундаки, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришининг авж олиши, дунёда озодлик, революцион курашнинг кучайиши, социализм йўлига ўтаётган мамлакатларнинг кўпайиб бориши марксизм-ленинизм ғояларининг нақадар ҳаётий ва қудратли эканлигидан яна бир қарра далолат бермоқда. Шунинг учун Ленин образини республикамиз ёки Иттифоқимиз миқёсида эмас, балки жаҳон халқлари тақдири нуқтаи назаридан талқин қилиш руҳи кучаймоқда. Ўзбек сўз санъаткорлари доҳийнинг лирик образини чизишдан эпик образини гавдалантиришга ўтдилар. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятини Урта Осиё, жумладан, ўзбек халқи тақдири билан чамбарчас ҳолда тасвирлаш айни мудоао. Ленин ва ўзбек халқи тақдири масаласини конкрет тарихий шароит, замонга уйғун тарзда бадий талқин қилган ўзбек ёзувчилари тарихийлик принцигига содиқ бўлиб қолмоқдалар. Чунончи, «Йўлчи юлдуз» пьесасида Ленин ўзбек делегатлари билан учрашгандагина сахнада кўринади, лекин асарнинг бутун руҳида Ленин руҳи ҳокимлик қилади. Бу тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Миртемирнинг Ленин ҳақидаги воқеий шеърларида тарихий фактларга суянилади. Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» достони қаҳрамонлари Ильични кино ёрдамида ўз ораларида кўрган эдилар. Миртемир «Ленин ва Ражаб боб» поэмасида хат воситасидан фойдаланган эди.

Ёзувчиларимиз Ленин мавзунини билвосита ҳам мурожаат қилмоқдалар: Ленин сафдошлари ва революционерлар образини адабиётга дадил олиб кириш йўли билан ҳам Ленин даҳосининг кўп томонларини кўрсатмоқдалар. Уртоқ Л. И. Брежнев 1973 йил 24 сентябрда Тошкентда Санъат саройида республикамизга Халқлар дўстлиги ордени тошпирилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида «Совет ҳокимияти учун биринчи бўлиб курашганлар», бу ерда «социалистик ўзгаришларни бошлаб берганлар, Ленин партияси тарбиялаб етиштирган кишилар» сифатида А. Икромов, Ф. Хўжаев,

И. Эҳунбобоев, Н. Тўрақуллов, К. Отабобоев ва Урта Осиёда улар билан бир сафда туриб курашган М. В. Фрунзе, Г. К. Оржоникидзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, И. М. Варежикс каби ажойиб коммунистлар номини хурмат билан тилга олди. «Улар ўз ерида янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтиришга, социализмни барқарор қилишга астойдил ва зўр ғайрат билан интилаётган халқ оммасига бошчилик қилдилар», деди Л. И. Брежнев. Адабиётимизда, айниқса, драматургия ва романчилигимизда ана шундай улғур шахслар образини яратиш соҳасида маълум изланишлар ва ютуқлар қўлга киритилди. Бу хайрли иш — муҳим мавзу, ўйлаймики, ҳали янада чуқур ва кенг бадий таҳлил этилади.

Ҳозирги адабиётимиз Улғур Ватан урушидан аввал ва шу шиддатли жанг йиллари қилиб улғурмаган муқаддас ишни — коммунистларнинг халқни социализмга олиб киришдаги ва инсониятни фашизм зулмидан озод қилишдаги мислсиз жасоратини, буюк ташкилотчилигини кўрсатишга жиддий диққат қила бошлади. Бу борада кўп миллатли адабиётимиз ютуғи бўлиб қолган етук романлар, пьесалар, поэмалар майдонга келди. Тўғри, ҳали тарихий-революцион тема талқинида воқеликнинг кашф этилмаган қирралари жуда кўп. Унинг устига, баъзи асарларимизда китобийлик, схематизм ва тақдор иллати йўқ эмас. Улғур Ватан уруши даврида, айниқса жанг майдонларида ўзбек коммунистларининг катта ташкилотчилик ролини ёритувчи асарлар оз. Айни пайтда жангчиларимиз ёки мамлакат ичкарисидаги кишиларимизнинг ахлоқий, руҳий дунёсини, психологиясини чуқур текшириш, улар тақдирининг ҳаққоний таҳлили орқали уруш даврининг фожиалари ва совет кишининг букилмас иродаси, юксак онглиги, чеқсиз ватанпарварлиги ва интернационалчилигини ифодалаш ўрнига жанг тафсилотларини, воқеликнинг сиртини тасвирлашга уриниш сезилди.

Халқимизнинг ҳозирги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарларда коммунистларнинг жозибали образларини яратиш, улардаги бош фазилат — пролетар интернационализи ва социалистик ватанпарварлик туйғуларини ифодалашга чуқур диққат қилинмоқда. Коммунист образининг асарларимизда тобора салмоқли ўринни эгаллаб бораётганлиги бу образнинг асарда бош қаҳрамон қилиб олиниши ва асарнинг бошидан охиригача иштирок қилиши билан белгиланмайди. Ёзувчининг ғоявий нияти ва асар материалига қараб, бу образ бош қаҳрамон бўлиши ҳам, асарнинг бошидан охиригача иштирок этиши ёки эпизодик образ бўлиши ҳам мумкин. Муҳими, асарда иштирок этган коммунист образи асарнинг ўқ томирларидан бири, устунларидан бири бўлмоқда, унинг иштироки воқеанинг ривожига, конфликтнинг тақдирига таъсир қилмоқда, ёзувчи ниятини, идеалларини ифодаламоқда. «Бўрондан кучли»да бир эмас, бир неча коммунист, коммунистлар коллективи бор, улар ҳаётий ва жозибали. Улар гоҳ шахсий турмуш кучоғида, гоҳ меҳнат майдонида, гоҳ кескин тўқнашувда, гоҳ мажлисда, қисқаси, ҳар хил ҳолатда, ҳар томонлама очилади. Ана шу кўп қиррали ёндоқиш уларнинг тўлақонли образларини гавдалантиришга хизмат этади.

Ўзбек адабиётининг интернационал пафосининг ўткирлашиб бориши ўзбек ёзувчиларининг қардош халқлар ҳаёти ва айниқса чет эл халқлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарларида айниқса яққол кўзга ташланади. Тўғри, қардошлар ҳақидаги асарларимизнинг аксарияти шеърӣй. Буларнинг кўпчилиги декадалар, ҳар хил учрашув, сафарлар натижасида

майдонга келмоқда. Бундай шеърларнинг моҳияти ягона оила туйғусини ифодалашдан иборат.

Ўзбек адабиётида халқаро тема тобора чуқурроқ ишлана бошланди. Бу борадаги самарали изланишлар ҳамма жанрларда мавжуд. Сабаби: кўпгина ёзувчиларимиз ҳар хил баҳоналар билан дунёнинг турли жойларида бўлишиб, жаҳон халқлари ҳаёти ва тақдири, уларнинг фикри-зиқри, ниятлари билан яқиндан танишиб келмоқдалар. Ғафур Ғуллом, Зулфия шеърлари, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари, Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб» пьесаси, Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» романи, Мирмуҳсиннинг «Араб ҳикоялари», «Чодрали аёл» повести, Иброҳим Раҳим ва Ҳаким Назир, Александр Удалов, Зоя Туманова прозаси, Воҳид Зоҳидовнинг «Шарқни шарафлаб...», «Бемор Америка жароҳатлари» каби публицистик асарлари, Лазиз Қаюмовнинг «Меридианлардаги учрашулар» китоби ва бошқа ёзувчилар асарлари ўзбек адабиёти нигоҳининг узоқ-узоқларга етиб борганини, дунёдаги сиёсий, ижтимоий воқеаларни, дунё халқлари тақдирини, тарих ҳаракатини таҳлил этиб, тинчлик, тараққиёт, озодлик, адолат ва коммунизм ғояларини тарғиб этаётганларини кўрсатади. Ёзувчиларимиз жаҳон халқлари тақдиридаги илғор тенденцияларни — мустақиллик ва озодлик учун курашни, меҳнаткашларнинг бирлашувини, империализмнинг ўлим олдидаги талвасасини, айниқса социализм ғоясининг кенг тарқалиши, Осиё ва Африка, Латин Америкаси халқларининг уйғониши, ҳоким синф билан маҳкум синф ўртасидаги зиддиятнинг фоят кескинлашувини, совет мамлақати обрўйининг тобора ошиб бораётганини акс эттиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу майдонда ўзбек ёзувчилари учун масала, вазифа жуда кўп. Ана шу курашаётган халқларга етиб борадиган ва уларга кўмак берадиган ғоявий-бадий етук полотнолар яратишимиз керак. Империализм билан социализм ўртасидаги ғоявий кураш авж олган ҳозирги пайтда халқни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализи руҳида тарбиялашга қодир янги асарлар жуда зарур. Айниқса социалистик давлатлар ҳамкорлиги ва бирлиги мавзунини ўз бадий тақдиротчиларини кутмоқда. Қардош социалистик давлатларни, умуман жаҳонда социализм ва коммунизм ғояларини ҳимоя қилиш ҳар бир совет кишининг қонуний бурчи эканлиги ғоясини кенг тарғиб қилишимиз керак.

Бизнинг ватанпарварлик, коммунистик ғоялар — идеалларга садоқат, фидойилик руҳидаги асарларимиз, социалистик меҳнатни улғурловчи китобларимиз халқимизни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализи руҳида тарбиялашга фаол иштирок этадиган асарлардир. Шунинг учун ҳам СССР ёзувчилари VII съезди Резолюциясида диққатни ана шу масалага қаратилиб, бундай дейилган:

«Ўз моҳият эътибори билан ватанпарвар ва интернационалист бўлиши яхлит кўпмиллатли совет адабиётимиз меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва социалистик ватанга садоқат руҳида тарбиялаш вазифаларига муттасил хизмат қилиб келмоқда, ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказишга, маънавий маданиятнинг ҳақиқий бойлигини яратишга катта ҳисса қўшмоқда. Совет ёзувчилари турмушга тағин ҳам активроқ кириб бориши, коммунизм бинокори бўлиши замондошимизнинг маънавий дунёсини тасвирлашни, замонамизнинг етакчи қонуниятлари ва тенденцияларини болшевикча эҳтирос билан чуқур бадий идрок этишни ўз вазифалари, ўз бурчлари деб биладилар».



Сирбой МАВЛЕНОВ,
Абай номидаги Қозоғистон ССР
Давлат мукофоти лауреати

БУХОРО НАҚШЛАРИ

ШУ НОМЛИ ТУРКУМДАН

Ибн Сино

Туни билан шам ёндириб, ўзи ёниб,
Китоб ёзди, фароғатдан буткул тониб.
Туриб кичик ҳовлисидан Афшонанинг,
Дунё билан сўзлашди у қониб-қониб.

Сирин гиёҳ очди, у тил билганидан,
Ари сеҳрин топди, фидо бўлганидан.
Қанча-қанча беморларни тортиб олди
Ажал номли аждаҳонинг чангалидан.

Билганлари бўлаверди қат-қат китоб,
Ҳам Мағрибда, ҳам Машриқда эди офтоб.
Шу боисдан халқи уни бошга қўйди,
Олимларнинг алломаси дея атаб.

Касалликка шифо билди илон захрин,
Тўқис кўрмек орзулади ҳаёт маҳрин,
Самодаги сайёралар сирин уқиб,
У шеърларга тўқди яна юрак меҳрин.

Билаклари — гўзалларнинг билагидай,
Юраги-чи — арслоннинг юрагидай.
Нигоҳлари бургутники мисол ўткир,
Умри эса минг умрлар тилагидай.

Шижоати жўшар эди дарё бўлиб,
Бухородан сочилди у зиё бўлиб.
Олтинларга, қумушларга қайрилмади,
Савдогардай боқмади у, риё билиб.

У кўрсатди сарф этмакни қалам кучин
Пул учунмас, дардлиларга дармон учун.
Инсон деган буюкликнинг ғамин еди,
Унда ҳаёт жумбоғию унда ечим.

У барҳаёт осмон тўла юлдузларда,
Чироқ ёққан тунда, нурли кундузларда.
Халқи учун фидоликнинг умри боқий.
Боқийлигин гувоҳлари — сиз, бизлар-да.

* * *

Улғайди, бўлди қайин
Экиб қўйганинг ниҳол.
Ел чалар чорлов найин,
Сендан дарак йўқ, алҳол

Ётарсанми ул қайин —
Тагида энди танҳо?!
Қуш тилида тинмайин
Сўзлаётган сенми ё?!

Рангинг эди оқ қайин,
Оқ ёмғирдай тилагинг.
Айландими япроққа
Гурс-гурс урган юрагинг

* * *

Олтин дерлар. Олтин сариқ бўлади,
Кўзга яқин, асли ёвуқ бўлади.
Қай кимлар бор олтин каби ялтироқ,
Олтин каби қалби совуқ бўлади.

Силлик сиртга уйғун бўлса силлик сўз,
Ҳурматига қилардингиз қуллуқ сиз.
Ҳар кимдан ҳам кутманг лутфу тавозе,
Совуқ қалбдан қандай чиқсин илиқ сўз?!

Ғунчаларнинг яшнаб кетар кезлари бор,
Тароватни улар зимдан бутлагайлар.
Шоирларнинг ёниб айтар сўзлари бор,
Беҳудага улар қалам тутмағайлар.

Шивир-шивир қилаётган бўлса япроқ,
Беҳуда деб ўйламангиз: дил рози бор.
Юлдузларда парпираса шуъла титроқ,
Бир-бирига интиқлиги, эъзози бор.

Шарофат

Эй ўзбекнинг гўзал қизи Шарофат,
Шахло кўзинг қорачиғи — қорақат¹.
Киприкларинг найза мисол қадалиб,
Бу жонимга тўлдирди-ку жароҳат.

Тандир дейми Бухоронинг туш чоғин,
Лаққа чўғдир боссангиз гар тупроғин.
Мен ўзимни шунда Фарҳод санадим,
Учратиб сен Ширин мисол чароғин.

Уфқ ошиб келмоқда тонг — келажак,
Кўнглим кўзи фақат сени кўражак.
Бир кундаёқ бўлиб қолдим мен йигит,
Болалиқдан олиб чиққач сен чечак.

Янгам мени гўдак дерди ҳар соат,
Йигитликни топиб олдим ниҳоят.
Мурғак ўйдан уйғотган сен ўзингсан,
Ширин жоним, қора кўзим Шарофат.

Гулчехра НУРУЛЛАЕВА
таржималари

* * *

Яланг оёқ тупроқларни босаман.
Яланг оёқ япроқларни босаман,
Яланг оёқ келдим ахир дунёга,
Яланг оёқ нега сайр қилмай ман.

Япроқлардан оёқларим олар дам,
Тупроқлардан оёқларим олар дам.
Бамисоли тўғма бўлиб онадан
Яшараман қўйсам ерга гар қадам.

¹ Қорақат — меваси қоп-қора дарахт.

Эргаш МУҲАММАД таржимаси


Шу йил август ойида Вьетнам Коммунист партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ринглиз ва француз тилларида чиқадиган «Новоти Вьетнама» журналининг бош редактори Хоан Нгуэн Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Вьетнамлик меҳмон ўз ташрифининг дастлабки кунини, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентда филиалини зўр қизиқиш билан томоша қилди. Шунингдек, республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди. Вьетнамлик журналист Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлар кўргазмасида бўлганида Эсдалиқлар дафтари республикамизнинг ҳозирги тараққиёти ҳақида жуда яхши таассурот олганлигини алоҳида таъкидлаб ёзди.

Ўртоқ Хоанг Нгуэн шарафига «Гулистон» журналининг бош редактори Мирмуҳсин Ўзбекистон республикаси меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида зўр буюм ёдкорлик ишларини амалга ошираётганлар хусусида, саноат ишчилари, қурувчилар ва колхозчи-деҳқонлар меҳнатини улуғлашда журналдаги мақола ва бажараётган олижаноб ишлар ҳақида гапириб берди. Хоанг Нгуэн ҳам ўз навбатида вьетнам халқининг янги жамият қуришдаги муваффақиятларидан, Шарқи-Жанубий Осиё халқларининг тинчлигига бот-бот таҳдид солаётган Хитой гегемонистлари ҳужумига мардонавоқ зарба бериб, социалистик республика хўжалигини ривожлантираётганликларидан гапирди. «Мен ўзбек халқининг ҳозирги фаровон ҳаётини кўриб, — деди вьетнамлик меҳмон, — ўз халқимнинг келажакига яна бир қарра тўла-тўқис ишондим. Фақат социалистик жамиятдагина шундай тараққиётга, иқтисодий мўл-кўлчиликка эришиш мумкин».

Ўзбек деҳқонларининг ҳозирги аҳволи, колхоз ва совхозларимиздаги ишлаб чиқариш тараққиёти вьетнамлик меҳмонни гоёт қизиқтирди. Хоанг Нгуэн шу эзгу ниятда Тошкент область Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг ишлари билан танишди. Маълумки, мазкур колхоз бир неча йиллардан бери «Гулистон» журнали редакцияси билан оталиқ алоқалари олиб боради. «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин Ҳайдаров вьетнамлик меҳмонни барча тармоқларда мўл ҳосил етиштираётган колхозчи деҳқонлар номидан қизгин табриклади. Вьетнам журналисти колхознинг ва колхозчиларнинг аҳволи билан танишиб чиққач, ўзбек деҳқонларининг хўжалигини юртишдаги маҳорат ва тажрибаларидан гоёт мамнун эканлигини изҳор этди.

Вьетнамлик меҳмон Самарқандда ҳам бўлди. У қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳардаги тарихий обидаларни томоша қилди, шунингдек, Ургут районидаги Ильич номли, Крупская номли колхозларга ташриф буюрди, шу райондаги «Золотинка» пионерлар лагеридан бахтиёр совет болалари билан учрашди. Хоанг Нгуэн Ўзбекистон республикаси ҳақида олам-олам таассуротлар билан қайтаётганлигини, ўз юртига қайтгач, бу таассуротларни вьетнам халқи билан баҳам қуришини изҳор этди.

Хоанг Нгуэннинг республикамизга қилган ташрифидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори Шароф Убайдуллаев, «Новое время» журналининг редколлегия аъзоси Альберт Пинь ҳамроҳ бўлдилар.



ДУСТ ЭҲТИРОМИ

Ҳамид Олимжон билан Уйғун — бу икки забардаст шоир ўртасидаги самимий дўстлик ва ижодий ҳамкорлик адабиётимиз тараққийсига анча хизмат қилди. Зеро, бу санъаткорларнинг бир-бирлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, хотиралари, очерклари, илмий мақолалари ва қайдлари адабиётшунослик фанининг равнақи учун алоҳида қимматга эгадир. Айниқса, Ҳамид Олимжон ва Уйғун сингари бирга ўқиган, бирга юрган, ҳамкорликда шеър, илмий мақолалар ёзган, умуман, янги инқилобий ўзбек совет адабиётини шакллантиришда, тараққий эттиришда, унинг муваффақиятларини таъмин этишда ва уни ёт унсурлардан ҳимоя қилишда бир жон бир-тан бўлиб курашган адибларнинг эсдаликлари ҳар жиҳатдан эътиборга моликдир. Бинобарин, устод Уйғуннинг «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи, «Шоирнинг сўнги кунлари» очерки, «Шеърят бўстони» хушхон булбули» деб аталган нутқи, «Ҳамиша кўз олдимда» сарлавҳали хотираси, «Ўтмишни эслаганда» деб номланган таржиман ҳоли, таржимон А. Наумов билан қилган сўхбати махсус ўрганишга лойиқдир. Турли жанрларга оид бу асарлар мудҳиш тасодиф туфайли ҳаётдан бемаҳал кўз юмган кадрдон дўст, ардоқли халқ шоири ҳақидаги аламли хотираномалар бўлиб қолмасдан, балки совет адабиётининг улкан вакили, социалистик ҳаётимизнинг оташин куйчиси, ўхшаши йўқ шоир Ҳамид Олимжон, унинг дилбар ижодиёти, юксак шахсияти, мазмундор фаолияти ҳақидаги ўзига хос фахрияномалардир.

Уйғуннинг «Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласи Ҳамид Олимжон ҳақидаги дастлабки йирик, мазмундор, кенг кўламли тадқиқот бўлиб, унда Ҳамид Олимжоннинг адабий ва ижтимоий фаолияти чуқур таҳлил этилган. Муаллиф бу мақоласида адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб, Ҳамид Олимжон ижодининг тематикаси, ғоявий мазмуни, образлар системаси ва поэтикаси тўғрисида конкрет, объектив фикр юритади, шоирни шодлик ва бахт куйчиси сифатида таърифлайди. Ҳамид Олимжон 30-йиллар ижодининг гултожлари саналмиш «Ўрик гуллаганда», «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон» сирасидаги шеърларини, Улуғ Ватан уруши даври ўзбек шеърятининг классик намуналари ҳисобланмиш «Шинель», «Йигитларни фронтга жунайтиш», «Россия», «Қўлингга қурол ол», «Жангчи Турсун», каби асарларини, «Зайнаб ва Омон» достонини таҳлил этади. Чунончи, автор Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши давридаги ижодини таҳлил қилар экан: «Дўстлик ҳисси, севги шоирнинг фазилатларидан, садоқат унинг шоири бўлди, — деб таъкид-

лайди.— Шоир Ватанга, халққа садоқат кўрсатишни ҳар нарсадан афзал кўрди. У Ватанга садоқат кўр-газишни, кези келса, халқ учун қурбон бўлишни шараф деб билди... Унинг асарларида совет кишиларининг кураши, ижодидан тортиб ҳижронга қадар ўз ўрнини топа билди.

«Шодлик ва бахт куйчиси» мақоласининг якунловчи қисми, айниқса, диққатга сазовор. Уйғун Ҳамид Олимжон ижодини адабиётнинг турлари, жанрлари нуқтаи назаридан тасниф қилади, унинг беқиёс гўзал бадий маҳорати тўғрисида ажойиб фикрлар айтади, дўстининг шоирлик таланти бетакрорлигини таъкидлайди, унинг ўзбек лирик, лиро-эпик поэзиясига, драматургиясига қўшган ҳиссасини мантиқан асослайди, таржималари, ҳикоялари, илмий асарлари, адабий алоқаларни ривожлантиришдаги хизматлари, жамоатчилик ва раҳбарлик фаолияти тўғрисида гурур билан сўзлайди.

Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда, шахсий фазилатлари ва ижодий лабораториясини тадқиқ этишда Уйғуннинг 1964 йилда ёзилган «Шоирнинг сўнги кунлари» очерки ҳам алоҳида характерга эга. Уйғун Ҳамид Олимжонни дўстларга ғамхўр, оилага меҳрибон, халқ ва давлат ишига жонкуяр, айтган гапини бажарадиган, ўқтам, принципал, жасур, иродаси ниҳоятда мустаҳкам, ҳаётдан завқ ола биладиган, қувнок, шу билан бирга ғурури банд, вазмин ва сипо, табиатга шайдо, ҳисси, ҳаяжони ўткир, руҳи тетик, донишманд ёзувчи ва улкан раҳбар сифатида таърифлайди.

«Шоирнинг сўнги кунлари» очеркида Ҳамид Олимжон зўр бир оптимист шоир, ўз идеалларига содиқ коммунист, ажойиб ватанпарвар сифатида гавдаланади. Улуғ Ватан урушининг қийинчиликларига қарамай ташкил қилинаётган ёзувчилар боғи ҳақида фикр юритиб Ҳамид Олимжон: «Ҳа, бу ерни ижод фабрикасига айлантирамиз. Бу ерда энди қанчадан-қанча шеърлар, поэмалар, ҳикоялар, романлар, пьесалар яратилади», дейди. Мана шу ҳаяжон ва умид тўла сатрларда ҳам шоир характерига хос юксак оптимизм барқ уриб турарди. «Ҳа, мана, уруш ҳам тугай деб қолди... Ҳалаба яқин. Айни яшайдиган, айни ижод қиладиган замонлар қайтиб келаяпти, ўтган умрдан албатта розимиз... Умримиз, ёшлигимиз ёмон ўтмади. Жанг, кураш, ижод билан ўтди, завқ билан ўтди... Назаримда, бу ёғи ундан ҳам яхши ўтади...» Қизгин ҳаёт-мамонт жанги кетаётган бир даврда коммунистик имони шаклланган совет кишисигина қатъий ишонч ва юксак виқор билан келажак ҳақида шундай фикр юрита олар эди, ўз мамлакатининг эрта-

сига катта умид ва зўр ишонч билан шундай ойдин боқа олар эди ва шундай енгилмас, ўқтам кишигина «эртани бугунга келтирмак учун» тинмай кураш олиб бора олар эди. Ардоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон шахсида совет кишиларига хос шундай ажойиб фазилатлар мужассам эди. «Шоирнинг сўнги кунлари» очеркидан мисол келтирилган бу парчаларда Ҳамид Олимжон характерига хос зўр оптимистик хусусиятлар ўз ифодасини равшан топиши билан бирга унинг аниқ, донандона, қатъий гапириш, умуман сўзлаш оҳанги, манераси, фикрлаш йўсини, гап тузиш тартиби ҳам ўз ифодасини топди. Очерк шу жиҳатдан ҳам қизиқарли.

Очеркда Ҳамид Олимжоннинг бой ижод лабораторияси, она-Ватанимиз табиати гўзалликларидан завқ ола билиш, социалистик ҳаёт ошиғи эканлиги ҳам эсда қоларли деталлар, манзараларда тиниқ ифода этилган. Очеркда муаллиф жумладан шундай дейди: «Табиатнинг ажойиб ҳусн тароватини томоша қилиб борарканман, болалигим, қишлоғим ёдимга тушиб кетди. Ҳа, мен мана шундай табиат қучоғида улғайган эдим. Ҳамид-чи? У ҳам Жиззахда, худди мана шундай гўзал табиат қучоғида вояга етган шоир эди. Шунинг учун ҳам ушбу топда менинг қалбимга тўхтовсиз қуюлаётган ажойиб ҳис-туйғулар унинг ҳам қалбидан жой олаётгани аниқ. Мен бу ҳолатни унинг катта, севинч ва ҳайратга тўла кўзлар билан атрофга тўймасдан оч назар ташлашдан, лабларидаги майин қалтироқ ва ним табассумдан яққол сезиб турардим. Шу пайтда унинг қалбида қандай ҳаяжон, фикрида қандай ўйлар, хайёлар, орзулар, мисралар тугилаётган экан?... Билгим келарди, аммо унга ўринсиз саволлар бериб, хотирини пароканда қилишни, ҳаяжонини, севинчини, илҳомини чўчитишни истамасдим». Санъаткор табиатидаги бундай ўзига хос, нозик ҳолатларни қаламга олишдан аввал уни илғай билиш лозим. Бунинг учун эса санъаткор бўлиш керак. Санъаткор бўлганда ҳам ижодий принциплари, ёзувчилик табиати бир-бирига яқин бўлган санъаткор бўлиш, бир-бирини яхши билиш зарур. Фикримизни Уйғуннинг «Ҳамиша кўз олдимда» хотирасидан олинган мана бу сатрлар ҳам тасдиқлайди: «...Адабиётга, илму фанга қизиқишимиз, хулқ-атворимиз бир-бирига монанд бўлгани дўстлигимизни янада мустаҳкамлади».

«Шоирнинг сўнги кунлари» очеркида бундан ташқари, «эски дўст, кадрдон, таъби нозик шоир»нинг Ўзбекистон ёзувчилар союзининг раиси сифатидаги жамоатчилик фаолияти, ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги роли, партия ва

ҳукуматимизнинг унинг серкиррали ажойиб фаолиятини қадрлаши тўғрисида ҳам қизиқарли мисол келтирилади. Хуллас, «Шоирнинг сўнги кунлари»да Уйғун очерк жанрининг турли-туман воситалари ва имкониятларидан фойдаланиб, азиз дўстнинг, машур шоирнинг кўркამ образини яратади. «Шоирнинг сўнги кунлари» сирасидаги хотира очерклар бўлғуси адибларга шоир Ҳамид Олимжон образини яратишда бир компас ролини ижро этиши шубҳасиз.

Совет адабиётининг қисқа бир тарихий даврда улкан оламшумул ғалабаларга эришишида бошқа ҳаётий омиллар билан бир қаторда адибларимизнинг ўзаро самимий ҳамкорлиги ҳам алоҳида рол ўйнади. Ана шундай самимий адабий ҳамкорлик туфайли ўзбек совет адабиёти ҳам, жумладан, Ҳамид Олимжон билан Уйғун ижодиёти ҳам равнақ топди. Уйғун 1969 йилда Ҳамид Олимжоннинг 60 йиллик тўйига бағишлаб, Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет катта театрида ўтказилган кечада сўзлаган нутқида «Жонтемир» достони, «Алишер Навоий» драмаси ҳақида Ҳамид Олимжон билдирган мулоҳазаларни, дўстининг «Ўрик гуллаганда» шеъри ва «Муқанна» драмаси ёзилганда, ўзи айтган самимий фикрларни хотирлайди. Икки дўст бир-бирларининг ижодий муваффақиятларидан беҳад қувонганликларини хурсандчилик билан эслайди. Бу ўзаро ишонч ва ҳурмат уларни ижодий парвозларга рағбатлантирганини ўқтиради.

«Ҳамиша кўз олдимда» эсдалиги ва шоирнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали кечада сўзлаган нутқида Ҳамид Олимжон шахсиятига хос яна иккита муҳим момент таъкидлаб ўтилади. Булар қуйидагилар: биринчидан, шоир хотирасининг жуда ўткирлиги, ёддан кўп шеър билиши, уни маҳорат билан ўқий олиши ва иккинчиси, унинг ўткир нотик эканлигидир. «Ҳамид Олимжон ажойиб нотик ҳам эди. У ўзининг ёқимли овози билан ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам жуда равон, жуда чиройли, жуда мазмундор нутқ сўзлай оларди — дейди устод Уйғун.— Биз жуда кўп маъракаларда, адабий кечаларда унинг тингловчиларини ўзига тортиб оладиган, маҳлиё қиладиган, ҳаяжонга соладиган, сермаздум, оташин нутқларини жуда кўп маротаба мароқ билан эшитганмиз. У шеърларни ҳам ёддан жуда чиройли ўқир эди. У фақат ўз шеърларинигина эмас, бўлак шоирларнинг шеърларини, бутун-бутун достонларини ҳам ёд ўқий оларди. Унинг қувван ҳофизаси ниҳоятда кучли эди. Бирор асарни бир-икки маротаба эшитса, ёки кўрса, ёки ўқиса бас, дарров ёд оларди. Уша маҳалларда сахнамизда тез-тез қўйилиб турган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» музикали драмаларини Ҳамид бошдан-оёқ ёд биларди. Залда ўтирганимизда асарни артистлардан олдин, секин овоз билан айтиб борар эди».

Уйғуннинг «таъби юксак» шоир Ҳамид Олимжон тўғрисидаги асарлари кадрдон дўстининг ҳаёти ва ижодини, чин инсоний фазилатларини, совет адабиётини юксалтиришдаги хизматларини, ўлмас асарларини, жамоатчилик фаолиятини тарғиб қилади, айни пайтда ҳозирги ёшларни Коммунистик партияга, социалистик Ватанга, совет халқига, пролетар интернационализмига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Тожи ҚОРАЕВ,
филология фанлари кандидати
Вухоро

АБАДИЙ ИЛҲОМБАХШ МАВЗУ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи йилларидаёқ кўп миллатли совет адабиётимизда, жумладан, ўзбек совет адабиётида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси улуғ дохийимиз Владимир Ильич Ленин образи зўр меҳр-муҳаббат билан тасвирланди.

Совет Ленинномасининг аввалида М. Горькийнинг «В. И. Ленин» (1924—1930) очерки, В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» (1924) поэмаси, Демьян Бедный шеърлари туради. Ўзбек совет ёзувчиларидан

Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Комил Яшин ва бошқа шоир, адилларимиз ҳам Ленин ҳақида юксак бадий асарлар яратганлар.

Ленинни куйлаш — Коммунистик партияни куйлаш, коммунизм қуриш йўлидаги буюк ғалабаларимизни куйлаш демакдир.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, 20-йилларда улуғ дохий ҳақида яратилган юксак бадий асарлардан бири истеъдодли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг (1868—1937) «Ўртоқ Ленин» достонидир.

Эргаш шоир Самарқанд областидаги Қўшрабат районининг Қўрғон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Унинг отаси Жуман шоир халқ достон ва термаларини жуда мароқли куйлагани учун халқ унинг исмига «булбул» номини қўшиб айтган, Жуманбулбул номи билан шўҳрат қозонган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли инқилобга қадар меҳнат аҳлининг бойфеодаллар зулмида азоб чекканини кўрган. Халқ ғамини бирга тортган шоир эл ғамини ўз асарларида зўр ҳаяжон билан изҳор этди. Совет даврида эса, у озод ва бахтиёр халқнинг қувончини завқ билан куйлади. Тошкент шахрига келиши муносабати билан яратган «Келдим» термасида шундай деган эди:

Районим — Нурота¹, тоғлар ораси,
Отим — Эргаш. Жуманбулбул

боласи.

Қаридим, десам кўнглим қоласи.
Тобора ошади ёшдан ҳаваси.

Эргаш шоир ўзбек халқ достонлари ва термаларини хотирасида сақлаб, эл орасида куйлади. Шу билан бирга, совет воқелигимиз ҳақида ҳам ажойиб шеър ва достонлар яратиб, халқимиз поэтик ижоди хазинасига муносиб ҳисса қўшди. Бу ҳолни ўзбек совет фольклорининг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислон шоир каби бошқа машҳур вакиллари ижодида ҳам кўрамиз.

¹ Қўрғон қишлоғи ўша вақтда Нурота райони территориясида эди.

Демак, ўзбек совет фольклори ўзбек совет ёзув адабиётимиз билан ҳамоҳанг бўлиб ривожланган. Халқимизнинг кунда ҳам шундай давс этмоқда.

Эргаш шоирдан тўққизта халқ достони ва иккита ҳозирги замон мавзудидаги поэма ва кўп термала ёзиб олинган. Бу асарлар ўзбек тилида «Булбул тароналари» (беш томлик, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, (1971—1973) ва рус тилида «Песни Бульбуля» (уч томлик, Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, (1974—1977) номи билан нашр этилган.

Эргаш шоир меҳнаткаш халқ орасидан чиққани ва халқ ҳаётини яхши билгани учун ҳам унинг орзу-умидларини чуқур ҳис этган. Бу ҳол шоирга халқимиз ҳаётида тобора муҳим бўлаётган бораётган улуғ Ленин таълимотини тушуниб олишда ёрдам берган. Шоирнинг ажойиб истеъдоди ва халқ достонларини куйлашдаги бадий маҳорати «Ўртоқ Ленин» достонининг муваффақиятини таъминлади.

Бу ажойиб достонда халқ шоири мамлакатимиз халқларига озодлик ва бахтли ҳаёт келтирган Улуғ Октябрь социалистик революцияси, шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг асосчиси ва дохийиси Владимир Ильич Ленинни зўр савимият билан улуғлайди.

Эргаш шоир Ленин номини зўр ҳурмат билан тилга олади:

Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин.
Ўртоқ Ленин ишин сўзман
бошлайин.

Қардошлик оиласида

«НАФИС ЧАЙҚАЛАДИ БИР ТУП НАЪМАТАК»

Николай Тихоновнинг ўзбек совет адабиёти юксалишида хизмати катта. Унинг Ўзбекистонга, классик ва ҳозирги замон адабиётига бўлган қизиқиши йиллар ўтган сари ортиб борди. Шоир ўзбек халқининг классик меросини тарғиб қилиш учун жуда кўп меҳнат сарфлади, бадий асарларнда буюк ўзбек шоирлари ва мутафаккирларини тасвирлади, уларнинг ижоди ҳақида мақолалар яратди, нутқлар сўзлади. У 1947 йили «Низомий ва Навоий» мақоласини ёзди: икки буюк санъаткор — озарбайжон ва ўзбек халқларининг гениал шоирлари ижодини қиёслади. 1967 йили эса «Ассалом, Навоий» мақоласини эълон қилди. Н. Тихонов 1968 йили буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигини нишонлаш учун тузилган Бутуниттифоқ ташкилий комитетнинг раиси бўлди, Москвада

илмий сессияда «Шоир, мутафаккир, гуманист» деган мавзуда катта доклад қилди. Алишер Навоийнинг рус тилида чиққан асарлар тўпламига сўзбоши ёзди. Николай Семёнович «Библиотека поэта» нашрининг таҳрир ҳайъати аъзоси эди, шу серияда Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон шеърини асарлари нашр этилди. Тихонов Улуғ Октябрнинг биринчи ўзбек куйчиси Ҳамза ижодини юксак баҳолади, уни «яловбардор» деб атади.

Николай Тихонов Шарқ куйчиси сифатида ҳам доврўқ қозонди. Шарқ бу ажойиб рус адибининг шеърини ва насрий асарларидагина эмас, бадий таржималарида ҳам ўз аксини топди.

Сеҳргар шеърини сўзининг бутун жозибаси ва нафосатини жонли ҳис қила оладиган чинакам санъаткорларни ёрқин сўз қобиғига ўралган

фалсафий фикрнинг теран қатламлари ҳаяжонга солмаслиги мумкин эмас. Жумладан, машҳур рус совет шоири Владимир Луговской ўзининг «Шеърят ҳақида ўйлар» китобида шундай деб ёзади: «Осиё халқларининг умуман жаҳон маданияти ва қисман поэзияга қўшган ҳиссасини баҳолаш қийин. Бу ерда улуғ поэма-лар ва нозик ишқий ғазаллар туғилган. Бу ерда гоят қобилиятли ҳофизларнинг, чуқур ва жозибали поэтик тасаввур эта биладиган одамларнинг асарлари дунёга келди. Баъзан менга Европа ва Америка адиб ҳамда шоирлари ўз ташналиklarини худди шу Шарқ халқлари поэзияси ҳаётбахш чашмасидан қондиришгандай, инсон руҳининг барча буюк ижодлари ўзларининг юзага келишларига Осиёнинг сўз мулки самарали замин яратганлигидан миннатдор бўлишлари зарурдай туюлади».

Дарҳақиқат, Тихонов ва Луговской учун, кўпгина рус шоирлари учун Шарқ поэзияси муҳаббат ва завқ-шавқ бахш этувчи «юррак дарди» бўлиб қолди. Муҳаббат ва завқ-шавқ, бошқаларнинг истеъдодидан ҳайратланиш, қардош сўзнинг қудрати ва сеҳрини ўз халқига етказиш йўлидаги қизғин меҳнат эса таржимон-санъаткорни, тадқиқотчини, олимни дунёга келтиради.

Н. Тихонов ўзбек шеърятидан кўп таржима қилгани йўқ: у Ойбекнинг атиги 7 шеъри ва «Ҳамза» достонидан парча таржима қилди. Адабиётшунос А. Адалис таъкидлаганидек, машаққатлар ва изланишлар эвазига рус тилида жарангдор, эҳтиросларга тўла мисралар туғилди. Бошқа тилдаги шеърлар рус поэзиясининг янги мулки бўлиб қолди. Ойбек шеърятидан танлаган шеърлари Тихонов-таржимоннинг ижодий

енин номи баланд турур.
Ўртоқлар!
ошқа сўзи энди кейин
ташлайин.
Ленин десам, кўнглим равшан
бўлади,
Достон айтиб, кўпнинг кўнглин
хушлайин.
Шоир давом этиб, Ленинга хос
сифатларни таърифлар экан, до-
фиманд Ленин барча меҳнаткаш-
ларнинг дўсти ва йўлбошчиси экан
ва жўшқин мисраларда ифода-
лади:

Томил бўлиб, элга кўп аралашди,
Иш ўрганиб, бир нечага ёрлашди,
Оч-ориқнинг ҳолин кўриб, раҳм
этиб,
Камбағалга, муҳтожга
ҳамдамлашди.

Улуғ Ленин бошлиқ Коммунистик
тия раҳбарлигида совет халқи
шган буюк тарихий ғалабалар-
га аҳамиятини янада чуқурроқ
этиш учун шоир меҳнат аҳли-
ни ўтмишдаги оғир аҳволини тас-
лаб ўтади. Ўзи кўрган ва кечир-
фожиали ўтмишдан айрим лав-
лар келтиради. Бу лавҳалар ҳақ-
қий ва типик бўлгани учун кишида
ур таассурот қолдиради. Инқи-
бгача бўлган ҳаётни тасвирлаб,
ир шундай хулоса чиқаради:

Иўқ, бечора тинмай меҳнат
қилгандир,
Ҳарна фойда бўлса бойлар
олгандир,

Е ойлукми, ё йилликми, камбағал
Меҳнат ҳосилидан қуруқ
қолгандир.

Меҳнат аҳлининг бундай оғир
аҳволдан кутулиши, озодликка эри-
шуви учун йўл кўрсатиб раҳбарлик
қилган, ўзининг бутун қаҳрамонона
ҳаётини меҳнаткашларнинг бахт-сао-
дати учун қурашга бағишлаган буюк
инсон—

Ленин кўрса камбағаллар
меҳнатда,
Бу меҳнат ортидан бойлар
роҳатда,
Иўқ кўрмас бу роҳатнинг бир
кунин,
Умри ўтар ўлгудай бўп хизматда.

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечага замонани сўйлади,
«Қачонгача оқар,— деди,— кўз
ёшлар!»
Инқилобга белин маҳкам бойлади.

Ленин энди инқилобга бош бўлди,
Ленин сўзи ҳаммага кенгаш
бўлди,
Ҳар сўздан минг маънони топган
сўнг,
Ленин номи буларга йўлдош
бўлди.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг
улуғ Ленин ҳақида айтганларини
ўқир эканмиз, социалистик реализм
адабиётининг асосчиси, совет ёзув-
чиларининг устози Максим Горький-
нинг куйидаги сўзлари эсимизга
тушади: «Лениннинг портретини
тасвирлаб бериш кийин...

Унинг қаҳрамонлиги ташқи жи-
ҳатдан кўзга мутлақо ташланмас
эди, деса бўлади, унинг қаҳрамонли-
ги—ер юзида социал адолат ўрна-
тиш мумкинлигига қатъий ишонган
софдил рус интеллигенти—револю-
ционерининг Россияда кўп учрай-
диган камтарин, аскетик фидойили-
ги эди, кишиларнинг бахт-саодати
йўлида заҳмат чекиш учун дунёнинг
барча ҳузур-ҳаловатидан кечган ки-
шининг қаҳрамонлиги эди».

М. Горький ҳам, Эргаш шоир ҳам
ўз билганлари асосида, ўзига хос
адабий усулда Ленинни таърифлар
эканлар, бир умумий хулосага кел-
ганларини кўрамыз.

«Ўртоқ Ленин» достони содда,
равон ва мазмундор ёзилган. Шоир
халқнинг ихчам ва маъноли ибора-
ларини ўринли қўллаган. Масалан,
батрак, қаролларнинг ишлаб топган-
лари тирикчилигига етмай, бойлар-
дан қарз олишга мажбур этилганини
«калта ип бойловга сира етмайди»,
деб ифодалайди. Бойлар томонидан
меҳнаткашларнинг ваҳшийларча та-
ланишини:

Қош билан киприкни олди
золимлар,

Камбағалнинг моли бир соқол
бўлди,—

деб, оригинал равишда тасвирлайди.
Бойлар ва қозиларнинг раҳмсизлик-
ларини шундай баён қилади:

Олиб борар бечорани қозига,
Қози ўйнар бойнинг чалган
созига,
Камбағал шўр бўзлаб-бўзлаб
йиғлайди,
Вой қарамас унинг кўпу озига.

Достон фольклорга хос таъриф
ва тасвир воситаларига эга. Шу би-
лан бирга, шоир ёзув адабиёти қо-
идаларига ҳам риоя қилган.

Эргаш шоир «Ўртоқ Ленин» дос-
тонини 1927 йилда, Улуғ Октябрь
социалистик революциясининг ўн
йиллиги арафасида яратган ва эл
орасида айтиб юрган. 1928 йили
ёзиб олинган бу асарнинг айрим
парчалари рус тилига таржима эти-
либ, «Правда» газетасининг 1935
йил 15 апрель сонидан шоир расми
билан бирга эълон қилинган. Сўнг
бир неча бор ўзбек ва рус тилла-
рида нашр этилган. Достон мактаб
дарслик ва қўлланмалари саҳифала-
ридан ўрин олиб келмоқда.

«Ўртоқ Ленин» достонининг узоқ
бир районда яшаб турган халқ шо-
ири томонидан яратилгани улуғ
Ленин ғояларининг халқ кўнглига
ҳамоҳанглигини, ҳаётбахш нурлари
узоқ-узоқларга етиб борганлигини
кўрсатувчи яна бир ёрқин далил-
дир.

Сўз кўнгилдан бўлмаса, кўнгилга
бормайди, дейдилар. Улуғ Ленин
ҳақида халқимиз меҳр-муҳаббатини
чин кўнгилдан юксак бадий маҳор-
рат билан изҳор этган Эргаш Жу-
манбулбул ўғлининг сўзлари кўн-
лимизда ҳамон сақланиб келмоқда
ва узоқ сақланур.

инёқарашини очиб беради; зеро, у
мл образлар кучи ҳақиқатдан ажол-
1.6 шеърларнигина таржима қилиш
нрак, деб ҳисоблар эди. Ойбекнинг
Уаъматак», «Ёр кўзларининг», «Хайр-
қшув», «Биринчи қор», «Оқшом
лпдузи», «Сенинг қувончинг» шеър-
ири ана шундай баркамол шеър-
лардир.

Ойбекнинг «Наъматак» ва «Гўзал
имён» шеърлари табиатнинг гўзал
ҳаяжонли шеърий маскани—Чим-
тоғларида яратилган. Шоирнинг
Уссос қалби она ер гўзаллигига
Кафтун бўлиб, илҳом билан ёниб
Шеър тўқийди:

Дўлანалар ичинда ой
Кутиб турган бир ёр каби,
Қаршимдан нур латофати
Ила чиқар эди мастдай,
Юрдим хаёл қанотинда,
Юрагимда ҳислар жўшқин.
Салқин, нафис ипак бир тун
Жонли ранглар жабҳасинда...

Таржимоннинг эзгу қалами шоир-
нинг ҳаяжонли лирик оҳангини сақ-
аб қола олган:

В боярышнике, как из сна,
Вставала мне подругой вдруг
И шла, воспламенив весь друг,
Как опьяненная, луна.
Я в том негреющем огне
Дышала полноценной красотой
В шелках прохладной ночи той
Живые краски пели мне...

«Наъматак»—шоирнинг энг яхши
шеърларидан бири. Ритмик тузили-
тиши жиҳатидан у муҳаммасни эсла-
ди. Бу шеърнинг бутун кудрати
шоирнинг ҳислари туғёнидадир. Ёв-
зойи қора қоялар орасида юлдуз-
симон оппоқ гулларга бурканган
бир туп наъматак гўё рўёдагидай
тайдо бўлади. Шоир мафтуну лол
бўлади ва ҳайратга тушган қалби-
нинг ҳаяжонли нидоси шеър бўлиб
отилиб чиқади:

Нафис чайқалади бир туп
наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп
наъматак...

Н. Тихонов таржимасида ориги-
налнинг ритмик тузилиши, услуб-
нинг равонлиги, бой ички аллитера-
ция сақланган:

Чудно качается куест наматака,
Там, наверху, в ветровой
колобели,—
Солнцу — корзина цветов
белоснежных.
Гордо над краем утеисистой щели
Чудно качается куест наматака.

Шоир-таржимон гулнинг ўзбекча
номини таржима қилмай, ўз ҳолича
сақлаб қолган. Вазн хусусиятини ҳам,
ифода воситалари—метафора, си-
фатлаш, қиёслашларнинг (Ойбек бу
санъатлардан жуда моҳирона фой-
даланади) ўрнини ҳам, шеърнинг
жарангдорлигини ҳам сақлаб қолган
ҳолда шеърнинг мазмунини бузмас-
дан таржима қилиш таржимоннинг
юксак маҳоратини намоян қилувчи—
жуда кам учрайдиган ҳодисадир.

В. Жуковский, таржимон насрда—
қул, назмда—рақобатчи, деб ёзган
эди. Ойбек—ўзбек совет поэзияси-
нинг ёрқин намояндalarидан бири,
Тихонов—Россиянинг улкан шоири.
Тихонов-таржимон, энг аввало, дўст
ва хайрихоҳ инсон. Унинг таржима-
лари юксак даражада аниқлиги би-
лан ажралаб туради, унинг юксак
маданияти ўзбошимчилик қилишга,
асл нусхадан четга чиқишга, уни ўз
ҳолича изоҳлашга йўл қўймайди.
Дарвоқе, Тихонов-таржимон ориги-
налнинг барча нозик томонларини
чуқур ҳис этади. Чунончи, Ойбек—
қиёсий тасвирлар устаси. Унинг
шеърятининг бу хусусияти, айниқса
«Наъматак» шеърда жуда ёрқин

акс этган. Тихонов Ойбек шеърин-
нинг бутун гўзаллиги ва таъсирчан-
лигини эҳтиёт қилиб сақлайди. Унинг
таржимасида ҳам кумуш қор юм-
юм йиғлайди, ўшшайган қоя лабида
наъматак нафис чайқалади... Зеро,
ёрқин, жўшқин, рангдор, оташин
сифатлашларнинг мўллиги Ойбек
шеърятининг ўзига хос хусусиятла-
ридан дидир.

Майин рақсига ҳеч қониқмас
кўнгил,
Ваҳший тошларга-да у берар
фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутуди бир сават оқ гул!

Тихонов шеърнинг фақат ғоявий-
тематик томонинигина бериш билан
чекланиб, таржимага юзаки ёнда-
шадиган таржимонлардан эмас эди.
Н. Тихонов образлар системаси ва
бадий маҳоратнинг тил, компози-
ция, қофия, ритм каби элементлари
билан ҳисоблашадиган таржимон-
лардан эди. Асарнинг шеърый ша-
клини танлаш муаллифининг фикр ва
туйғулар дунёси билан, асарнинг
нияти ва ғояси билан боғлиқ, албат-
та. Шунинг учун ҳам Тихонов ўз
таржималарини асл нусханинг шеър-
ий тузилишига илҳом борица, яқин-
лаштиришга, рус тили қонунлари
асосида ўзбек шеърини янгидан—
жарангдор бир тарзда қайтадан
яратишга интиди.

Тихонов ўша гўзал манзарани
шоир услубини бузмаган ҳолда
аниқ таржима қилиб бера олган:

Мне не насытитесь пляской той
нежной,
Черные камни и те посветтели,
А на лице его пляшет улыбка,
А на щеках поцелуй зардели,
Солнцу — корзина цветов
белоснежных.

Тихонов-таржимон Шарқ поэзия-
сини жуда юксак қадрлаб, ўз тар-

жималарида ана шу шеърятдан ил-
ҳомланади. Навоий асарларининг
рус тилидаги нашрига ёзган сўзбо-
шисидан у шундай деган эди: «Буюк
аждодларимизни эслаб туриш керак,
аммо улар ҳурмат ва шўҳратга ло-
йиқ бўлган, эллараро доврўғ қо-
зонгани учунгина эслаш керак эмас.
Бугунги совет китобхони инсоният-
нинг энг яхши келажиги ҳақида орзу
қилган буюк инсоннинг ижодини
билиши жуда фойдалидир, шоирнинг
мавузулари, характерлари, фикрлари
турли-туман бўлган улкан ижодий
мероси—маънавий хазинасини Али-
шер Навоий ижодини тўлдириб тур-
ган бой ҳаётий ҳодиса ва шеърый
шакллари ўрганиб чиқиш жуда
фойдалидир».

Поэзиянинг миллий ўзига хослиги
уни бошқа тилларга таржима қи-
лишда кўндаланг бўладиган асосий
қийинчиликдир. Бу иш яна шунинг
учун ҳам мураккаблашадики, поэзия-
да тилнинг барча экспрессив эле-
ментлари—сўзнинг ички тузилиши,
образлилик, нутқ услублари, оҳанг
марказлашган, қуюқлашган тарзда
кўзга кўринади. Ойбек шеърлари
таржимаси сўзларнигина эмас, балки
вазн ўлчовларини ҳам тўғридан-
тўғри, айнан бериш мумкин эмас-
лигига ишонч ҳосил қилдиради. Ҳар
бир муайян ҳодисани ўзига хос
тарзда ҳал этишни тақозо қилади.

Ижодий меҳнат мазмунини ҳис-
туйғу—муҳаббат, завқ-шавқ ташкил
этади. Тихонов ўзбек шеърятини
улкан шоир қалби билан идрок қи-
либ, ўз таржималарига қалбининг
бутун кўрнини бағишлади. Ишончи-
миз қомилки, бу таржималар совет
воқелигида камолга етган адабий
дўстликнинг, СССР халқлари ада-
биётлари абадий дўстлигининг, Тихо-
нов ва Ойбек адабий ҳамкорлиги-
нинг тимсоли сифатида мангу яшай-
верадилар.

Муҳаббат ИСРОИЛОВА,
филология фанлари кандидати

НАЙ НАВОСИ

Эфир орқали най садоси таралмоқда, юракларни тўлқинлантириб, ошиқларнинг дил розини куйламоқда. Дуторнинг ўйноқи навоси қайси кўнгилни маст қилмайди дейсиз. Танбурнинг юракни тирновчи савти, ғижжак ноласи-чи?! Тору рубоб, наю қўшнай, доираю дўмбира, карнаю сурнай, хуллас, шу сингари мусиқий чолғу асбоблари бир неча асрлардан бери ўз мавқени йўқотмай, куй-оҳанг мухлисларига содиқ, ишқ аҳлига ҳамроз, ҳамдард, ҳамдўст бўлиб, шоирларга илҳом бахш этиб келмоқда.

Кенг далалар, қир-адирлар, тоғ этакларида фидокор чўпонларнинг дўсти найнинг навоси оҳиста таралади. Найнинг оромбахш садоси эшитилганда киши кўзи олдида олам-олам яшиллик, табиатнинг оҳанрабодек гўзаллиги намоён бўлади.



Уста Ҳатип Содиқов.

Инсон қалбига бир дунё қувонч, эзгулик туйғулари бағишлашга қодир чолғу асбоблари халқимиз томонидан эъзозланиб келинади. Саноат корхоналари, маданият масканлари, билим ўчоқларида фаолият кўрсатаётган музика ҳаваскорлиги тўғрақларининг чолғу асбобларига эҳтиёжи ҳам кун сайин ортиб бораётир. Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикасининг ишчан коллективи эса мухлислар талаб-эҳтиёжини қондириш ишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Фабрика ишчилари республикамиз областларидан келган буюртмаларни ўз пайтида юқори сифатли қилиб бажаришга азму-қарор қилганлар. Қўли гул асбобсозлар ўз хунарлари сеҳри билан музика ихлосмандлари ҳамда созандалар ҳурматини қозонмоқдалар.

Миллий чолғу асбоблари фабрикаси қардош республикаларнинг кўплаб буюртмаларини бажаришдан ташқари халқ чолғу асбобларининг айрим турларини чет элларга, жумладан Болгарияга, Польшага, Францияга экспорт қилади.

Фабриканинг доврўғи унинг фидокор ишчилари, қўли гул усталарининг меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Уста Мансур Мирзаев ана шундай ҳурматли кишилардан ҳисобланади. У бу даргоҳда 37 йилдан буён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётир. Утган давр мобайнида у ўнлаб шогирдларга устозлик қилди, ўз тажрибаларини кўплаб ёшларга ўргатди. Унинг узоқ ва самарали меҳнати партия ва ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. Уста Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотланган. Мансур ака ҳозир афгон рубоби ва оркестрга мўлжалланган дутор устида иш олиб бормоқда.

— Айни кунларда,— дейди уста



Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Мансур Мирзаев.

Мансур,— мен Алижон Ҳасанов, Ҳасан Муҳиддинов, Сади Алмиқулов каби шогирдларимга ўз хунаримнинг нозик томонларини ўргатмоқдаман. Улар яқин кунлар ичида имтиҳон топшириб, мустақил уста сифатида ишлаш учун йўлланма оладилар.

— Касбингизга бу қадар меҳр қўйишингизнинг боиси нимада?

— Бунинг сир тутадиган жойи йўқ. Болалигимдан санъатга ўч эдим. Ёдимда, амакимнинг дутори бўларди. Уни мен туғул, еру кўкка ҳам ишонмасди. Ётганда бош томонига қўйиб ётар эди. Узимга худди шундай дутор ясаб олишга аҳд қилиб, эски шаҳарда жойлашган артелга ишга кирдим... Мана, энди ўша пайтдаги мўъжизагина артель ҳозирги кунда 600 га яқин кишини ўз қучоғига олган фабрикага айланди. Узим эса, унинг ветеранларидан бири бўлиб қолдим.


Фабрикада бригадаларо социалистик мусобақа кенг авж олган. Жумладан Жамила Азизова бошлиқ пардозловчи қизлар бригадаси

Фахриддин Муҳиддинов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси билан ўзаро мусобақадор. Қизлар бригадаси ойлик ва квартал планини 120 процентга бажараётган бўлса комсомол-ёшлар бригадасининг кўргазма бурчагида илғорлик вимпели ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон маҳаллий саноат министрилиги қошида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш комбинати ҳар йили фабрикага ёш мутахассислар етиштириб бермоқда. Утган беш йилликда Тошкентнинг Оқтепа масивиде янги типда қурилиб, ишга туширилган Халқ чолғу асбоблари фабрикасининг келажаги порлоқ.

Хуллас, музика ихлосмандлари эҳтиёжини қондириш учун юқори сифатли миллий чолғу асбобларини етказиб бераётган фабрика ишчилари КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланган ҳолда ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Анвар САЙДУМАРОВ



Мантуба Фатхуллаева билан Севар Шамсутдиновалар тайёр маҳсулотга пардоз бермоқдалар.

Н. ШАРИПОВ фотолари



Фабрика партия ташкилотининг секретари Саноат Толипова ҳамда Маъмура Шарипова, Муяссар Тўйчиевалар янги чолғу асбобларини назардан ўтказаётирлар.

МНСОНИЯТ кўҳна тарихга эга. Афсуски, тарихгача бўлган давр, қадимги аждодларимиз: саклар, массагетлар — туркий халқлар ҳақида жуда кам маълумотларга эгамиз. Қадимги та-боболаримизнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши, орзу-армонлари, эънавияти, эътиқоди ва психологияси ҳақида улар қолдирган ашъвий алиилларсиз гапириб бўлмайди, албатта. Бу ашъвий далилларни ўрганиш ва аниқлашда археология, тариханлари қатори халқ оғзаки бадий эҳоди намуналарининг ҳам роли беиҳоядир. Халқ ижодидаги ҳар бир сар, ҳар бир эпизод, ҳар бир детал мазмунда уни яратган халқнинг тарихи, урф-одатлари намоён.

Чунончи, рус фольклоршунос олим Н. Каразин томонидан чимбойлик кир кампирдан ёзиб олиниб, 1875 йилда чоп этилган «Аёллар салтанати ҳақида»ги эртақда Самирам шахон подшолигининг барча аҳли аёллар бўлганлиги ҳикоя қилинади ва эртақ қуйидагича — рамзий ақунлади: «Қалъанинг баланд деворларини қулатадиган, халқни оғир қайғудан озод этиб, кўз ёшини тиндирадиган бир аёл келади. У аёл узоқ шимолдан учиб келиши лозим. Унинг сочлари қордай оппоқ, кўзлари денгиз суви янглиғ мовий, кўкраклари муз билан қопланган тоғдай».

Зеро, эртақларда халқнинг турли урф-одатлари, этногенетик тушунчаларини ўзида мужассам этувчи — оқ ва қора ранглар билан боғлиқ бўлган рамзий ифодалар ҳам муҳим ўрин тутди. Профессор С. П. Толстов қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганган, халқ амалий санъатида акс этган икки илон жангини бири-бирига душман бўлган қабилалар ўртасидаги кураш билан боғлиқлигини таъкидлаган эди. Маълумки, қадимги одамлар ҳайвонларни ўз қабил ва уруғларининг асосчиси, деб билганлар. Бироқ С. П. Толстов фикрини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш ўринлики, бу тасвирда зардуштийлик тушунчалари таъсири сезилиб туради. Халқ эртақларидаги курашаётган жонивор ва ҳайвонлар тасвири моҳиятан «Авесто»га яқинлиги шундай деб ўйлашга асос беради.

Маълумки, «Авесто»да олам икки асоснинг, яъни ёруғлик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат, яхшилик кучлари осмонда, ёмонлик кучлари ер остида яшайди, деб тушунтирилади. Бу қарашларнинг бадий ифодасини туркий халқлар эртақларида ҳам учратамиз. Чунончи, «Малик Мамад» деган озарбайжон халқ эртақда кенжа ўғил ер ости мамлакатларида бўлбулигўёни ҳамда пари қизларни

ёвузлик, ёмонлик каби салбий ҳуссиятлар тимсоли. Баъзи бир эртақ қаҳрамонлари номига ҳатто қора сўзи кўшиб айтилади: Қоработир, Қорахон, Қорадеҳ ва ҳоказо. Шу билан бирга, қора ранг халқ урф-одатлари, маросимлари белгиси сифатида ҳам қўлланилади. «Орзижон билан Қамбаржон» деган ўзбек халқ эртақда жодугар кампир марҳума Орзижоннинг барча канизак ва энагаларига қора либос кийдиради.

Баъзи эртақларда қаҳрамон курашаётган оқ ва қора илонни учратиб, оқ илонга ёрдам беради. «Қора ва оқ илон» деган қозоқ халқ эртақда оқ илон яхшилиги эвазига қаҳрамонга донолик илмини ўргатади. «Ота васияти» деган ўзбек халқ эртақда эса ота гўрини пойлаган кенжа ўғлига оқ ўзининг сеҳрли ёлидан бериб кетади. Оқ ранг билан боғлиқ тотемистик тушунчалар ифодаланган баъзи эртақларда ота ўлими олдидан ўғилларга: «Қизларингизни қора, оқ ва сариқ қушларга турмушга беринг», деб тайинлайди. Оқ ранг билан боғлиқ бу образлар ниҳоятда сеҳрли, ҳикматли тарзда тасвирланади. Масалан, «Малик Мамад» ва «Малик Аҳмад» деган озарбайжон халқ эртақда Гулиқоҳқақ пари қаҳрамонга оқ девнинг ниҳоятда кучли эканлигини айтади. «Қирон ботир» ўзбек халқ эртақда, «Қирон қароқчи» деган қорақалпоқ халқ эртақда

мий урф-одатнинг қолдиқлари сақланиб келади. Яъни бефарзанд оилада бола туғилса, хурсанд бўлган ота-она уй ичига оқ пахтадан, оқ нарсалардан қилинган ҳар хил нарсаларни осиб кўядилар.

Халқ эртақлари билан солиштириганда «Авесто»да қадимги аждодларимизнинг илк қараш ва тушунчалари ифодаланганлигини яққол кўра-миз. Ундаги асосий ғоя бўлиши яхшилик билан ёмонлик, ёруғлик билан қоронғулик ўртасидаги кураш халқ эртақларида оқ ва қора ранг-даги жониворлар образи, уларнинг кураши орқали берилади. Бу оқ ранг туркий халқларда қадимдан ёруғлик рамзи сифатида тасвир этиб келинганлигини кўрсатади.

Ҳар бир даврнинг қарашлари, тушунчалари ва образларида оқ ранг рамзи ўзига хос тарзда акс этганини кўра-миз. Чунончи, тотемистик тушунчалар мавжуд бўлган даврларда ёруғлик — эзулик оқ рангдаги тотемларда ифода этилган. Матриархат даврида эса оқлик белгиси аёлларга, уларни сеҳрли кучлар тариқасида тарғиб қилишга қаратилган. Патриархат ва ундан кейинги тарихий босқичларга келиб, оқ ранг билан боғлиқ образлар янада кенгроқ намоён бўла бошлади. Буни оқ ранг билан боғлиқ барча сеҳрли-фантастик ва мифологик элементларнинг эркак киши образи билан ёнма-ён тасвирланишида кўра-миз. Оқ соқолли чол,

Халқ оғзаки ижоди

ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

«Бу эртақ, — деб ёзади қорақалпоқ олими У. Бекбаулов, — ўзининг илк қатламлари билан грек трагедиясининг отаси Эсхилнинг биринчи асари бўлган «Илтижогўйлар» трагедиясидан миннатдордир... Эсхилнинг трагедияси йигирма тўрт асрдан кейин, унинг ватанидан узоқдаги Чимбойда, қорақалпоқларнинг ёдида сақланиб қолган. Эсхил трагедиясида ҳам, унинг қорақалпоқча вариантида ҳам асарнинг ўзаги битта, келиб чиқиши ҳам биттадир».

Бу фикрга жавобан айтиш керакки, бир сюжет асосига қурилган дoston ва эртақлар кўп халқларда мавжуд. «Тўмарис» афсонаси, «Ойсулув» достони каби ўнлаб асарларни кўрсатиш мумкин. Шу сабабдан У. Бекбауловнинг мазкур эртақ Эсхил трагедиясининг қорақалпоқча варианти, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Эртақ сюжетига асос бўлган воқеалар балки греклардан ўтгандир. Лекин «Аёллар салтанати» эртақининг қилинган, мукаммал варианты туркий халқлар юртида, яъни Чимбойда яратилганлиги аниқ. Биз учун энг муҳими эртақда қадимги оламга доғруқ солган «Скиф маликалари» (В. Шекспир) бўлиши оналаримизнинг мурод-мақсадларини рамзий ифода этувчи деталларнинг мавжудлигидир. Бу — сочлари қордай оппоқ, кўкракларидан шифобахш оқ сут қуюлувчи аёллар. Эртақдаги оқ эпитети моҳиятини қадимги амазонкаларнинг турмуш қуриш, фарзанд кўриш (эрга чиқиш, бола кўриш

қўлга киритиб, иккала акеси ёнига келади. Акалари уни қудуқ олдида кутаётган эдилар. Пари қиз кенжа ўғилга: «Мабодо акаларинг арқонни узиб юборсалар, қудуқ тагида бири-бири билан урушаётган иккита қўчқорнинг оқиға мин, у сени ер юзига, ёруғликка олиб чиқиб кўяди, мабодо қора қўчқорга минсанг, у сени қоронғуликка олиб кириб кетади», деб огоҳлантиради. Бу эса зардуштийлик тушунчалари билан мос келадиган фикрдир. Зеро, «Малик Мамад» эртақда оқ қўчқор ёруғлик (яхшилик)нинг, қора қўчқор қоронғулик (ёмонлик)нинг рамзидир, улар ўртасидаги кураш эса, ёруғлик билан қоронғулик ўртасидаги курашни англатади. Бундай мисолларни туркий халқлар эртақларидан кўплаб келтириш мумкин. Лекин уларнинг баъзиларида оқ қўчқорнинг вазифасини оқ кийимдаги киши, оқ соқолли чол ёки дарвеш бажаради. Яъни бу эртақларда жониворлар, ҳайвонлар ўрнини тарихий босқичлар жараёнида аста-секин «реал атрибутлар» эгаллаганлигини, яъни оқ рангдаги жониворлар ўрнини тадрижий равишда инсонлар эгаллаганлигини кўра-миз. Аммо дастлабки тотемистик тушунчалар муайян мотив негизда сақланиб қолиши табиийдир. Чунончи, «Қоратой» деган қозоқ халқ эртақда оқ соқолли сеҳрлар чол қаҳрамонни ер тагидан ёруғликка чиқариб кўяди. Бу образ кейинги даврларда юзага келган, дейиш мумкин. Қора ранг эса халқ тасавурида

қиз Қирон таъқиқлаб кетган хонага киради ва у хонада оқ от қизни миндириб учиб кетади. Бундай мисолларни ёзма адабиёт намуналарида ҳам кўплаб учратамиз. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги оқ дев образи ниҳоятда сеҳрли кучга эга. Адабиётшунос олима И. Стеблеванинг ёзишича, оқ дев Эрон мифологиясида девлар мамлакатларида энг кучли ва қудратли дев ҳисобланади. Бундан ташқари, оқ ранг — мўл-кўлчилик белгиси, деб ҳам қаралган.

Қирғиз халқ эртақи — «Доно қиз» — да хон Сарибой ўз ўлимидан олдин юртни қақриб: «Менинг орқамда қоладиган ворисим йўқ. Лекин менин битта оқ бургутим бор. Шу оқ бургут кимнинг бошига кўнса, шу хон бўлсин», деб васият қилади. Демак, оқ рангли жониворлар сеҳрли кучга эга, деган ақида тўғрисида фикр билдирган қозоқ фольклористи ва этнографи Чўқон Валихонов ҳақ. У халқ оқ қушни отиш мумкин эмас, деб ҳисоблаши, зеро, уни бахтсаодат ифодачиси, деб билиши ҳақида ёзади. Дарҳақиқат, халқ оқ рангга ихлос қўйган. Ўзбек ва қозоқ халқи оқ илонга илонлар подшоси деб қараган. Унинг оёғини кўрган киши энг бахтли одам ҳисобланган. Ҳатто оқ илоннинг боши ёки пўстлоғини ўтов ёки беланчакларга боғлаб қўйганлар, «у болани ёмон кўздан, жин, ажиналардан асрайди», деб ўйлаганлар. Фольклоршунос М. Сакалининг гувоҳлик беришича, туркман халқида ҳозир ҳам бир қадим

оқ кийимдаги чол ёки қаландар, дарвиш, Хизр қиёфасидаги образлар сеҳрли кучга эга: улар қутилмаганда ҳозир бўлиб, қаҳрамонларга, муҳтожларга яқиндан кўмак берадилар. «Хусанжон» деган ўзбек эртақда бефарзанд бойга бир қаландар келиб беҳи, анор, олма беради ва учта ўғил кўришини айтади. Қозоқ эртақи — «Авазхоннинг қирқ ўғли»да кенжа ўғил оқ кийимдаги чол ёрдамида ўттиз тўққиз аксининг қўлидан келмаган ишни бажаради. Бундай мотивларни бошқа туркий халқлар эртақларида кўплаб учратамиз.

Демак қадимий туркий халқлар оқ рангда сеҳрли куч бор, деб қараганлар. Бу ранг қайси образ ёки қайси предмет билан ёнма-ён келмасин, унда ана шу сеҳр кучи сезилиб туради.

«Оқ» эпитети билан боғлиқ рамзий ифодалар дунё халқлари фольклориде муштараклик хусусиятига эга экани бежиз эмас. Бу муштараклик кишилик тараққиёти қонуниятларининг умумий типологик хусусиятлари, образли тасаввур этиш ва бошқа бадийат воситалари самарасидир.

Хуллас, ўзбек халқи ҳам ўз меҳнати, ҳаёти ва ижтимоий тараққиёти жараёнида оқ рангга хилма-хил рамзий маънолар берди. Унинг илк маъносини бойита бориб, бизнинг замонамизда ҳаётни, эзуликни акс эттирувчи бадий воситага айлан-тирди.


Худойберган ЭГАМОВ,
филология фанлари кандидати



ТУШЛИК.




ОҚТОШДА.



НАТЮРМОРТ.

ЗВЕНО БОШЛИФИ.

ТЕРАКЛАР.



АДИБ ХОТИРАСИ

1927 йил. Наримонов номидаги педагогика техникумининг тайёрлов курсида ўқирдик. Бир кунни ётоқхонамизда овоза бўлиб қолди: талабалардан кимдир «Ўтган кунлар» романини келтирган эмиш, кечқурун тўпланиб ўқишар эмиш... Хуллас, катта бир хонага йиғилишиб китобни бир-икки кеча ўқиб туширдик. Романи кейин яна қайта ўзим ўқиб чиқдим. Шундан сўнг, менда негандир, бу асар ёзувачиси билан учрашиш, сўзлашиш ҳаваси туғилди ва ўйлаб у киши билан кўришишга жазм этдим. Талабалардан сўраб билдимки, ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) Бешёғоч даҳа, Эшонгузар маҳалласида яшар эканлар. Эрта кўклам эди. Бир кун ётоқдан чиқиб, йўлни тахмин олиб жўнадим. Сўроқлай-сўроқлай Тупроқ қўрғон, Уқчи, Қоратош, Чақар, Маъдалихон каби маҳаллалардан ўтиб, Эшонгузар маҳалласига келдим. Чойхонадан ўтгач, бешик орқалаб келаётган бир кишидан сўрадим: — Амаки, Абдулла Қодирийнинг уйлари биласизми?

— Ҳа, мана шу бораверишдаги биринчи ўнг қўл кўчага бурилсиз, охиридаги ўнг тарафдаги катта терраклик уй.

Раҳмат айтиб, ўша томонга қадам узган эдим, орқадан келаётган бошқа бир киши:

— Жулқунбойни сўраяпсизми, мулла, у киши чойхонада ўтирибди, мен ҳозир ўша ердан чиқдим,—деб қолди.

Турган жойимда бир фурсат ўйлашиб қолдим: «Чойхонада одам кўп бўлиши мумкин, айнақса, маҳалла чойхонасига бегона кирса, дарҳол билинади, ноқулайлик... Кейин, у киши: «Нима ишинг бор?» деса, нима дейман? Шундан-шунга келиб, кўришмай кетиш... Кириб, бир чеккада чой ичиб ўтириб, у кишининг чиқишини кутсаммикин?»—деган хаёлларга бордим. Журъатланиб чойхонага кирдим, дераза ёнида ўтирган Абдулла Қодирийни дарҳол танидим. Худди китобдаги суратининг ўзи.... У киши замонавий кийинган, бошларида мош ранг юмалоқ духоба дўппи. Абдулла аканинг ёнларига бориб, астагина ўтирдим. У кишида юмушим борлигини сезган чойхўрлар бизни холи қўйиб, ўзларича сўзлаша бошладилар.

— Келинг, мулла йигит, ким бўласиз, қаердансиз?

— Исми—Раҳматулла, Наримонов номидаги техникумда ўқийман,—деб уялиқираб сўз бошладим,—адабиётга қизиқаман. Яқинда «Ўтган кунлар» романингизни ўртоқлар билан ўқидик, жуда ёқди. Лекин романдаги баъзи сўзларга тушунмадик, шуни сиздан сўрагани...

— Жуда яхши, марҳамат, қайси сўзлар?

Мен ёнимдан ўзим тушунмаган сўзлар рўйхати ёзилган дафтарчамни олиб, у кишига узатдим.

Абдулла ака ёнларидан қалам чиқариб рўйхатдаги сўзлар маъноси-ни ёнига тез-тез ёзиб чиққач, тушунтира бошладилар...

Бизнинг суҳбатга ёнимизда ўтирганлар ҳам қизиқиб қулоқ солишарди. Суҳбатимиз бирор соат давом этди. Адиб менинг нечанчи курсда ўқиётганим ва оилавий аҳволим тўғрисида ҳам қизиқдилар. Мен раҳмат айтиб хайрлашарканман, у киши: «Меҳмон қилолмадик, узр, келиб туринг», дедилар. Мен ўз муваффа-

ёзувчи Раҳмат Азизхўжаев — Абдулла Қодирийнинг яқин мухлис-ларидан бири. Баъзан ўзи, баъзан рафиқаси билан бизникига меҳмон бўлиб келиб туришар эди. Бир бор биз ҳам (дадам, амаким ва мен) уларнинг Унқўрғондаги боғига борганимизни хотирлайман. Раҳмат ака «Меҳробдан чаён» романидан нусха кўчиришда қатнашган. Ушбу хотираларни ўқиб чиқдим.

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ

қиятимдан ва у кишининг камтарона муомаласидан жуда хурсанд бўлиб қайтдим.

Уша кезларда, бир гал, адабиёт ўқитувчимиз бизга эркин мавзуда иншо ёздирди. Мен иншони тарихий мавзудан танлаб, Қўқон хонлиги даврида зулм кўрган Али ота исмли бир темирчи ҳақида беш-олти қоғоз «ижод» қилдим. Иншога эса «Адолтсизлик қурбони» деб ном қўйдим.. Ёзган нарсамга ўқитувчимиз яхши баҳо берди. Шундан сўнг менда ушбу иншони кенгайтириб ҳикоями, қиссами ёзиш ҳаваси туғилди. Шу баҳонада маслаҳат сўрагани Абдулла Қодирийнинг уйига яна бордим.

Адибнинг шаҳар ҳовлилари ички ташқили эди. Қўш тавақали каттагина кўча эшикларини тақиллатиб ташқари ҳовлиларига кириб борарканман, фанерга ёзиб эшик тепасига қоқиб қўйилган шу сўзларни ўқидим: «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди». Ижодга ҳалал беришмасин деб, бу эълонни ёзган бўлсалар керак, деб ўйладим.

Абдулла ака уйда эканлар. Ижодхоналарига таклиф қилдилар. Уйлари катта, кунгай, оқланган, тоқилари ҳаво ранг қилиб бўялган, қўш деразали, гилам тўшалган, тоқчаларига чинни асбоблар терилган, сандалкурси теварагига узун гиламча қоқилган эди. Абдулла ака ўтиришга жой кўрсатиб, курси устида ёзиб

ўтирган қоғоз-қаламларини ёнларига олиб қўйдилар.

— Келинг, Раҳматулла, уй ичларингиз тинчми, ўқишларингиз қалай?

Абдулла аканинг бу хил илиқ, меҳрибонона, камтарона сўзларидан энгил тортидим, ўзимни бемалол сездим. Тўққиз-ўн ёшларда бўлган катта ўғиллари Ҳабибулла чой-дастурхон келтирди. Суҳбат асноси мақсадга кўчиб, ўз ниятимни изҳор қилдим. У киши ўткир кўзларини югуртириб, иншоимни бир пасда ўқиб чиқдилар. Мен бўлсам, ўқитувчиси олдида имтиҳондан ўтаётган талабадек ҳаяжонланиб ўтирибман...

— Ниятингиз яхши,—дедилар Абдулла ака бир мунча вақт ўйланиб ва менга бир қараб олиб давом этдилар,—лекин бошловчи киши бирдан катта асарга уринмаслиги, олдин кичик-кичик мақола, ҳикоялар ёзиб анча вақт ҳадис орттириши керак. Аксинча киши қийналиб қолади... Шу чоққача матбуотда бирор нарсангиз босилиб чиққаними?

— Йўқ... деворий газетада битта-яримта...

— Ана, кўрдингизми, сиз тўсатдан қисса, роман ёзмоқчисиз... Кечирасиз, эҳтимол, сизда бунга қобилият бордир... Мен бу гапни ўз тажрибамдан ва бу тажрибани кўпгина ўзга ёзувчиларнинг ижодий

ўсишларида ҳам кузатганлигимдан айтаяпман... Сиз ёзинг, кўп ёзинг. Кўриб, қўлдан келганча тузатиб бериш биздан...

Бу сафар мен янада мамнунроқ қайтдим. Шундай улуг, олижаноб бир киши билан танишиб олганимдан хурсанд эдим.

Бир кўклам чоғи эди. Қодирийлар уйига бордим. Тасодифан шу кун уйларида катта зиёфат бўлаётган экан. Ташқари ҳовлиларидаги катта меҳмонхонада ўн-ўн беш чоғлик тенгқур, замонавий кийинган меҳмонлар улфатчилик қилиб ўтиришар эди. Меҳмонлар шўрвадан сўнг тўп ўйнаб, чигил ёзиб қайтмоқчи бўлишди. Мен ҳам бордим.

Меҳмонлар текис майдонда тўп—«палка» ўйинини бошлашди. «Палка» ўйини ҳозир деярлик ўйналмайди. У шундай: ўйинчилар икки гуруҳга бўлинади. Бир гуруҳ ўйинчилар тўпни таёқ билан уриб осмонга отиб маълум маррагача қочиб боради. Иккинчи, «овда» турган гуруҳ ўйинчилар отилган тўпни тутиб олиб қочувчиларни уради. Агар қочувчилардан бирига тегса, ўша гуруҳ ўйинчилари ютқазган ҳисобланади.

Едимда, Абдулла ака ўйинда иштирок этганларида, кўкрак чўнтақларидаги «Мозер» (фирма) соатини аяб, қўллари билан маҳкам босган ҳолда маррага қараб югурардилар. Кейин ўйинга қизиқиб кетгач, кителни ечиб қўйдилар.

Уйиндан сўнг Абдулла ака меҳмонларни Камолон дарвозаси тарафда сақланиб қолган шаҳар қўрғони қолдиқлари томон бошлаб бордилар. Икки-уч одим узунликдаги сап-сариқ тупроқли, у ер-бу ерлари нураб ўпирилиб туясимон тус олган, кенг, юксак девор ҳамон

П. ВОРОНКИН
чизган расм



савлат тукиб турар эди... Бу кўна девор меҳмонларни ҳайратда қолдирди. Сўнг, қабристонга кирдик ва унда мажнун бир девонани кўрдик, сўзлашдик. Бу кўрганларимиз «Ўтган кунлар»да тасвирланган баъзи манзараларни эслатар эди. Масалан, шаҳар кўрғони, Хўжа-маоо қабристон ва мажнун девона тасвирларини...

Бир сафар Қодирийнинг уйларига борганимда, тил, луғат бойлиги хусусида гап бўлди. У киши:

— Ёзувчи бир неча тилни билмоғи, айниқса, луғат бойлигига эга бўлмоғи шарт. Бусиз унинг ёзганларида «шира» бўлмайди,—дедилар ва менга бир китоб тақдим этдилар.—Бу китобни ўқинг, луғатимизга кирган араб сўзларининг маъноси берилган. Бундан мен ҳам фойдаланганман...

Мен раҳмат айтиб китобни олдим. Китоб инқилобдан олдин чоп этилган бўлиб, араб тилини ўрганувчиларга қўлланма экан. Китобнинг титул бетида Қодирийнинг «1916 йилда бошладим» деган дастхати бор эди.

1928 йилнинг қиш чиқиши олди эди, шекилли, бир кун Абдулла ака бизни—тўрт-беш техникум талабаларини уйга чорлаб, янги ёзиб тамомлаган «Меҳробдан чаён» романидан нусха кўчириш учун ҳашар уюштирдилар. Биз меҳмонхонада қатор кўйилган хонтахталар ёнида тизилишиб ўтириб, кўк сиёҳ қаламда нусха кўчирдик. Абдулла ака қўлёзмадан боб-боб қилиб ҳар биримизга бўлиб бериб турдилар. Қўлёзма дона-дона, чиройлик, равшан ёзилган, ўчириб ёзилган жойлари жуда оз эди. Нусха кўчиришда иштирок этганлардан Ҳамид Сулаймон, Фазлиддин Ҳошимов, Мансур Ризқийлар ёдимда қолган...

Бу ҳашарда мен Солиҳ маҳдум образи тасвирланган бобларни кўчирган эдим. Кўп кун ўтмай маҳдум образидан руҳланиб, «Ой куйганда Маҳдумнинг фатвоси» номли бир ҳажвий ҳикоя машқ қилдим.

Биз, «Меҳробдан чаён»ни кутиб юрар, роман эса нашрдан чиқиш

арафасида эди. Бир куни кечга томон тасодифан Абдулла акани учратиш қолдим. Билишимча, у киши босмахонадан чиқиб келар эдилар. Кўришиб, қаёққа кетаётганлигимни сўрадилар.

— Уйга,—дедим.

— Бўлмаса, вақтингиз бор экан, юринг, мен сизни бир жойга меҳмонга олиб борай,—деб қолдилар.

— Раҳмат, Абдулла ака...

У киши менинг ўнғайсизланганимни кўриб қистаган бўлдилар.

— Юринг, бирга бориб қайтамиз.—Трамвай бекатига томон бораётиб изоҳ бердилар:

— Борадиган еримиз—гап-гаштак, мени меҳмон тариқасида таклиф этишган. Ёлғиз ўзимдан кўра икков далда бориб келамиз...

Трамвайга ўтириб Тахтапулга томон кетдик.

— Хабарингиз борми, Раҳматулла? «Меҳробдан чаён»нинг босмадан чиқиши яқинлашиб қолди. Мана, корректураларини ўқияпман,—дедилар—да, трамвайда бораётган бўлсак ҳам, Абдулла ака романнинг бир даста корректурасини олиб кўрсатдилар. Мен дарҳол араб алифбосидаги корректураларни варақлаб кўрдим. Корректуралар кичкина китоб формасида эди. Биринчи роман («Ўтган кунлар»)ни катта форматда ўқиб ўрганиб қолганимиз учун, бу формат ёқмагандек бўлди. Мен эътироз билдирдим:

— Нега бу китобингизнинг бичими «Ўтган кунлар»никига ўхшаш журнал бичимида бўлмади?

— Сиз Горькийнинг «Она» романини кўрганмисиз?—деб сўрадилар Абдулла ака, жавобимни кутмай давом этдилар.—«Она» романи ана шундай кичик форматда босилган. Биз аввалда билмаган эканмиз, роман аслида шундай кичик бичимда бўлиши керак экан...

Биз Тахтапулда трамвайдан тушиб, Кайковус суви яқинидаги бир ҳовлига юзландик. Уй эгаси бизни очиқ юз билан қарши олиб, тахта зинадан кўтарилиб, ҳашаматли болохонанинг катта бир хонасига етак-

лади. Уйда илтирма беш-ўнга чўли меҳмон бор эди. Истиқбол қилиб ҳаммалари қўзғалишди, тўрдан жой кўрсатишди.

Кексароқ басавлат бир киши, чамаси Абдулла акага эски таниш шекилли, ҳазил қилди:

— Ваҳобжондан эшитдик. Ёзаётган янги романингиздан баъзи жойларини гапда ўқиб берибсиз. Биз Ваҳобжонга: «Агар Жулқубой кели, бизга ҳам ўша янги ёзаётган китобидан ўқиб бермаса, гапингга келмаймиз», дедик.

Кулишдик. Шўрвадан кейин, «Қани эштайлик», деб таклиф қилишди. Абдулла ака ёнларидаги ҳалиги корректураларни олиб, варақлаб, «Баримта» ва «Қўрқинчли бир жасорат» бобларини очиб менга узатдилар. Мен ўқидим.

Ёдимда, шунда ҳамма жим ўтириб тингларкан, Раҳим, Шарифларнинг аҳдлашишига келганда, кимдир, серзавқ киши бўлса керак: «Э, яшаворларинг, эр йигитлар, мардлик мана бундақа бўлади-да!» деб юборди ва Анварнинг Худоёрхон билан учрашувига келганда, «Барака топ, йигит, қойил жавоб қилдинг!», деб қўйди.

Ўқиш бир-икки соат давом этди. Сўнг асар «муҳокама»сига ва ундан тарихий воқеаларга, турли кўрган-кечирган хотиротларга, аския, пайровларга ўтилди. Қарийб тун ярмида меҳмондорчиликдан чиқдик.

Мен Абдулла аканинг Самарқанд дарвозасидаги боғларида ҳам кўп марта бўлгандим. У киши оталаридан қолган паст-баланд, жарлик ерларни ўз қўл кучлари билан обод қилган эди. Ичин-ташин бинолар, ўша кезларда «Жулқубойнинг шийпони» деб шаҳарга машҳур бўлган бир гўзал жой эди.

Ўзбекистон Давлат нашриётида адабий муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Ишим кўплиги ва зарурат йўқлигидан Абдулла аканинг уйларига анча вақт бормай юрсам-да, ундан-бундан у кишининг қишлоқ-колхоз ҳаётидан «Обид кетмон» деган катта бир асар ёзаётганликларини эшитиб юрардим.

1932 йилнинг қишгида, бадарми миди, бир куни Абдулла аканинг боғ уйларига бордим. (Улар бу чоқларда боғда қишлайдиган бўлишганди). Сандалда ўтирдик. У киши «Обид кетмон»ни ёзиш билан банд эканлар. Курси устидаги узун камбар қоғозларга ёзилган қўлёзмалардан бир нечасини, «Ўқинг», деб менга узатдилар... Мен жимгина ўқийман. У киши ижод билан бандлар...

— Қалай?—деб сўрадилар, мен бир неча қоғозни ўқиб чиққанимдан кейин.

Мен кулдим:

— Сиз ёзасизу қалай бўладими?.. Бироқ, мен асардаги бир сўзга эътироз билдирдим:

— Бригадир сўзини «бўлтакбоши» деб ишлатибсиз... Маъноси тўғри келармикан?..

— Нега тўғри келмайди?—деб сўрадилар Абдулла ака.

— Колхознинг бир бригадасида эллик-юз гектарга қадар ер бўлиши мумкин. «Бўлтак» дейилганда бу қадар катта ер маъноси англашилмайди...

Абдулла ака ўйланиб қолдилару ҳеч нарса демадилар. Лекин китоб босилиб чиққач, ўқиб кўрсам, ўша сўз «бўлтак» ва «бўлтакбоши»лигича қолдирилибди.

Ўша куни, фурсатдан фойдаланиб адибнинг режалари ҳақида сўрадим:

— Абдулла ака, буни-ку бошлабсиз,—дедим «Обид кетмон»нинг қўлёзмасига ишора қилиб.—Эндиги режаларингиз қандай?

— Ҳамза театрига бир комедия ёзиб беришимни илтимос қилишяпти. «Намоз ўғри» ҳақида ёзмоқчиман.

Абдулла аканинг ёзмоқчиман деганлари менга аниқроқ, навбатда ёзадиган асарим—шу, «Намоз ўғри» дегандек туюлди.

Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг улуғвор сиймоларидан бири сифатида кўз олдимда ҳамisha гавдаланиб туради. Мана, ўша суҳбатлардан буён бир неча ўнлаб ҳикоялар, бир неча қиссалар ёзган бўлсам-да, ҳамон ҳурматли китобхонларимизга манзур бўларлик бирор асар ёзиш ниятим йўқ эмас.

ЧИНОРЛАР МУЗЕЙИ

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлишингиз мумкин. Лекин шундай музей республикамизда мавжуд. Ҳар куни ўнлаб томошабинлар музейни зиёрат қилиб чиқмоқдалар...

Ургут районидаги Чорчинор мавзеи, у ердаги қайнар булоқ, шифобахш сув, ғаройиб баляқлар, булоқ атрофида бўй чўзган кекса чинорлар кўпдан бери саёҳат ишқибозларининг диққат-эътиборини тортиб келар эди. Район партия комитети ва совет ташкилотлари жамоатчилигининг фикрини ҳисобга олиб, бундан уч йил аввал мазкур мавзеда Чинорлар музейини таш-

кил этдилар. Унгача мутахассислар чақирилиб, кекса чинорларнинг сонини, уларнинг ёши аниқлаб чиқилди. Ҳаммаси бўлиб 44 та азим дарахт кекса чинорлар рўйхати кирди. Улардан 8 тасининг минг ёшга кирганлиги, қолганларининг саккиз юз, беш юз, уч юз ёшда эканлиги қайд этилди.

— Биз районимизда шундай музей ишлаб турганидан фазрланамиз,— дейди Ургут район партия комитети пропаганда бўлимининг муdiri Хушвақт Нурмуҳамедов.— Гарчи Чинорлар музейининг очилганига уч йил тўлаётган бўлса ҳам ҳали бу зиёратгоҳ ўзининг ташкилий даврини бошдан кечир-

моқда. Ҳозирча музей территориясида майда-чуйда бинолар кўпроқ. Бир маҳаллар бу ерда пионерлар лагери жойлашган эди. Вақти билан айрим бинолар бошқа жойларга кўчирилди. Ана шунда Чорчинорнинг ҳусни-жамоли яна ҳам очилади. Музей ходимлари бу ерда яна ўнлаб ёш чинорларни экиб, ўстириш сингари қатор ташкилий ишларни режалаштирганлар...

Ургут районидаги Чинорлар музейи шу кунларда фақат республикамизнинг саёҳат ишқибозларини эмас, балки Иттифоқимизнинг барча республикаларидан, чет эллардан келган туристларни ҳам қабул қилаётир.



НАВҚАТ МУЪЖИЗАСИ

ҚАРШИ шаҳри яқинидан топилган археологик буюмлар кишини ҳайратга солади. Тарих китобларида ўқиганларимиз хотирга тушади: ...Эрамиздан аввалги 329 йили Искандар Зулқарнайн Урта Осиёда юриш қилади. Қудратли, гуллаб-яшнаётган Бақтриянинг бой шаҳарлари — Бухоро ва Марокандани (ҳозирги Самарқандни) босиб олиш унинг бош мақсади эди. Юнон қўшинлари Бухорони забт этгач, Мароканда томон йўл оладилар. Аммо Искандар тўсатдан ярим йўлда ўз армиясининг бир қисмини жануби-шарққа — Навқат шаҳри томонга буришга буйруқ беради...

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, жаҳонгирнинг аъёнлари орасида Мелкенон исми табиб ҳам бор экан. Аслида у ўшлигида кўчманчиларга асир тушган ва кўчманчилар уни яхши шифокор сифатида Навқат ҳокимига сотишган. Табиб Навқат подшоси оиласида ўн йилдан ортиқ хизмат қилган. Бу давр ичида шаҳар қалъасининг тузилиши, сарой ҳаётининг бутун сир-асрори унга аён бўлган.

Мароканда йўлида Мелкенон Искандар чодирига кириб, жаҳонгирни ўз билганларидан воқиф этади ва гап орасида Навқат подшоси Сесимитра қўлидаги уч мўъжиза тўричисида ҳам кистириб ўтади. Биринчи мўъжиза: игналари ферузадан ишланган олтин типратикон бўлиб, маҳаллий аҳоли олтин типратиконни муқаддас билар ва унга сифгар экан. Иккинчи мўъжиза: йирик зумраддан бениҳоя моҳирлик билан ясалган муқаддас яшил қурбақа экан. Типратикон билан қурбақа ибодатхонада сақланар ва катта байрамларда, худоларга сифғиш маросимлари пайтида халққа кўрсатилар экан.

Мелкенон учинчи мўъжиза ҳақида алоҳида тўхталади. Мўъжиза қўлидаги таёғига лочин кўндириб турган жангчининг феруза тошга ўйилган тасвири эди. Жангчи тасвири ўткир заргарлик нафосати билан ўта нозик ва аниқ, тирноқдек келадиган ферузага ўйиб ишланган экан. Ана шу феруза ўрнатилган узукни Навқат подшоси чап қўлига тақиб юрар экан. Табибнинг айтишича, бу узук мардлик, жасорат ва оқиллик рамзи эмиш. Узукка эга бўлган киши ҳеч қачон мағлубият аламини тортмас, ҳеч қандай ёвга бўйсунмас эмиш. Узук эгасининг мамлакатидagi халқ мангу бахтиёр яшар эмиш.

Табибнинг ҳикоясини эшитган Зулқарнайн асосий кучларига Мароканда томон юришни давом эттиришга фармон беради, ўзи эса бир қисм аскарлари билан Навқат устига отланади. Шаҳар қалъаси улғувор ва қудратли эди. Қалъа деворининг баландлиги қирқ қулочдан ортиқ ва беш чақирим узунликдаги девор халқа бўлиб шаҳарни ўраган эди. Ичкарида иккинчи қалъа девори, унинг ҳам ичкарида эса сарой қалъаси — шаҳристон бор эди.

Навқат девори ёнида тўхтаган жаҳонгир шаҳарни олиш осон эмаслигини билади. Аммо гўзал нарсаларнинг қадрига етадиган, ноёб буюмларни зўравонлик йўли билан ўзгалардан тортиб олишга одатланган подшо қалъага ҳужум бошлайди. Босқинчилар Навқат қалъасини эгаллаш учун икки ҳафта ҳаракат қилдилар. Бироқ улар қалъа ҳимоячилар

нинг собит иродаси ва жасоратини енга олмадилар. Шу орада Мароканда остонасидаги қонли жангларда асосий қўшиннинг аҳволи оғирлашганлиги ҳақида хабар келади ва Искандар Навқатни тарк этишга мажбур бўлади. Тақдир тақозосига кўра у Навқатга қайтиб келолмайди ва шаҳарнинг уч мўъжизасидан воқиф бўлолмайди...

Навқат Искандардан кейин ҳам кўп асрлар яшади. Вақти-вақти билан қайта қурилиб турган, қалин деворлар ўраган қалъада ҳаёт бир маромда кечарди.

VII асрда Навқат устида яна қора булутлар пайдо бўлди: шаҳарга араб босқинчилари қилич кўтариб келдилар. Улар шаҳарни хонавайрон қилиб, ер юзидан супуриб ташладилар. Халқ қирғин остида қолди. Омон қолган кишилар даҳшат ичида мазористонга айланган шаҳарни тарк этадилар...

Қизиги шундаки, ерли халқ ҳозир ҳам қадимги Навқат подшосининг сеҳрли узуги ҳақидаги афсонани айтиб юради. Бу айни ўша, биз ҳикоя қилаётган, Искандар Зулқарнайн қўлга кирита олмаган мўъжизавий узук ҳақидадир... Ривоят қилишларича, араб босқинчилари шаҳарни олти ой қамалда тутганлар. Шаҳар ҳимоячилари мардона олишганлар. Бироқ озиқ-овқат, сув тугаб қолади. Шунда шаҳар аҳолисининг каттадан-кичиги бир бўлиб қалъа деворига чиқади ва сўнгги жангчи қолгунча курашни давом эттиради. Қалъа мудофаасига бошчилик қилган шахзодани сўнгги дақиқаларда араблар ўраб олишади, улар «Подшони қўлга туширдик!» деб аюханнос тортган пайтларида шахзода чап қўлидаги сеҳрли узукни ютиб юборди ва хангу манг бўлиб қолган арабларнинг кўзи ўнгида самога парвоз қилади...

Лекин ҳаёт ўз қонуниятига кўра давом этади. Кузда қуриб битган майсалар баҳорда яна бош кўтарди, яшин урган чинор танасидан янги шохлар ўсиб чиқади. Араб босқинидан сўнг одамлар Навқат ёнида янги чиройли шаҳар қурадилар. Бу Насаф шаҳри эди. Орадан бир неча аср ўтиб, Насафнинг бошига ҳам Навқатнинг куни тушади. Чингиз навқарлари уни аямай талайдилар, шаҳарга ўт қўядилар. Босқинчилар дастидан шаҳар улкан харобага айланади.

Бироқ Қашқадарё воҳасида ҳаёт тўхтаб қолмади. Насаф вайроналари ўрнида янги шаҳар пайдо бўлади. Одамлар бу шаҳарни Қарши деб атайдилар. Шаҳар номининг ўзида чуқур маъно бор эди. Қарши, демак, барча душманлар ва бузғунчиларга қарши, шаҳарларни ер юзидан супуриб, абадий йўқ қилишдек ёвуз ниятли барча босқинчиларга қарши

демакдир. Қадим аجدодлар Навқат ва Насаф ўрнида бунёд этган шаҳар номи шундай маънони ифодаларди.

Октябрь инқилобигача Қарши Бухоро амирлигининг вилоят шаҳарларидан бири эди. Россияда юз берган умумбашарий ўзгариларнинг ҳаёт-бахш шамоли унга ҳам етиб келди. 1920 йилги Бухоро инқилобидан сўнг Қарши шаҳри ҳам бамисоли киши эски кийимини ечиб улоқтириб ташлагандай аста-секин яшара бошлади. Қадим Қашқадарё воҳаси тубдан янги қиёфа касб этди. 1973 йили партия ва халқ иродаси билан Қарши чўлида миллион гектар ер ўзлаштиришга қарор қилинди. Чўлнинг кўп асрлик чанқоғини қондириш учун Амударё сувини Қарши чўлларига буриб келиш керак эди.

Қарши магистрал каналининг қурилиш зонасида тарихий Навқат харобаси — Ерқўрғон ҳам бор эди. Ерқўрғонга аввало археологлар келдилар. Улар эҳтиётлик билан, қаричма қарич тарих қатламларини оча бошладилар. Тонналаб тупроқ ғалвирдан ўтказилиб, синчиклаб текшириб чиқилди. Қазилар яна давом эттирилди. Археологлар кўзи олдида ибодатхонанинг ғиштин хоналари намоён бўлди. Навқатнинг энг ҳашаматли иморати — ибодатхона очилди. Хоналардан бирда ғишт синиклари орасида... бебаҳо буюмлар гадоси — Искандар Зулқарнайннинг кўзини ўйнатган ўша машҳур феруза игнали олтин типратикон хира ялтираб ётарди! Сарой ибодатхонасидаги меҳроб ёнида эса Навқатнинг иккинчи мўъжизаси — яшил ақиқ бақа топилганда кўпни кўрган археологлар ҳам ҳайратдан ёқа ушладилар. Афсона уларнинг кўзи ўнгида ҳақиқатга айланди. Худди шу ердан сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахита ҳайкалчаси ҳам топилди. Ёш ва тиришқоқ археолог Рустам Сулаймонов Навқатнинг учинчи мўъжизаси — қўлига лочин кўндирган овчи тасвири туширилган қўзлик узук қаердадир мана шу вайроналар остида ётганига ишонарди. У экспедиция аъзолари билан бирга шаҳар харобаларида етти йил қазилар ишлари олиб борди. Бироқ аждодларнинг сеҳрли узуги анқо қушидай нишонсиз ғойиб бўлган эди. Наҳотки, муқаддас узук душман қўлига тушган бўлса? Ёки узук ҳақидаги гап афсонамикин?

Археологлар қадимий қабристон — қўрғонни очишди. У ердан куллик буюмлари омбори топилди. Омборда нафис нақшлар солинган, чиройли кўзалар, катта хумлар, отлар ва туяларда сув ташиги мўлжалланган сувдонлар, сопол ўйинчоқлар уйилиб ётарди. Буюмларни Навқатнинг қўли гул кулоплари бундан 1500 йил илгари ясаган эдилар. Бундай кўп миқдордаги қадимий сопол буюмлар

Урта Осиёда биринчи марта топилди.

Навқат подшоси саройи уч метр қалинликдаги қум ва тупроқ остига кўмилиб кетган эди. Сарой тупроқ қатламидан тазалангандан сўнг узунаси 100 метр ва эни 60 метрли девор билан ўралган улкан иморат юзага чиқди. Сарой деворлари худди қалъадек йирик ғишт билан ўралган, тўрт томонида ўқ отадиган туйнуклари бор эди. Сарой жуда мухташам қурилган: марказида улкан зал, қабул маросимлари ўтадиган хоналар, шоҳ хобгоҳи, аёллар хоналари батартиб жойлашган. Саройдаги озиқ-овқат омборидан дон тўлдирилган хум топилди. Маълум бўлишича, қамалдаги шаҳар аҳолиси оч қолган бўлсада, уруғлик донга тегмаган, яхши кунларда ерга яна уруғ селишга умид боғлаган...

Археологик қазилар ҳам тугади. Сеҳрли узукдан умид узилган бир пайтда, 1980 йилнинг ўрталарида археолог Рустам Сулаймоновнинг ўткир назари шапалоқдек қотган лойга тушди. Бамисоли кимдир бир парча лойни қўлида ғижимлаб ташлаб юборгану, лой қотиб, тупроқ орасида сақланиб қолган эди. Буни қарангки, ана шу бир парча лой ичидан ўша машҳур ақиқ тошли узук чиқди!

Ақиқ тош жимитдеккина: узунлиги 16 миллиметр, диаметри 6 миллиметр ва эни 1,5—2 миллиметр эди. Қондек қип-қизил ақиқнинг ўртасида оқиб ётган ирмоқчаларга ўхшаш тарам-тарам оқ чизикчалар бор. Ақиқнинг силлиқланган юзасига таёғига лочин кўндирган овчи тасвири туширилган. Овчи қадди-қоматининг узунлиги бир сантиметрга етар-етмас, аммо инсон гавдасининг барча гўзаллиги унда акс этган эди. Овчининг мускуллари қабарик, бақувват ва таранг қўлидаги таёққа лочин кўндирилган. Мана шу бир сантиметрли тасвир ўзида бутун бошли полотнони, бутун бир даврни акс эттириши билан қимматлидир. Бу, инсоннинг санъатдаги камолот чўққиси, инсон доғишмандлиги ва маҳоратининг рамзи эди. Узук кўзидаги овчи тасвирда инсон орзу-умидлари, эзгу ниятларининг авлоддан авлодга ўтиши алоҳида зукколик билан ифодаланган эди.

Жаҳон санъатшунослигида тасвирий санъатнинг бу ноёб тури «инталий» деб аталади. Инталийлар кўп топилган. Яъни, шу пайтгача жаҳон археология фанига юздан ортиқ инталий маълум. Шуниси қувончликки, Қарши шаҳри атрофидан топилган ақиқ тошдаги тасвир каби инталийнинг тенги жаҳонда йўқ!

Қарши инталийсини ким яратганлиги номаълум. Аммо қадимги Навқатнинг бу мўъжизасида ҳаётнинг туб маъноси — гўзаллиги акс этган.

Узоқларга тикилиб турган овчи тасвирланган узук билан ёнма-ён сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Анахита ҳайкали Навқат аҳолисининг ўша узоқ даврларда ҳам янги ерлар очишга, чўлга сув чиқаришга бўлган муқаддас орзусининг ифодасидир. Қадимги Навқат чўлларига сув чиқариш кўҳна дунё учун бир орзу, одам ҳаёл қилиши мумкин бўлган мўъжиза эди. Халқ орзуси санъат асарларида муҳрланиб авлодларга етиб келди. Навқатдан топилган узук кўзидаги орзу мана бугун рўёбга чиқди. Қадимий Қарши чўллари партиямиз амри, қаҳрамон замондошларимиз қудрати билан боғ-роғларга, пахтазорларга, яшнаган воҳага айланмоқда.

Археолог Рустам Сулаймонов бошлиқ экспедиция аъзолари Қарши шаҳри этагидagi қадимги Ерқўрғон қалъаси харобаларидан топган турли сопол идишлар, игналари ферузадан ишланган олтин типратикон қолдиги халқимизнинг этнографик тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.



СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ

Ижод аҳли, хусусан, шоир ва ёзувчининг жамиятда тутган ўрни, қадр-қиммати, ўзи яшаган муҳитда қайси позицияни тутганлиги ва кимлар учун хизмат қилганлиги билан белгиланади. Агар адиб адолат жарчиси бўлса, давр ташвишларидан ҳеч қачон ҳоли яшай олмайди. Энг муҳим ижтимоий воқеалар унинг ижодида ўз аксини топади, албатта. Чунончи, шоир Сидқий Хондайлиқий ҳаёти ва ижодий фаолиятига назар солар эканмиз, унинг бутун умри давомида мазлум кишилар билан бирга одим ташлаганини ва уларнинг оруз-истакларини тараннум этганини кўраемиз.

Сидқий—шоирнинг тахаллуси. Асл номи—Сирожиддин. Сидқийнинг Хондайлиқ қишлоғидаги билимли ва маърифатпарвар Мирзоид ота хонадонидида 1884 йил дунёга келганлиги аниқланди. Шоирнинг ўз кўли билан ёзиб қолдирган ва ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган «Ҳолоти Сидқий» сарлавҳали таржима ҳолида шундай сатрлар бор: «Сирожиддин маҳдум Сидқий 1302 сана ҳижрияда Тошканднинг шарқ ёғинда олти ёғоч йироқликда бўлгон Ҳандаклиқ ўлкасинда дунёга келиб, тахминан 6—7 ёшларида саводи чиқиб, ўзидан буюкларга сабақ бера бошлади...» 1302 ҳижрий сана эса мелодийда 1884 йил демакдир. Ваҳоланки, бу пайтгача Сидқий 1882 йили туғилган деб ҳисобланар эди.

Ёшлиги тоғ бағридаги қишлоқда кечган Сидқий табиатга чинакамгина ихлос қўйган эди, гўзаллиқни, ҳаётни жуда-жуда севарди. Тиниб-тинчимас шоир тоғлардаги ёввойи мева дарахтларини маданийлаштирар, доривор ўсимликлар уруғини селиб кўпайтирар, ҳовли ва боғларда гулзорлар барпо этар, ўша чаманзорларда асаларилар боқар, сафир (хуштак) чалиб сайроқи қушлар билан «тиллашарди». Унинг ҳовлисида турли-туман сайроқи қушлар доим гавжум бўлишини, ариқ ёқасида ўсган катта тол дарахтида эса ҳар йили бир жуфт лайлак бола очиши-

ни одамлар ҳали-ҳали завқ-шавқ билан эслайдилар.

Сидқий ижоди хусусида фикр юритадиган бўлсак, у ўзи яшаган мураккаб шароитда ҳақиқатни ёқлай олди. Нозик таъб шоир, моҳир таржимон, етук хаттот, ношир, олим сифатида даврнинг илғор ғояларини тарғиб қилди. У Шуун, Шаван, Шавкат, 1914 йилдан эса Сидқий Хондайлиқий тахаллуслари билан ижод қилди. Шоир Тошкентда яшаган чоғларида унинг ҳужрасига Васлий, Абдулқодир Қошғарий, Ғозий, Хислат, Камий янглиғ ижодкор дўстлари тез-тез келиб мушоиралар ўтказишар, яратилаётган асарларни ўзаро муҳокама этиб борардилар. Ўз-ўзига талабчан, зеҳни ўткир Сидқий тез орада бу давранинг забардаст ижодкори сифатида танилди. У ўз-ўзига, халқига эътиборсиз, беғам, кун учун кул сочиб юрганларга қарши норозилик туйғуларини шеърини йўлда шундай ифодалайди:

Илм йўлига кирмадук бизлар,
Илма элни чақирмадук бизлар.
Ғазлимизни оширмадук бизлар,
Ҳеч ҳунарни қидирмадук бизлар.
Биз анинг чун забуни ҳайрона...

Сидқий фақат зорланибгина қолмасдан халқ бошига кулфатлар ёғдираётган золимларга нафрат ва ғазабини очикдан-очик изҳор этади: Қаҳри ҳаққа учрасин маккорлар,
Элни(нг) қонин ичгувчи беорлар...

Тўймадинг ул қон била ҳам то ҳануз,
Тўйгуси тупроқ била охир бу кўз...

Сидқий Хондайлиқий кўплаб ажойиб лирик шеърлар, Жомий, Муқимий, Фурқат, Завқий каби забардаст шоирларнинг ғазалларига муҳаммаслар боғлайди, зулм-зўрликни, текинхўрлик, қаллоблик ва муттаҳамликни ҳажв қилади. Авом халқни алдаб, бор-йўғини шилиб олаётган таъмағир шайхларни фош этиб, шоир куйидаги мисраларни битади:

Бўш довулнинг товуши кетгай
Йироқ —
Тамтароқу тамтароқу тамтароқу...

Ул таъмағир шайхлардан нори қоч,
Чунки алдансанг қолурсан
Йиллар оч...

Наъра тортиб майдонга чиққан оташин шоирнинг овозидан амалдорлар, бойлар, эшону муфтилар, қози, аълам ва мингбошилар даҳшатга туша бошлайдилар. Улар Сидқийнинг овозини «иссиғида ўчириб қўйиш» режасини тузадилар. Шоирнинг дўстлари эса бу хавфдан Сидқийни огоҳ этадилар.

Сидқий Хондайлиқий душманларидан қочиб, уч йил (1909—1912) давомида Андижон, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида ҳаёт кечирди. У ҳамма жойда бир хил шароитни золимлар — роҳатда, мазлумлар — гурбатда эканини ўз кўзи билан кўрди, Ризоий Андижоний каби шоирлар билан дўстлашди, ҳаётни янада чуқурроқ ўрганиб, ижоди ҳар томонлама камолга етди. Шоир шеърлар ёзиш билан бирга, таржимонликни ҳам катта сабот ва зўр чидам билан давом эттиради. Сидқий Хондайлиқий «Минг бир кеча» нинг ярмини Андижонда, қолган қисмини Тошкентда таржима қилиб, улуғ бир ижодий ишни муваффақиятли ниҳоясига етказди. Ҳозирда Сидқийнинг «Минг бир кеча» таржимасининг қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Фарғона водийсидан Тошкентга қайтгач, Сидқий Хондайлиқий ижодий ишга янада астойдил киришди. У шеърларини жамлаб, «Савғоти Шавкат», «Тухфан Шавкат», «Базми ишрат» каби тўпламларини тузди, Саъдийнинг «Бўстон»ини таржима қилди. Араб, форс, турк, озарбойжон тилларини билган шоир «Дурди ва қози», «Ҳикояи латифа», «Ажойиб-ул маҳлуқот», «Сифар гам» сингари ўнлаб асарларни ўзбекчалаштирди. Аини пайтда ҳар қанча таъкиб ва қувғинларга учраса ҳам, Сидқий золимларга қарши қалам тебратишни сира тўхтатмади. Жумладан, «Бизнинг ўлкамизда бўлмиш золим ришвахўр судратма чопон банги эшон-қози ҳикояти»,

«Гар эшон бўлса авлиё», «Тошкентлик Носирхон эшон ҳикояти», «Оти улуғ, супраси қуруқ» (таъмағир шайхлар ҳақида), «Бир баҳил қиссаси» каби қатор ҳажвий асарлари ўткир ҳажвийлиги, реаллиги, таъсирчанлиги билан диққатга моликдир.

Сидқий Хондайлиқийнинг энг ба-ракали ижодий фаолияти Тошкентда яшаган йиллари (1903—1920)га тўғри келади. Айниқса, у Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида жўшқин ҳамда салмоқли ижод қилиб, жуда қимматли асарлар яратди. Сидқийнинг Инқилобни қутлаб, доҳий В. И. Ленинни улуғлаб, ҳалол меҳнатни мадҳ этиб ёзган шеърлари адабиётимиз хазинасига қўшилди.

1920 йил Сидқий Парғиз қишлоғига қайтиб келади. Маълумки, Хондайлиқда туғилиб ўсган шоир оилали бўлгач, Тошкентга яқинроқ жойдаги Парғиз қишлоғига кўчиб тушган эди. Шоир қўшни қишлоқларга тез-тез чиқиб турар ва аҳоли ўртасида Советлар давлатини қўллаб-қувватлаб оташин нутқлар сўзлар, халқнинг қонини зулукдек сўраётган текинхўрларнинг номларини санаб ўтарди.

Сидқий Хондайлиқий бутун умри давомида шеър ёзди, таржима қилди. Шу билан бир қаторда у ўзига қадар ўтган аллома устозлар меҳнатларини юзага чиқаришга алоҳида эътибор бериб, уларнинг нодир асарларини юксак бадиий дид билан қайта-қайта кўчирди, ажойиб тасвирлар тортиб бегади. Ўз санъатини келгуси авлодга мерос қолдириш ниятида Сидқий қобилиятли шогирдлар ҳам етиштирди.

Сидқий 1934 йил Парғиздаги ҳовлисида тўсатдан вафот этади. Унинг шогирди Абдулла Носиров устозининг ижодий меросини ишкони борича йиғиб, 1946 йили Шарқшунослик институтига топширди. Бу отахон Сидқий ижодига қизиқувчиларга ҳозир ҳам сидқидилдан ёрдам бериб келаётир. Шарқшунослик институтида Сидқий Хондайлиқийнинг қачонлардир ўзи тўплам қилган шеърлари, қўлёзма ҳолича ва тамомланмай қолган асарлари сақланмоқда. Бу адабий меросни рўёбга чиқариш, нашр эттириш адабиётшунослар, сидқийшуносларнинг муҳим вазифасидир. Зеро, Сидқий Хондайлиқий, ўз ижодининг ерда қолмаслигини назарда тутган ҳолда муносиб шогирдларидан умид қилиб, куйидаги байтни ёзган эди:

Таъби Сидқий гўнаё бир гулпуруш
Дўқонидир,
Хоҳ шошсин, шошмасин ўз растасин
Хушбўй этар.

Асад АСИЛОВ

Бўстонлиқ райони,
Хондайлиқ қишлоғи

СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ

Муқимий ғазалига муҳаммас

Қадингни бандаси сарви хиёбон ўлди, бир манму?
Кўруб лаълинг чаманда гунча дил қон ўлди, бир манму?
Юзунгни кўрди ишқ аҳли-ю, гирён ўлди, бир манму?
Асирни чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир манму?
Кўруб ойналар ҳуснинга ҳайрон ўлди, бир манму?

Қаён бординг мани то мунда ташлаб турфа доғ айлаб,
Фироқинг илгида кўйдинг-у кеттинг бедимоғ айлаб,
Тамошои чаман қасди билан кўнглунгни чоғ айлаб,
Рух очтинг пардадин ул субҳким бир сайр боғ айлаб,
Қолиб хижлатда чоки гирибон ўлди, бир манму?

Топилмас нозанинлар ичра дилбар сандек озода,
Ки мисли бўлмади манзури, эй жон, ушбу дунёда,
Кўзунг масту ҳамиша олғали жонларни омода,
Куяр жонлар на танҳо ишқинг ўтидинки сәҳрода,
Тушиб бағрида яксар лола сўзон ўлди, бир манму?

Эмасму чоқаринг, жоно, сани бу барча амсолинг,
Тақаллум айласанг тўтйи хушгўлар бўлур полинг,
Бўлай чун хоки раҳ қўйсанг қадам, йўлларда помолинг,

На ёлғизман асири ҳалқан зулфу хату холинг,
Лабингга банда ҳам лаъли бадахшон ўлди, бир манму?

Тилаб васлингни ҳардам оҳ уриб юргонда айб эрмас,
Зуллол истаб лабингдин қон ютуб юргонда айб эрмас,
Жафо ағёрдин ҳар дам чекиб юргонда айб эрмас,
Кўйингда бандалардек соврилиб юргонда айб эрмас,
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ўлди, бир манму?

Қачонким, зеб учун даври рудингдин ташладинг шаҳлар,
Онинг ҳар ҳалқаси пойи хирадга бўлди бир чанбар,
Ҳаёти тоза бергай мурда танга сўзинг, эй дилбар,
Кўриб рамзи табассум бу экан, деб ҳусни Юсуфлар
Гирифтори ўшал чоҳи занаҳдон ўлди, бир манму?

Ҳамиша Шавкату, шаъну, шуқунингдин тўлиб олам,
Илоҳи бўлмасин бу давлатинг Дорою Жамдин кам,
Талабгори висолинг бор эрур, жоно, ҳама одам,
Жамолинг лаззатидин муҳдалар тоған ҳарифлар ҳам
Келиб ойнар Муқимий Янгиқўргон ўлди, бир манму?





УНУТИЛМАС СИЙМО

Хотира одамзоднинг энг буюк маънавий кучларини ўзида мужасамлантиради. Бадий хотира эса уларга умрбоқийлик бахш этади. Шоирлар, бахшилар халқ бадий хотирасининг оқар дарёлари ҳисобланадилар. Бинобарин, Ислом шоир Назар ўғлининг уй-музейидаги хотира дафтарига ўртоқ Шароф Рашидов шундай деб ёзгани бежиз эмас: «Ўттизлаб дostonларни ижод қилган ва ушбу дostonларнинг ҳар бир сатрини ёдида сақлай олган Ислом шоир, Фозил шоир, Пўлкан шоирдек улў зотлар тарихнинг фахридир, инсониятнинг фахридир. Шунинг учун ҳам уларнинг номи мангудир, ижоди абадий яшайди ва асрлар тарихини машъал бўлиб ёртиб туради».

Тарихнинг, инсониятнинг фахри бўлган улў зотлар сиймоси келажак авлодлар тасавурида равшан бир тарзда гавдаланмоғи керак. Шу нуқтаи назардан замондошларнинг улў тўғрисидаги хотиралари муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда бир қанча йирик ўзбек адиблари тўғрисида хотира китоблари нашр этилди. «Ислом шоир замондошлари хотирасида» тўплами шулар жумласидандир.

Ислом шоир Назар ўғли бу хотираларда бетакор дostonчи, асл ватанпарвар, новатор халқ шоири сифатида тасвирланади. Зоҳир бахши Қўчқор ўғли устози Ислом шоирнинг шеърйи маҳоратини қуйидагича—гоят оригинал тарзда ифодалайди:

Ислом шоир замондошлари хотирасида. Тўпловчи Отаёр Наҳанов. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981 йил. 3-бет.

Эй биродар вақт эрур мисли қилич,
Вақтида ургил қиличчи, қўйма кеч.
Ишлагил, иш вақтини ўтқармағил,
Соғпарварлар қошига бормағил,
Ўтган ишни Сидқий дер, отилган ўқ,
То шу дам отилган ўқ келғони йўқ.
Ҳарна эксанг гайрат айлаб шу баҳор,
Унса ердин бир кун ишга ярар.
Экмасанг, юрсанг баҳорда ўйнабон,
Қиш кун келганда сенда қайда нон?

Мард бўлсанг, ишла, элга бўлма юк,
Ишлабон тоғдон қаро нондир чучук.
Соғлигингни қадрини бил, ишлагил.
Дарди йўқ бекорчи ялқовдан чекил.
Бўлма ялқов жинси бирла ошно,
Ялқов ойлар беғам, ойлар бевафо.
Ўз ишингни яхши ишла вақтида,
Ур қизғида темирни, эй ағо.
Совуған темир чўзилмас, бил, аниқ,
Ишчи эл ҳаргиз бузилмас, бил, аниқ!
Роҳат ўлгай ишчиларнинг меҳнати,
Меҳнат ўлгай ялқов элнинг роҳати.
Меҳнат эт ҳар доимо, роҳат яша,
Ёзу қишда яхши еб, яхши оша.

Сиз дoston айтасиз: халқ осур қулоқ,
Сиз йўлга тушасиз йироқ ва йироқ,
Қалбларни балқитар ҳижрону фиروق
Фикрлар чирмашиб ўрлар осмонга.

Кўпгина хотираларда Ислом шоирнинг ижод маҳалидаги қиёфаси сувратланган: «Бахшилар ичида бошиқ ва салобатли ўқийдиргани, одатда паузаси кўп шоир—Фозил ота эди. Ислом ота шўх чалар, шўх ўқир эди ва ҳамisha кўзларида сузгинлик ва қувноқ учқунлар саҳар турар эди». Бу—Ўзбекистон халқ шоири Миртемир эсдалигидан. Шоирнинг қизи Мукаррам Исломова эса шундай деб эслайди: «Отам айтаётганда дostonдаги воқеаларга қараб ҳам овозини, ҳам ҳаракатларини, ҳам дўмбираси оҳангини ўзгартириб бораверарди. Ғамгин ўринларда оҳанглар вазмин сехр билан оқар, отамнинг гавдаси ҳам қандайдир сирли бир жумбоққа айланар, қошлари ғалати чимрилар, атрофни салобатли бир руҳ қамраб олар эди. Шўх, шодийна ўринларда бўлса, отамнинг қошлари бирданига ўзгача бир нафислик касб этиб чимрилар, кўзларида ажиб бир сузгинлик, ажиб бир бахшиёналик жилва қилар, кифтлари гўё дўмбира билан бирга учаётгандек бўлар эди...»

Ислом шоир анъанавий дostonларнинг қайнар булоғи эди. Лекин у янги замон мавзуда ижод қилишни, мамлакат ва халқнинг кундалик эҳтиёжига ярайдиган қўшиқлар тўқишни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билар эди. «Отадан анъанавий дostonларни ёзиб олишга ҳеч вақт етишмасди,—дейди фольклоршунос олима Музаёна Алавиа.—Вақт зиклигидан кўпинча: «Дostonларни қўйиб, ҳозирги замондан, бизниқиларнинг қўли балинд келиб, фашистларнинг таъзирини бераётганидан айттайлик», дерди». Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши йилларида Ислом ота чинакам ватанпарвар ва новатор шоир сифатида майдонга чиқди. У бутун руҳи билан ижодга, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шижоатини тасвирлашга берилиб кетгани учун ҳам устод Ҳамид Олимжонга: «Уруш даврида жуда кўп қўшиқлар ёздим, кечани кеча, кундузни кундуз демай, ҳориш-чарчаш нималигини билмай ишлайман. Хаёлимда мен ҳам фронтга бориб, душманларни қираётганга ўхшайман», деб эди.

Ислом шоир Назар ўғли Улуғ Ватан уруши ва совет халқининг фашизм устидан буюк ғалабасидан кейинги даврда ҳам баракали ижод қилди. У яратган қўшиқлар ва термалар ўзбек шеърятининг энг яхши намуналари сифатида қайд этилди. Бинобарин, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун Ислом отанинг «замонга ҳамнафас, замонага керак ва сафарбар дostonлари, термалари, шеърлари ўз вақтида ҳаммамизга ўрнак бўлган», деб ҳақли равишда таъкидлайди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи маънавий

ўчоқларидан бири бўлмиш Норпой дostonчилик мактабининг устод шоири Ислом шоир Назар ўғли сиймоси Булунғур дostonчилик мактабининг буюк намояндаси Фозил Йўлдош ўғли, Қўрғон дostonчилик мактабининг улўф намояндаси Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир каби ўзбек фольклорига даврий ҳодисадир.

Халқ шоири барча ижодий муносабатларнинг мажмуи сифатида ўзи мансуб бўлган дostonчилик мактабига боғлиқ бўлгани сингари дostonчилик мактаби ҳам шоирларнинг ижодий фаолиятига боғлиқдир. Халқ шоири ҳам дostonчилик мактаби муҳитининг маҳсули, ҳам субъектидир. У умуммиллий дostonчилик муносабатларида муайян мактаб намояндаси сифатида иштирок этади. Фольклоршунослик муайян мактабни ўрганар экан, айни замонда реал халқ шоирларини ҳам ўрганган бўлади, чунки уларнинг ижодий фаолиятлари умумлашмаси сифатида муайян дostonчилик мактаби ҳосил бўлади.

Ажойиб рус совет олими Б. Путилов тўғри таъкидлаганидек, анъанавийлик мураккаб ижтимоий ҳаётнинг, доимо ўсиш ва янгилашида бўлган оғзаки тарихий-адабий жараённинг специфик формасидир, халқ тарихи, жумладан, фольклордаги барча ҳодисалар йиғиндисининг ҳаракат формасидир. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли каби халқ шоирлари «эски халқ дostonларини ижро этибгина қолмай, мустақил дoston яратувчи—дostonчи шоир бўлиб етишган» ижодкорлардир. Шоир ва йирик тадқиқотчи Максуд Шайхзода Фозил Йўлдош ўғли мисолида худди шу ҳақда сўзлаб: «Бу—ўзбек фольклорининг тарихида янги даврнинг янги хусусиятларини кўрсатади, фольклорнинг ўз тараққиётида ёзув адабиётига яқинлашиб келаётганини исбот қилади. Демак, Фозил ота ижодининг бу босқичи фольклор доирасидан чиқиб, индивидуал ижодга, ёзув ижодига кирди», дейди.

Ислом шоир Назар ўғлининг анъанавий дostonлари, ўз индивидуал асарлари, эстетик фикрлари мазмунан бу мўътабар илмий хулосалар билан уйғундир. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Воҳид Зоҳидов Ислом шоирнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтиради: «Яхши бахши халқ адабиётидан олгани билан кифояланмасдан, ўзи ҳам ижодкор бойитишга керак, ўзи яратмоғи керак, шундай қилиб ўзи ҳам халқ дostonлари, эртақлари, шеърлари, умуған бадий санъати хазинасини бойитишда иштирок этмоғи лозим, ўз даври талабларига жавоб бериб, албатта. Бу яратган асарлари ижодкорнинг ўз замони балиндлиги даражасида бўлмоғи, халқи руҳига, халқи ва Ватани олдида турган ижодий вазифаларни бажаришга ёрдам бермоғи керак. Хуллас, ижодкор ўз даври ва халқи билан ҳамқадам бўлмоғи шарт, ҳам бунёдкорлик, ҳам курашда фаол мубориз ва шердай ботир бўлмоқ шон-шараф бағишлайди шоирга...»

Ислом шоирнинг устод Воҳид Зоҳидов хотирасида сақланган бу эзгу фикрлари улўф халқ шоирининг бутун ижодий ғоясини ифодалайди. Зеро, у чинакам халқ шоири эди. Ислом шоирни зўр билан ҳам, зар билан ҳам халқдан қайриб ололмаганларининг боиси—шу. Ислом отанин шайхсий котибларидан бири, филология фанлари кандидати Сиддиқ Асқаров «Замонани қуйлаб» китобида шундай деб ёзади:

«Бир гул шоҳида ҳам тикан, ҳам гул ўсганидай, дostonчилар саркори, Ислом шоирнинг устоди Эрназар шоғирдлари орасида Ҳайдар шоир халқдан ажралиб, бошқа йўлдан кетди. Ислом шоирга тенгдош Ҳайдар бахши ҳам Эрназардан таълим олиб,

тушовоз дostonчи, дўмбира чертишда унча-мунчалар бас кела олмайдиган даражада бадихағўй бўлиб, шўхрат қозонди. Унинг дostonчиликдаги хушовозлигини эшитган Бухоро амири ўз саройига олади Ҳайдар шоир Ислом шоирни ҳам амир саройига хизматга таклиф этади. У Ҳайдарнинг таклифига нафратланиб: «Мени ўзимнинг ихтиёримга қўй! Мен юпун, фақир кишиман, фақир киши панада, деган қадимдан қолган нақл бор. Майли, шу юпун, қашшоқ ёри-дўстарим, меҳнаткаш халқим орасида юрай, оз топсам-да майлига. Нега десангиз, камбағал камбағалга қотишади бойга бойга қотишади, тўралар орасида биз қотиша олмаймиз»,—деб жавоб беради. Ислом шоирдан Қорақул қўрбоши ҳам ўз хизмати йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Шоир улар орасида бир неча кун бўлиб, уларнинг кирдикорларини, фахш ишларини, ваҳшийликларини ўз кўзи билан кўриб, ундан нафратланади. Шоир зўр-базўр босмачилардан қутулиб қолади. Қишлоғи Галақасобга қайтиб бориб, бир неча вақт яшириниб юришга мажбур бўлади».

Ислом шоир Назар ўғли ҳамisha халқ билан бирга бўлгани, Ватанин олий мурод-мақсадлари билан яшагани учун ҳам Ленин замонасининг муносиб куйчиларидан бирига айланади. Албатта, ҳар қандай шоир ижодий камолотининг ижтимоий-маънавий сарчашмалари бўлади. Совет даврида барча халқ шоирларининг, жумладан, норпойлик устод дostonчининг ҳам Коммунистик партияннинг бевосита ғамхўрлиги, эл-юртнинг эътибори, эъзози сабаб бўлиб, илҳоми селдай қойнаб тошди. Шоирнинг ижодий рўёбга чиқиши ва ўсишига фольклоршунослар, шунингдек унга биритиб қўйилган шахсий котиблар ҳам маълум даражада ёрдам бердилар. Унинг репертуридаги дostonлар кенг халқ оммасининг мулки бўлиб қолишида, илмий ўрганилишида, индивидуал ижоди барқ уриб яшнатида кўпгина устодларимизнинг катта хизматлари борлиги ҳеч кимга сир эмас. «Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Ҳоди Зариф, Шароф Рашидовлар халқ оғзаки адабиётимизга яна кўп узоқ йиллар давомида ёддан чиқмайдиган ғамхўрлик қилишганини мен жуда ҳам фахру мамнуният билан эслайман,—деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин.—Ўзбекистон ёзувчиларининг иккинчи сьезида Фафур Ғуломнинг оғзаки адабиёт ҳақида докладини тингланмиз. Жуда кўп дostonларнинг нашр этилиши, Ислом шоир, Абдулла шоир, Фозил Йўлдошларнинг танилишида Ҳамид Олимжон бебаҳо иш қилган. Халқ оғзаки адабиётимизнинг фан сифатида юксалишида Ҳоди Зариф меҳнати ҳурматга лойиқ».

Хуллас, Ислом шоир бутун замонамиз, шеърятимиз, адабиётимиз ва санъатимизнинг ажойиб намояндаси билан биргалликда камол топди. «Ислом шоир замондошлари хотирасида» китобида ўз эсдаликлари билан иштирок этган адибларимиз, шоирларимиз, олимларимиз, норпойлик устод дostonчининг ҳамюртлари буни мамнуният билан уқтирадилар.

Бу ўринда айни хотиралар китобини тўплаган, сўнг сўз билан таъминлаган, тўпладан ўрин олган кўп мақолаларни ёзиб олган шоир Отаёр Наҳановнинг хизматини ҳурмат билан таъкидлашни истар эдик. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Абдулла шоир каби ажойиб дostonчиларимиз, машхур эртақчиларимиз, қўшиқчиларимиз ҳақида ҳам ана шундай хотиралар китоби тузиш ва нашр эттириш айни муддао бўлур эди.

М. ШЕРҚУЛОВ



МАКТУБЛАРДА ЖОНЛАНГАН ТАРИХ

Пойтахтимиздаги улкан санъат даргоҳи — Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейига ҳар кунги мамлакатимизнинг турли ерларидан кўплаб хатлар келиб туради. Уларда музей фондиди қайта кўриб чиқишга, айрим нодир картиналарга тарихан аниқроқ изоҳлар беришга даъват этадилар. Кўпгина ёзишмалар туфайли бу санъат кошонаси билан Москва, Ленинград, Киев, Свердловск, Воронеж, Одесса, Астрахань шаҳарларидаги ўлкашунослик музейлари ўртасида ижодий алоқалар йўлга қўйилган.

Мана, қўлимизда Кўкчатов шаҳридан келган хат. Унга кўз югуртирасизу қизиқарли фактларга дуч келасиз... Дарвоқе, бу мактубни Елена Владимировна Куйбишева — оташин революционер В. В. Куйбишевнинг туғишган синглиси йўллаган. У ҳозир Кўкчатов шаҳридаги В. В. Куйбишев уй-музейининг директори.

Хатда ҳикоя қилинишича, Валериан Владимирович Куйбишевнинг уй-музей экспозициясини кенгайтириш мақсадида кейинги йилларда кўп иш қилинган. Довжурок революционернинг Урта Осиёда кечган қаҳрамонона ҳаёт йўли билан боғлиқ экспонатлар учун ҳам бу ерда алоҳида экспозиция ташкил этилган. Аммо, материаллар ҳали тўлиқ эмас. В. В. Куйбишевнинг серкўёш Ўзбекистон мўйқалам усталари томонидан яратилган портретлари ҳам уй-музейдан ўрин олиши лозим экан.

Елена Владимировна Куйбишева ўз мактубида сеvimли акаси тасвирланган санъат асарларидан юборишни музей ходимларидан сўраган эди. Шундан кейин музей ходими Валериан Владимирович Куйбишев образи яратилган картиналарни тўплашга киришди. Ўзбекистон ССР халқ рассомлари В. Уфимцев билан Лутфулла Абдуллаев томонидан яратилган ана шундай полотноларнинг асл нусхалари Кўкчатов шаҳридаги В. В. Куйбишев уй-музейига совға қилинди.

Таниқли рассом Николай Васильевич Розанов ижоди билан боғлиқ бўлган мактуб ҳам музей коллективини қизиқтириб қолди. Н. В. Розанов йигирманчи йилларда Тошкентда яшаб, баракали ижод қилди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Давлат санъати музейи ҳузурида бадий студия очилган. Студияда 1924—1928 йиллари маҳаллий миллат вакилларида иборат ҳаваскор рассомлар қизгин ижодий иш олиб боришган эди. Рассом Н. В. Розанов уларга устозлик қилди. Урол Тансиқбоев ҳам шу студияда ўз маҳоратини ошириб, ҳаётга йўлланма олган эди.

Маълумки, Н. В. Розанов Москвадаги Рассомлик академиясини кумуш медал билан тугаллаган ва ўша медални вақти келиб ўз шогирди У. Тансиқбоевга васият қилиб қолдирган эди. Орадан йиллар ўтиши билан У. Тансиқбоев машҳур мўйқалам устаси сифатида танилди. У СССР Рассомлик академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. СССР халқ рассоми У. Тансиқбоев устози Николай Васильевич Розановнинг ўша медалини Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейига топширган эди. Мазкур эсдалик яқинда Калуга ўлка музейига юборилди. Бунинг сабаби бор, албатта. Рассом Н. В. Розановнинг жияни, профессор М. Д. Розанова ҳам Тошкентдаги санъат музейига йўллаган мактубида атоқли санъаткорнинг Калуга шаҳрида туғилиб ўсгани, эндиликда бу ерда ўлка музейи ташкил этилаётгани, унда Н. В. Розанов ижодига катта ўрин ажратилганини ёзган эди.

Музей ходимлари шу мактуб асосида коллекция тўплادилар. Рассомнинг Ўзбекистондаги жўшқин ижодий фаолиятини ўзида акс эттирувчи муҳим ҳужжатлар билан бирга ўша кумуш медал ҳам шу коллекциядан ўрин олди.

Москвалик ҳайкалтарош И. Г. Фрих-Хар билан олиб борилган ёзишмалар ҳам республикамиз санъат тарихини янгиликлар билан бойитди. Бу санъаткор машҳур саркарда В. И. Чапаев дивизиясининг собиқ жангчиси эди. У йигирманчи йилларда Туркистон Ўлка рассомлик мактабини тамолаб, қизгин ижод билан шуғулланди. Кўпгина бюстлар яратди. Ҳайкалтарош И. Г. Фрих-Хар Ўзбекистонга бағишланган ажойиб асарлари билан шуҳрат қозонди.

Моҳир санъаткор яратган портретлар Ўзбекистон ССР Давлат санъати музейи фондидан ўрин олган. Бироқ бу асарлардан бирининг номи ноаниқ эди. Музей ходимлари ижодкор билан хат орқали боғланиб, «муаммо»ни ҳал этдилар. Эндиликда музей фондидаги ўша ҳайкалнинг асл номи «Уринбосар» эканлиги маълум бўлди.

Акбар АЛИЕВ,
педагогика фанлари кандидати.

Қассоб ва шайтон

Бордим бир кун манти учун гўшт олгани, Азиз дўстлар, гапимнинг йўқ ҳеч ёлғони.
— Қанча,— дея қассоб менга қоқди ияк, Икки кило гўшт олдим мен, ярми суяк.
— Инсоф борми?— дедим, қассоб бир сўлжайди,
— Вой бўтам-ей, ҳеч суяксиз гўшт бўлмайди.
Урарди у суяк ташлаб гўшту мойдан, Кириб келди гўшт олгани шу пайт Шайтон.
Қассоб деди кўзин қисиб:— Қайдан кесай, Тўшданми ё лаҳим қўйиб мойдан кесай?
Шашлик қилсанг жигари бор иштаҳоб.
Жонга роҳат, думба ёғу жигар кабоб.
— Ошбоп бўлсин!— деди Шайтон,— кесинг сондан, Аммо фақат камроқ ташланг устихондан.
Қассоб жадал қовурғани бўлаклади.
Суякларни майда қилиб элаклади.
Ихчам ўраб оқ қоғозга гўштни атай,
Мақтанди у: «Гўшт эмас бу, чайнайсан мой!»
— Шошма!— деди Шайтон гўштининг чўгин кўриб,— О, муғомбир, сен менга ҳам бердинг фириб.
Ҳақ бермайсан наҳот тошу тарозига,
Нима тикдинг лаҳим гўштининг орасига?
Гўшт ичидан суякларни териб отди,
Қассоб Шайтон қаршисида тошдек қотди.
— Шайтонман-ку, танимадинг наҳот, мараз?!
— Кечиринг,— дер қассоб,— устоз, шошдим бироз...

Орамизда йўқ эмасдир текинхўрлар,
Шайтонга ҳам фириб берар гоҳо улар.

Мели БОБОҚУЛОВ

Самарқанд

ДАНГАСАНИНГ БАҲОНАСИ:

— Шу денг, ўрнимдан тураман дейману туролмайман...



Ота:— Уғлингнинг дарсини телевизор кўриб бўлиб тайёрласам, майлими?

Она:— Йўқ, йўқ, унақаси нетмайди! Олдин тайёрланг!

— Қизим, яна менинг кўйлагимни кийиб олдингми?

— Ҳой, қариб қуюлмаган дадаси, сизга нима жин урди?!

— Тек тур! Ҳозир шунақа мода.



— Ишлаб чарчаганимда бир пиф-лагина кўк чой ичиш хўп маза-да!
Х. МИРЗАКАРИМОВ фотозъяди

Чапак- Тинчанақ



ҲАЖВИЯ

Тўй авжида. Даврани олиб бораётган сўзамол йигит микрофонни қошиқдай оғзига тутиб, шангиллаган овоз билан қандайдир ғазаллардан байт ўқир, одамларни кулдириш учун мушук бўлиб миёвлар, товуқ бўлиб қақақлар, паровозга тақлид қилиб чинқирар эди. Бир маҳал тарвуздай думалоқ йигит ўттиз иккита тилла тишини ялтиратиб ўртага тушди. Даврани олиб борувчига битта ўнталиқ узатган эди, у қўлларини қанотдек ёнига уриб, оғзини катта очди-да, темирқанот қушчага ўхшаб

чийиллади. Халқ гуриллаб кулиб юборди.
— Боплади, қарқуноқнинг боласи, боплади!
— Ҳакканинг боласидай очади-я оғзини, хумпар!
Уртани олиб борувчи йигит кулиб, пулни оғзига эмас, чўнтагига солди. Кейин микрофон «шлангасини судраб, ориққина йигит ёнида тўхтади.
— Энди ўртоқлар, ижозатингиз билан келин билан кувёни табрик-лаш учун сўзни — шеърят осмонимизда юлдуздай порлаб турган маш-

хур Сайфулла Парвозийга берамиз! Чапак, ўртоқлар!
Шарт-шурт чапак овози эшитилди. Шоир Сайфулла Парвозий кўрда пишган картошкани совутаётгандай микрофонга «пуф-пуф»лаб, кўзи одамларда, гап бошлади.
— Ассадому алайкум, ҳурматли опа-сингиллар, азиз ёру биродарлар! Мана, ширинзабон даврабошимиз ҳурматли шоирингизни жуда мақтаб юбордилар. Каминаи камтарин шеърят осмонида юлдуз эмас, оддий комета, яъни думли юлдуздир, азизлар!
Шоир орқасида чўзилиб турган микрофон шнурига ишора қилиб илжайди.

— Маълумки, ҳозир тўю томошаларга артистлар билан қизиқчилар, аскиячилар билан кўзбоғлагичлар келиши расм бўлган. Шоир тўйга келиши эса, катта воқеа, кутилмаган бахтдир, азизлар! Кўпчилигингиз Ҳамза сингари шоирларнинг фақат расмини кўргансизлар. Мана бугун эса тирик шоирни кўриш бахтига муяссар бўлиб турибсизлар, биродарлар! Чапак, ўртоқлар!

Сигаретни қийшиқ тишлаган, кайфи тарақ икки-уч ўспирин қийқириб чапак чалди. Шоир чап қўлини кўтариб, даврани тинчитди.

— Хўш, ўртоқлар! Камина кичкина шоир бўлсак ҳам катта-катта амалдорлар дам оладиган курортларда ҳордиқ чиқариб қайтамиз. Шеърят мухлислари студентчалар доимо орқамдан эргашиб юришини айтиб, вақтларингизни олмайман. Шахсий автомашинам борлигини гапириб мақтанмайман ҳам. Буни кўзи кўр бўлмаган ҳар бир киши билади. Энди, азизлар, вақт зиқ бўлгани учун ижодий гулдастамдан икки-учта хушбўй гулларни сизларга тақдим қилмоқчиман. Ёки «Ажал» деган дostonимдан ўқиб берсаммикан? Келинлар, ҳозирча шеър ўқий қолай...

Шоир косагул тутган биллур қадаҳдаги пепси-колани сипқорди, муштини оғзига яқинлаштириб йўталиб олди-да, шеър бошлади.

ОНАЖОНИМГА!

Онажоним айтганда алла, Тинглар эди бутун маҳалла, Отам ўраб бошига салла, Деяр эди, ҳа, баракалла!

Чапак, ўртоқлар!
Шап-шуп чапак овози эшитилди.

САРАХОНГА!

Севган қизим қизларнинг сарасидир,
Икки кўзи «Жигули» фарасидир!

Чапак, ўртоқлар!
Шап-шуп чапак овози эшитилади.

УЧИНЧИ СЕВГИ

Мужгонларинг сўроқ аломатидир,
Лабингдаги холинг нуқта белгиси.
Табассуминг — жоним саломатидир,
Қарамасанг, тамом, шоир ўлгуси!..

Шу пайт хилват жойдаги сўрида ўтирган қариялардан бири шоирнинг гапини шартта бўлди.

— Алмойи-алжойи байтингиз билан бошимизни қотириб юбордингиз-ку, ўғлим. Бизлар зикрхонага эмас, тўйга келганмиз, ахир! Бас қилинг байту ғазалингизни. Ёшлар ўйнаб кулсин-да!

Илҳом париси учиб кетган шоирнинг ғазабдан оғзи қийшайди. Микрофонни қарияга тўппончадай ўқталиб ўшқирди:

— Ҳой, шартти кетиб, парти қолган чол! Ким қўйибди сенларга шеър эшитишни? Уйларингда носвойнинг кайфини суриб ётавермайсанларми?!

Шартаки чол ҳассасини зарда билан ерга нуқиб, чап қўли билан эшикни кўрсатди:

— Қани, думли юлдуз, Фарзинча, думингизни йиғштириб, тувёнгизни шикиллатиб қолинг-чи!

— Фарзинча эмас, Сайфулла-ку! — деди ёнидаги чол.

— Э, барибирда!
Парвозий титраётган қўллари билан шеър ёзилган қоғозни чўнтагига жойлаб, эшик томон йўл олар экан, тўнғиллади:

— Мияси суюлган чоллар! Сенлар шеърятни тушунармидиларинг?! Менинг шеъримни студент болалар тушунади. Тўй эгаси домла эмас-да! Бўлмаса, студентларни бошлаб келган бўларди, чапак роса авжига чиқарди, шаънинга қийқирлар бўларди.

Сайфулла Парвозий эшикдан чиқиб кетгач, гулдурос қарасқлар овози эшитилди. Бу — чинакам чапак эди.

Абдулла ҚОЗОҚ

ҚИРҚ БИР ЕНДА,
ҚИҢФИР БИР ЕНДА...



— Мана буларга бир қара, роса бурни кўтарилибдимми?
— Ижоди эмас, бурни ўсибди.

Минг бир китобдан бир китоб.

А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар



— Бу телефон эмас, азобижон!



МУҲТАРАМ ЖУРНАЛХОН!

1981 йил ҳам якунланмоқда. Йил давомида редакция журналхонлардан жуда кўп хат-хабарлар, фикр-мулоҳазаларга бой мактублар олди. Журнал саҳифаларида атоқли пахтакорлар, ишчилар, қурувчилар, маданият арбоблари фаол қатнашмоқдалар. Шунинг билан қайд этамизки, журналда эълон қилинаётган материалларнинг мазмунан яна ҳам чуқур бўлишида хат ва таклифларнинг аҳамияти каттадир.

«Гулистон» журналининг таҳрир ҳайъати ҳамда ижодий коллективи янги — 1982 йилда ҳам ўзининг яхши анъаналарини давом эттириб, журнални мазмунан яна ҳам бой, техник жиҳатдан гўзал нашр этиши ниятидадир. Маълумки журналнинг тематикаси кенг. Мамлакатимизда юз бераётган буюк бунёдкорлик ишлари, саннат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, қурилиш майдонларида амалга оширилаётган ташаббуслар, олимларнинг лабораторияларида яратилаётган янгиликлар, ихтиролар журнал саҳифаларидан ўрин олади. Булардан ташқари, беҳудуд космос сирлари ҳақидаги мақолалардан тортиб, океан ва денгизларда яшовчи жониворларнинг ҳаётигача, ер юзининг турли жойларида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тортиб, тоғлардаги ёрларнинг пайдо бўлишигача кенг қамровли турли-туман материаллар «Гулистон»нинг келгусида яна ҳам жонлироқ чиқишига ёрдам беради. Бу борада Сиз муҳтарам журналхонларнинг кўмагиниз бизга жуда қимматлидир.

Журналимизда келгуси йили ҳам хилма-хил рубрикалар остида қизиқ-қизиқ материаллар ёритиб борилади. Шунингдек, «Тошкентнинг 2000 йиллиги», «Тилга эътибор...», «Саволларингизга жавоб берамиз», «Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш», «Дўстлик ришталари», «Ранг-баранг олам», «Ғаройиб ҳодисалар», «Қардошлик оиласида», «Яхшилар шарофати», «Халқ оғзаки ижоди» сингари янги рубрикалар очишни ҳам мўлжаллаганмиз. Адибларимизнинг қиссалари, дostonлари, ҳикоялари, лирик шеърлари янги йилда ҳам журналнинг саҳифаларини мазмунан бойитади. Журналнинг «Чақиртиканак» деб номланган ҳажвий бўлими тағин ҳам жонлантирилади.

Қамолли эҳтиром билан,

«ГУЛИСТОН»


ЖУРНАЛХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил 1 январдан «Гулистон» журнали ойлик нарҳи 35 тиён бўлади. Бу тадбир матбаа қозғоли нарҳининг ошгани, полиграфик ижро ва нашрларни обуначиларга етказиш харажатиининг кўпайгани билан боғлиқдир.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Ҳудуд Ватан урушидан голиб қайтган Мавлонберди Худойбердиев айни кунларда ўз қишлоғи — Советда пири бадавлат яшамоқда. Суратда: Мавлонберди Худойбердиев ўз оила аъзолари билан. (9-бетдаги «Марсеевча ирода» очеркни ўқинг.)

Тўртинчи бет: 1. Урта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти биология лабораторияси лаборанти М. Умарова, шу бўлимнинг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати О. Рисбоева ҳамда аспирант Ф. Ҳасанова гўза вилтини қўзғатувчи микроблар биологиясини ўрганмоқдалар. 2. Институт биология методи лабораториясининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати А. Ҳакимов, институт директори, биология фанлари доктори С. Алимўхамедов, биология методи лабораторияси мудири, биология фанлари кандидати Э. Одилов ва энтомофағларни урчишти лабораторияси мудири, биология фанлари кандидати Б. Адашкелчи энтомофағларнинг етилишини кузатмоқдалар. (9-бетдаги «Мўл ҳосил посбонлари» мақоласини ўқинг.)



КРОССВОРД

Бўйига: 1. Ириқ илмий асар. 2. Тасвирий санъат тури. 3. Қурилиш материаллари. 4. Фасл. 5. Сувда ўсувчи гул. 6. Қардош республика. 9. Африкадаги қўл. 10. Оммавий сайил. 13. Егин. 14. Сабзавот. 18. Денгиз. 20. Шеър сатри. 22. Шимолий Африкадаги иссиқ шамол. 25. Минерал. 26. Қахрамон пионер. 31. Ўзбекистондаги район. 32. Сут маҳсулоти. 33. Мамлакат. 36. Ўзбек романи. 37. Махшур дорбоз. 38. Атоқли ўзбек математик олими. 39. Дори-дармон. 41. Сув жонивори. 42. Қуш. 46. Субтропик гул. 47. Иттифоқимиздаги футбол командаси. 53. Махшур инглиз денгизчи-сайёҳи. 54. Маъдан.

Энига: 7. Фан. 8. Ўзбекистондаги шаҳар. 11. Масофа ўлчови. 12. Чиройли ёзув. 15. Тасвирий топишмоқ. 16. Субтропик мевали ўсимлик. 17. Гигант нурхона. 19. Ҳарбий хизматчи. 21. Дарахт. 23. Рус сайёҳи. 24. «Ўзбекфильм» маҳсулоти. 27. Юлдуз туркуми. 28. Парранда. 29. Дон. 30. Ҳ. Олимжон асарларидан бирининг персонажи. 34. Тоғ. 35. Ўзбек классик шоири. 40. Совет драматурги. 43. Ҳинд эпоси. 44. Уй-рўзгор буюми. 45. Болгариядаги тарихий жой. 48. «Кумуш тола». 49. Газлама тури. 50. Дарё. 51. Қахрамон совет генерали. 52. Уч асар. 55. Вилим юрти. 56. Ҳунарманд.

Тузувчи Анвар МИРЗАЕВ

Калинин райони

9-СОНДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 4. Динамит. 7. Нодирабегим. 10. Бута. 11. Ирода. 12. Яман. 15. Оқизоқ. 17. Шахмат. 19. Довон. 21. Боку. 22. Укки. 24. Регар. 27. Қувват. 28. Калава. 31. Морж. 33. Арафа. 34. Ориф. 35. Амортизатор. 36. Аббосов.

Бўйига: 1. Сицилия. 2. Рамазонов. 3. Минерал. 5. Тола. 6. «Гирия». 8. Гулиа. 9. Чашма. 13. Тошбақа. 14. Отчопар. 16. Озода. 18. Аккра. 19. Дур. 20. Нур. 23. Овоқ. 25. Герасимов. 26. Сайил. 29. Қахрабо. 30. Саратов. 32. Жума. 34. Омоч.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ

«Гулистан» — ежесечный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий: фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.08.1981 й. Босишга рухсат этилди 22.09.1981 й. Р — 07368. Қозғоқ 70×108¹/₈. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267190. Вуюртма 1560. Нашр А-117.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



«Гулистон» колхозининг правление активлари — ҳисобчи Ҳ. Фуломов (чапдан), ёрдамчи бухгалтер Е. Норматов, ҳисобчи С. Исоқулова, маданий ишлар бўйича раис муовини Қ. Иброҳимов, колхоз раиси И. Ҳайдаров, колхоз партия комитетининг секретари А. Мафиқов, 8-бригада бошлиғи М. Мусоев ўртоқлар кунлик терим натижаларини муҳокама қилмоқдалар.



Колхоз қурилиш инженери М. Собиров (чапдан), қурувчилар бригадаси бошлиғи Қ. Мирзаев, электр монтажчи М. Абдимавлонов, прораб А. Усмонов, дурадгор Ҳ. Мусоҳўжаев ва электр пайвандчи А. Эргашев колхозда олиб борилаётган қурилиш ишларининг аҳвали ҳусусида суҳбатлашмоқдалар.

